

САМОВИЙ ҚОТИЛ



ЖАҲОН ДЕТЕКТИВИ ДУРДОНАЛАРИ

Агата Кристи
Эллери Куин
Айзек Азимов
Билл Пронсини
Жек Ричи

Ричард Лаймон
Лоуренс Блок
Роберт Артур
Стивен Кинг
Эдгар Уоллес

22-3/2.4(100)
C 29 | 2018/10
738
Call over

2018/10
738

САМОВИЙ ҚОТИЛ

Жаҳон детективи дурдоналари

«Адабиёт учкунлари»
Тошкент–2017

УДК:76.06
ББК: 82.4-8
С76

Самовий котил: жаҳон детективи дурдоналари /
тўпловчи ва таржимон М. Йўлдошева. - Тошкент:
«Адабиёт учкунлари», 2017. - 232 б.


ISBN 978-9943-987-59-3

*Ушбу тўпламга бутун дунё тан олган забардаст
детектив ёзувчиларнинг энг сара ҳикоялари жамланган.
Бу адибларнинг баъзилари, айтайлик, Агата Кристи,
Стивен Кинг, Айзек Азимовларнинг номи ўзбек
ўқувчиларига яхши таниш бўлса, Ричард Лаймон
сингари адиблар илк марта ўзбек тилига таржима
қилинапти. Ўқувчилар ажойиб асарларни ўқиш билан
бир қаторда жаҳон тан олган ёзувчиларнинг ҳаёти ва
ижоди ҳақида ҳам тасаввурга эга бўладилар.*

Тўпловчи ва таржимон:
Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тақризчи:
Абдукаюм ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

© Муҳаббат Йўлдошева
© «Адабиёт учкунлари» нашриёти, 2017.



709/11

Агата КРИСТИ



2010 йил 15 сентябрда бутун дунёдаги оммавий ахборот воситалари «Детективлар қиролчаси» унвонига мушарраф бўлган инглиз адибаси Агата Кристи таваллудининг 100 йиллигини нишонлашди. Биринчи турмуш ўртоғининг шарифи билан «Агата Кристи» сифатида танилган Агата Мэри Кларисса Маллоуэн дунёдаги энг машхур детектив асарлар муаллифи ва

инсоният тарихидаги энг кўп асарлари чоп этиладиган адиба сифатида тан олинган.

Агата Кристи 60 дан ортиқ детектив романлари, 6 та руҳиятга оид романлари (Мэри Уэстмэкотт тахаллуси билан чоп этилган) ва 19та ҳикоялар тўпламларини нашр эттирган. Лондонда унинг 16 та пьесаси саҳналаштирилган. Агата Кристининг китоблари 2 миллиарддан ошиқ нусхада чоп этилган ва 100 дан ортиқ тилларга таржима қилинган.

Саҳналаштирилган театр асарлари бўйича рекорд ҳам Агата Кристига тегишлидир. Агата Кристининг ilk бора 1925 йили қўйилган «Қопқоп» номли пьесаси шу пайтгача мунтазам намойиш этиб келинмоқда.

АКТРИСА

Пастки ўриндикларнинг тўртинчи каторида ўтирган, ғижимланган эски костюмдаги эркак гўё кўзларига ишонмаётгандек бўйнини чўзганча, саҳнага тикилди.

– Ё кудратингдан! тўнғиллади у. – Нэнси Тейлор! Бу ахир Нэнси Тэйлор-ку?! Онт ичаманки, бу Нэнси Тейлорнинг ўзгинаси!

У чўнтагидан эзилиб кетган дастурномани олиб очди ва йирик харфларда ёзилган исмини ўкиди.

«Ольга Стормер! Кара-я, энди сени шундай деб аташаётган экан-да! Юлдуз бўлиб кетибсан-да! Ҳа-а, пулларингни товук чўқимаётгандир... Балки хақиқий исминг кандайлигини ҳам унутиб юборгандирсан? Ҳечкиси йўқ. Жейк Левитт барини эсингга солиб кўяди».

Биринчи саҳна кўриниши тугади, пардалар туширилди, залда гулдурас қарсақ янгради. Ольга Стормер бир неча йиллар муқаддам юлдуздек балкиган ва энди исми маълуму машҳур актриса бўлса-да, «Жазоловчи фаришта» (бу ерда ўтган асрнинг 20-йилларида машҳур бўлган инглиз драматурги Майкл Голдинг (1867–1934) нинг пьесаси назарда тутиляпти – тарж.) спектаклидаги Кора ролининг ижроси билан ҳаммани хайратда қолдирганди.

Жейк Левитт қарсақ чалмади – тиржайибгина кўя қолди. Омаднинг келганини кара-я! У бўлса қаердан пул топиш мумкинлигини ўйлаб, бошини котириб юрибди. Турган гапки, Нэнси сувдан қурук чиқишга уринади, аммо чучварани ҳам санаб юрганини тасав-

Жаҳон эстетикаси ўрталари

вур ҳам килолмайди. Ҳа. Жейк ўз ишини пухта бажа-
ради. Ахир у олтин конини топди-ку, энди уни кўлдан
чиқарармиди!

Эртаси кун и эрталаб Жейк Левиттнинг «олтин
кони» ўзининг кизил-қора рангларда безатилган
мехмонхонасида ўтирар ва унинг мактубини бир неча
марта ўкиб чиқишга улгурганди. Аёлнинг одатда
харакатчан бўлган юзи худди рангпар гўзал никобдек
котиб қолган, қошлари тажовузқорона уюлган, ақлли
кулранг-яшил кўзлари эса мактубга худди захарли
илонга карагандек бир алфозда боқарди. Хоним энг но-
зик ҳиссиётларни ҳам изҳор эта оладиган гўзал овозда
котибасини чақирди:

Жонс хоним!

Шу захотиёқ кўшни хонадан кўлида дафтарча ва
калам ушлаган орастагина киз чиқиб келди.

— Илтимос, жаноб Дэнхенга кўнғирок килинг. У
менга зудлик билан керак.

Унинг импрессариоси бўлган Сид Дэнхен хар
нарсга тайёр холда хонага кириб келди. Сиднинг
бутун умри буюк актрисаларнинг сон-саноксиз инжиқ-
ликларига қарши курашин билан ўтган. У хушомад
килиш, кулдириш, кўнғилни очиш, таскин бериш ёки
кўркитиш усулларини мукамал эгаллаган бўлиб,
улардан шароитга қараб фойдаланарди. Олыганинг
буткул хогиржам эканлигини кўриб, унинг елкасидан
тоғ қулагандек бўлди. Хоним мактубни стол устига
улоқтирди:

— Манавини ўкиб кўринг.

Мактуб арзон қоғозга бир талай хатолар билан
ёзилганди.

«Муҳтарама хоним!

Кеча окшомда сизнинг «Жазоловчи фаришта»даги ижронингиздан бир дунё лаззат олдим. Бир вақтлари Чикагода менинг ёкимгойгина махбубам бўларди. Уни Нэнси Тейлор деб чакиришарди. У ҳақда мақола ёзмакчиман. Агар бу сизни кизиқтирса, истаган вақтингизда – кундузимиз ёки кечасимиз, – хузурингизга боришим мумкин.

Хурмаг билан Жейк Левиттга.

Дэнхеннинг боши котиб, қошларини чимирди.

– Ҳўш, нима бўлди? Ўша Нэнси Тейлор ким экан уш?

– Ўша киз ўлиб кетганида яхшироқ бўларди. Дэнни! Олыанини овозида ўттиз тўрт йиллик умри давомида йиғилган барча алам ва чарчоклари акс этди. Ҳа, аслини олганда, у ўлган ҳам эди, фақат манави ўлаккаҳўр уни кавлаб чиқарди.

Э-ҳе, шунака денг! Демак, бу...

– Ҳа, Дэнни, у – менман.

– Таъкиб қилаётган экан-да?

Аёл бош ирғадди.

– Ҳа. Бу одам ўз ишини яхши билади.

Дэнхеннинг авзойи бўзилди. Ольга узун-узун ингичка бармоқлари билан юзини тўсганча, уни хотиржамгина кузатарди.

– Агар бунинкор этилса-чи? – сўради Дэнхен. – Ахир орадан қанча вақт ўтиб кетган. Сиз айнан ўша аёл эканлигингизни у қандай исботларди?

Ольга бош чайқади.

– Левитт аёлларини шантаж қилиш оркали кун кўради. У ҳеч қачон янглишмайди.

– Полицияга айтсак-чи? – иккиланиброқ таклиф қилди Дэнхен.

Ольга факат табассум килди, аммо ўзининг ваҳимага тушаётганини сездирмасликка урипти. Аслида эса у оёғи остидаги замин йўқолиб, ўзини муаллақ осилиб гургандек сезарди.

– Сиз барини... э... сэр Ричардга айтиб беришни ўйлаб кўрганмисиз? Шунда ҳар қандай таъқибга хожат қолмасди.

Ольга Стормер ва парламент аъзоси сэр Ричард Эверарнинг унаштирилганликлари хақида бир неча ҳафта муқаддам эълон қилинганди.

– Айтганман. У менга уйланмоқчилигини айтган пайтдаёк...

– Бўпти, унда кўркадиган ҳеч нарса қолмабди-ку! – снгил тортди Дэнхен.

Ольга захархандали илжайди.

– Қанийди, шундай бўлса... Дэнни, сиз тушунмаяпсиз. ишлар сиз ўйлаганингиздан кўра анча чатокрок. Агар Левитт ўз пўписасини амалга оширгудек бўлса, нафакат менинг, балки Ричарднинг ҳам мавкеига пу-тур стади. Тушунишимча, бу ахволдан қутулишнинг факат иккита йўли бор.

– Яъни?

– Тўлаш. Унга тинимсиз пул тўлаб туриш ёки ғойиб бўлиб, яна барини қайтадан бошлаш... – Аёлнинг овозида яна чарчоқоҳанги пайдо бўлди. – Энг қулгилиси шундаки, Дэнни, мен ҳеч нарсага ачинмайман. Ўшанда мен кашшоқлар орасидан чиққан ялангоёк қиз эдим ва камбағалликдан қутулиб кетишни жудаям истардим. Бундан ташқари, бир одамни отиб ташлаганман – тўғри, у аслида хайвонсифат бир кимса эди ва қилмишига яраша олганди. Боз устига, бу воқеа шунақанги вазиятда юз бергандики, ҳеч бир суд мени

айблай олмайди. Буни-ку, мен энди тушуняпман, ўша вақтда эса ўлардек кўркиб кетган ахмок қиз эдим ва шу сабабли ҳам қочиб қолганман.

Дэнхен бош ирғади.

– Назаримда, – аста гап бошлади у, – Левиттнинг ўзини исқанжага оладиган жойи бўлмаса керак?

Ольга бош чайкади.

– Билмасам... Очиғи бирон-бир жиддий нарсага кўл уриш учун у жудаям кўрқоклик қилади. – аёл худди ўзининг сўзларига қулок тутаётгандек жим бўлиб қолди. – Жудаям кўрқок! Назаримда, шундан фойдалансак бўлади.

Агар сэр Ричард у билан учрашиб, кўркитиб кўйса-чи? – гақлиф киритди Дэнхен.

Бунинг учун Ричарднинг кўнгли жуда нозиклик қилади. Бунақанги ишлар ок кўлқопда бажарилмайди.

– Унда менга рўхсат беринг...

– Узр, Дэнни, сиз бу иш учун умуман тўғри келмайсиз. Бу ерда куч билан ақл ўртасидаги нимадир керак. Агар билсангиз, бу ерда айёрлик кўл келади. Бошқача қилиб айтганда, бу ишни аёл кишигина бажара олади. Ўша аёл жа ҳаётнинг қоронғи томонларини ҳам яхши билиши лозим. Ўйлашимча, Ольга Стормер ҳаммадан кўра кўпроқ мос тушади. Жим туринг, фикримни бўлиб юбораясиз.

Ольга бироз олдинга энгашиб, кўллари билан юзини тўсди. Кейин қутилмаганда бошини кўтариб, сўради:

– Менинг ўрнимга Корани ижро этмоқчи бўлаётган анави кизнинг исми нима эди? Маргарет Райан эди, шекилли? Унинг сочлари ҳам меникига жуда ўхшайди.

– Сочларига-ку, гап йўқ, – норозилигини яширол-

май тўнғиллади Дэнхен Ольганинг оловранг сочларига караб. – Очиғини айтганда, унинг сочларигина сизникига ўхшайди, шу билан ўхшашлик тамом бўлади. Уни кейинги ҳафтада бўшатиб юбормоқчиман.

– Дэнни, бироз шошилманг, унинг Кора ролини қандай ижро этишини кўриш керак, – Ольга кўл имоси билан импрессариони тинчлантирди. – Тўғриси айтинг, Дэнни, сизнингча, мен ўйнашни удалай оламанми? Мен чиройли кўйлақларда ўзимни кўз-кўзлашни эмас, балки чинакамига ижро этишни назарда тутяман.

– Ижро этиш? Ё, тангрим! Ольга, сиз оддий актриса эмас, балки энг яхши актрисасиз! Мен Дузе (Элеонора Дузе 1858–1924 йилларда яшаб, ижод қилган, жуда кўп машҳур театрларнинг сахналарида, шу жумладан, Г.Д.Аннунцио, М.Метерлинк, А.Дюма-ўғлининг пьесаларидаги бош ролларни муваффақият билан ижро этган – тарж.) замонидан бери бунақасини кўрмаганман!

– Яхши. Унда ҳаммаси зўр бўлади. Агар мен янглишмасам ва Левитт кўрқок бўлиб чиқса, албатта. Йўқ, Дэнни, мендан бошқа ҳеч нарсани сўраманг. Шунчаки, ўша қиз – Райан билан боғланинг ва у мени кизиктириб қолганини айтинг ва тушликка таклиф этинг. У рад этмаса керак. деб ўйлайман.

– Турган гап.

– Менга яна кучли таъсир қиладиган ҳапдорилар ҳам керак. Инсонга ортикча зарар етказмай, бир-икки соатга ухлатиб қўядиганидан...

Дэнхен жилмайди.

– Шунақаси бор. Тўғри, ундан кейин бош шунақанги оғрийдики, асти кўяверинг, аммо зиёни бўлмайди.

– Яхши. Боринг, Дэнни. Қолганини ўзим

боплайман... Жонс хоним! – чакирди у.

Бир дакикадан сўнг котибаннинг калами коғоз узра физиллар. Ольга эса хонада у ёкдан-бу ёкка юрганча, мактубини айтиб ёздирарди. У жавоб мактубларини ҳеч қачон ўз кўли билан ёзмасди.

Узок кутилган хатжилдни очаркан, Жейк Левитт тиржайди.

«Мухтарам жаноб!

Сизнинг мактубингизда тилга олинган хоним менга таниш бўлмаса керак, деб кўрқаман. Бирок мен жуда кўп одамлар билан учрашаман ва шу туфайли ҳам янглишишим мумкин. Агар бугун кечкурун соат тўққизларда ташриф буюриб, ушбу англашилмовчиликни тўғрилашга кўмаклашсангиз, хурсанд бўлардим.

Хурмаг ила

Ольга Стормер».

Левитт мамнун бош ирғади: «Доноларча ёзилган мактуб!» Агар ундан фойдалана олмаса, кейин хафсаласи пир бўлади. Энг мухими, у учрашишга рози бўлди. Демак, олтин кони очилди!

* * *

Роппа-роса соат тўққизда у кўнғирок тугмасини босди. Ичкаридан ҳеч ким овоз бермади ва у яна тугмачани босишга ҳозирланганди, тўсатдан эшик очик эканлигини пайқади. У эшикни туртди ва йўлакка кирди. Атрофга аланглаганча, ўнг томонга ўтди ва кора-кизил рангларда безатилган меҳмонхонага кирди.

Стол устидаги чирокдан тушаётган ёруғ доира ичида мактубча ётарди:

«Илтмос, кутиб тулинг. Мен тезда қайтаман.

О. Стормер».

Левитт ўтирди. Унинг сабр-тоқати етарлича эди,

аммо бир оз кутгач, ўзини беҳаловат сеза бошлади.

Нимадир ғалати эди. Уй ичида мутлақ тишчилик ҳукм сураб, шу билан бирга, унга ўзи бу ерда ёлғиз эмасдек туюлаётганди. Унинг эти увишди, пешонасидаги терни артди ва кўлига ажабланиб тикилди.

Нокулайлик хисси кучаярди. Левитт паст овозда сўкинганча ўрнидан сакраб турди ва хона бўйлаб юра бошлади. Қараб турсин, куттиргани учун бошлаб ҳақ тўлайди, хали...

Беҳосдан коп-қора баҳмал парда ортидан чиқиб турган кўлни босиб олишига сал колганида, кичкириб юбораёзди. У эгилиб, астагина кўлни ушлади. Кўл муздек эди. Жудаям совук ва... жонсиз кўл! Левитт шахд билан пардани тортди.

Парда ортида бир аёл юзтубан ётар, бир кўлини ёнига узатган, иккинчиси ўзининг тагида қолиб кетганди. Олтинранг сочлари боши атрофида ёйилиб ётарди.

Ольга Стормер! Левитт титраётган бармоқлари билан унинг билагини ушлади. Худди ўзи кутгандек: гомир уриши сезилмасди. Лаънаги Ольга ундан кочиб қутулишнинг расво йўлини топибди-да! Левиттнинг назари аёлнинг кураги устида ётган иккита ипак попука тушди. Унинг кўзлари катта-катта очилди: оловранг сочлар тагига кириб кетган тизимча айнан шу попуқлар билан тугаганди.

Левитт эҳтиёткорлик билан тизимчанинг бир учини тортди ва аёлнинг боши қутилмаган бир енгиллик ила унга томон ўгирилди. Унинг юзи худди ўликники сингари мовийтоб тусда эди. Левитт кичкириб юборди ва орқасига ўгирилди. Бу ерда нимадир ғалати эди.

Боши тарс ёрилай деса-да, у икки нарсани аниқ биларди: бу аёл ўлдирилган ва у Ольга Стормер эмас!

Орка тарафдаги шитирлашни эшитиб, у шошилиб ўгирилди ва нигоҳи уй ходимасининг дахшатдан катта очилган кўзлари билан тўкнашди. Аёл деворга суяниб турар, юзлари худди сочидаги тўғнағичи ва пешбанди сингари ошюк, кўзларида чексиз дахшат мухрланиб колганди. Левитт ажабланиб турган онда тўсатдан ходима инграб юборди:

– Эй, худойим! Ахир сиз уни ўлдириб қўйибсиз-ку!

У ҳатто нималар бўлаётганини гушунишга ҳам улгурмади ва дарҳол аёлга эътироз билдирди:

– Йўк, йўк, мен келганимда у аллақачон ўлган экан.

– Мен... Мен ҳаммасини кўрдим. Сиз уни бўғдингиз.

Левиттнинг пешонасидан муздек тер чиқди. Эҳтимол, ходима у тизимчани тортаётганида кирган бўлса керак. У чорасиз аҳволда атрофга аланглади. Ходима ўлардек кўркиб кетганди. У полиция маҳкамасида нималарни гапирishi мумкинлиги ҳақида ўйлаб ўтириш ҳам шарт эмас. Ҳаммаси унинг кўз ўнгида юз берди. У ўлим ваҳимаси остида шуни такрорлайверди. Фақат ҳақиқатни сўзлаётгани ҳақида онт ҳам ичди.

Ё, тапгрим! Шунчалар ҳам аҳмоқона вазиятга тушадими?! Ҳатто ишонгиси келмайди одамнинг! Тўхтачи... Эҳтимол, бунга ишониш керакмасдир?.. У ходимага тикилди.

– Бу сизнинг бекангиз эмаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз.

– Албатта, – беихтиёр жавоб кайтарди аёл. Бу аёл бекамнинг дугонаси. Улар шу ерда ўтиришганди ва одатдагидек уришиб колишганди. Актрисаларнинг бари шунака...

Тузоқ! У энди тушуниб етди!

– Бекангизнинг ўзи каерда?

– Ўн дакиқача мукаддам кетдилар.

Тузоқ! Аҳмоқ бўлмаса, лақма куёнга ўхшаб, тузоққа тушиб ўтирармиди?! Жин урсин! У ахир анави шаллаки билан эҳтиёткорроқ бўлиш кераклигини биларди-ку! Мана, марҳамат: биратўла ҳам рақибасидан, ҳам ундан қутулди-қўйди. Эй, худойим, ахир уни осишади-ку! Ўзи қўл урмаган котиллик учун осишади!

Қандайдир ҳаракат кўзини кўтариб қарашга мажбур этди. Ходима эҳтиёткорлик ила ёнлама ҳаракатланиб, эшик томон сурилаётганди. У жонжаҳди билан нималар бўлаётганини тушунишга уринарди. Унинг нигоҳи телефонга тушди ва яна ходимага қайтди. Лаънати! Нима килиб бўлмасин, унинг овозини ўчириш керак!

Ягона йўл – шу. Унинг курули йўқ, факат... Унинг кўзлари хонада аланг-жалаң кезаркан, тўсатдан тўхтади ва катта-катта очилиб кетди. Ходиманинг ёнгинасидаги столча устида кўндоғи қимматбаҳо тошлар билан безатилган кичкина тўппонча турарди. Агар у тўппончага биринчи бўлиб етолса...

Қиз унинг нигоҳини илғади, бор-йўғи биргина кадам ташлади ва тўппончани чангаллаб, унинг кўкси томон ўкталди. Гарчи тўппонча қалтираб, у ёқдан-бу ёққа силкинаётган бўлса-да, бунақанги яқин масофадан теккизолмаслик мумкин эмаслигини Левитт яхши тушунди. Ольга Стормер сингари аёлнинг тўппончаси эса ўқланмаган бўлиши мумкин эмас...

Левитт жойида котиб тураркан, жон ҳолатда атрофга аланларди. Ходима ҳамон унга тўппонча ўкталганча, эшикдан бир кадамча масофада турар, йўлак томон эса бўш эди. Агар ходимага тажовуз

килмаса, у хеч качон ўк узишга журъат этмаслигини Левитт тушунди. У чукур хўрсинди ва ва эшик томон отилди, йўлакдан ғизиллаб ўтди-да, кўчага чикиб олди. Кириш эшиги унинг ортидан тараклаб ёпилган онда ожизгина титрок товуш янгради:

– Полиция! Қотиллик!

Зинадан чошиб тушиб кетаётган Левитт агар ходиманинг ўрнида ўзи бўлса, бундан анчагина қаттиқроқ кичкирган бўлиши мумкинлигини хаёлидан ўтказди. У тезгина кўчани кесиб ўтди ва муюлишдан бурилгач, оддий шахарликларнинг шошилиб кадам ташлашларига ўхшатиб тез юриб кетди. У энди нима килиши кераклигини аниқ биларди. Аввалига иложи борича тезроқ Грейвс-Эндга бориш керак, у ерда дунёнинг энг олис бурчакларига ҳам қатнайдиغان кемалар бор. Кемага чиқиб олса бас, у ёғи бир гап бўлар...

* * *

Орадан икки соат ўти ач, Дэнхеннинг уйида телефон жиринглади:

– Дэнни, марҳамат килиб Райан хоним билан шартнома тузинг. Эртага у Кора ролини ижро этади. Ўзингизни босинг, Дэнни, мен билан бахслашиш бефойда эканлигини жуда яхши биласиз. Мен бу кизнинг олдида жуда катта қарздорман. Нима? Ҳа, ҳа, ўйлашимча, ҳаммаси жойига тушди. Айтганча, агар Райан сизни менинг жуда зўр гипнозчи эканлигимга ишонтирмоқчи бўлса, ортикча ажабланманг. Мен ҳақиқатан ҳам уни транс ҳолатига тушириб кўйгандим. Хўш, қалай? Қахвага солинган иккита ҳапдори ва бир нечта ҳаракатлар ёрдамида... Кейин уни пардоз ёрдамида роса «безатдим» ва чап кўлини тизимча

билан сиқиб боғлаб қўйдим. Томир урмаслиги учун шундай қилдим. Майли, ишонмасангиз, унда ўзингиз биласиз... Бўпти, эртага эрталаб ҳаммасини батафсил сўзлаб бераман. Ҳозир эса гап сотиб ўтиришга вақтим йўқ. Тез орада уй ходимама кинодан қайтиб келади ва у мени ўзининг пешбандини тақиб олган киёфада кўришини истамайман. Эҳ, Дэнни, афсуски, бугун мени кўрмадингиз-да! Бугун окшомда мен энг зўр ролимни ижро этдим. Мен ҳақ эканман! Жейк Левитт ҳақиқатан ҳам кўрқоқ бўлиб чиқди. Ва... Оҳ, Дэнни, мен шунақанги ажойиб актрисаманки, тасаввур қилолмайсиз!



ЭДИТ ПАРГЕТЕР



Эдит Мари Паргетер 1913 йил 28 сентябрда Англиядаги Хорсхэй қишлоғида таваллуд топган. Эдит Паргетер тарихий ва замонавий мавзудаги детектив ва мистикавий асарларини ҳам муаллифи бўлиб, чех муштор асарларидан қилган таржималари учун кўплаб мукофотларга сазовор бўлган.

Иккинчи Жаҳон уруши даврида Паргетер Буюк Британия ХХК Аёллар ёрдамчи хизмати (*Women's Royal Naval Service*)нинг аъзоси бўлиб, Британия Қироллигининг медали билан тақдирланган.

Адиба Эллис Питерс, Жон Редферн, Жолион Карр, Питер Бенедикт каби кўплаб таҳаллуслар остида ижод қилган бўлиб, унинг кўплаб асарлари экранлаштирилган. Эдит Мари Паргетер 1995 йили 14 октябрда 82 ёшида Шропширдаги Шрусбери қишлоғида вафот этди.

КАСДАН ҚИ.ТИНГАН ҚОТИЛЛИК

Хэллорен унинг Лондон аэропортининг тамадди-хонасидаги чукур ўриндикда ўтирганини кўриб қолди. Аёл бекиёс хотиржамлик ила улкан ойналарни қоплаб олган сарғиш туманга тикиларди.

Локланган полдан сирғанмай юришга тиришганча, у аёлнинг ёноклари туртиб чиққан юзининг гўзал тугилишига, сийракрок бўлса-да, жуда чиройли қошларига, захарҳандали табассум ила сал пастга кийшайган бўлик лабларига тикилиб қаради. Хэллоренни яна ғира-шира хотиралар чулғаб олди, назарида худди шунақанги ғамгин киёфани илгари ҳам кўргандек туюларди.

У ўриндик ёнида тўхтаганида, аёл кўзларини ойнадан узиб, унга унсиз тикилди.

– Фойл хоним.

Бу унинг исми-шарифи эмасди ва аёл қаршисидаги эркак бундан хабардорлигини биларди. Аёлнинг қорачиқлари қисилди, аммо киёфасидаги чорасизликни ўзгартирмай, қаршисидаги эркакка тикилди.

– Буни сенга ким айтди?

– Бу сафар ҳеч ким. Яшаш жойидан узоклашмаслик ҳақида тилхат ёздириб олишганидан бери ортингдан кузатиб юришибди. Мен янчиғинишга ҳаракат қилишингни сезгандим. Менга ишон, қочқлик на сенга... на унга фойда келтирмайди.

– Ҳа, сен ҳаксан, – итоаткорлик билан деди у. – Фойда келтирмаган бўларди... Ҳеч нарса фойда бермасди...

– Сени уйингга элтиб кўяман. Эрталабгача самолётлар парвози бекор қилинган. Чиптани ни менга бер, уни ғазнага топшираман.

Аёл бефарқ бир киёфада ярим шаффоф коғозчани узатди, вахолаки, бу коғозча унга бу ердан саккиз юз мил узоқликдаги Венага етиб олишига ва ҳозир ёнига келган одам Денни Фойлни котилликда айблаб судланувчилар курсисига ўтказишга, унинг ўзини эса кўйилган айбни тасдиқловчи гувоҳ сифатида фойдаланиш учун судга чақиришга ҳаракат қилаётган шаҳарни қайтиб кўрмасликка имкон берарди.

У тирсагидан охишта тутган Хэллореннинг ёнида, худди тушида кетаётгандек аста одимларди.

Мен унинг хотини эмаслигимни сенга ким айтди? – Унинг овози худди туманга сингиб кетаётгандек бўғик чикди. – Лилими? Албатта, ўша-да! Мен ахир ундан бошқа ҳеч кимга бу ҳақда айтмагандим. Яна менинг энг яхши дугонам эмиш-а!

Лили ақли буюрган ишни қилди. У ўз бурчини бажарди, – деди Хэллорен машинанинг олдинги эшигини очаркан.

– У менга қакшаткич зарба берди. Аслида эса Деннини кўлдан чиқариб юборгани учун уни ўлдиришга қарор қилган. Шундан кейин ҳам бурч ҳақида гапиришга бало борми?

– Котиллик юз берган. Бир инсон ҳалок бўлди, – эслатди Хэллорен. – Кампьяно ўлган.

– Уни Денни ўлдирмаган, – деди аёл ўша-ўша катъийлик билан. – Ўзи аслида Кампьянони инсон дейиш мумкинмиди?

– Қонун нуқтаи назаридан мен бунга мажбурман.

Қуюқ туманда машина чироклари худди кунгабоқар бошчасига ўхшаб кўринади. Юрганда чирок нурлари

автомобиллар билан тўла тўхташ жойини ёритади.

Аёл унинг ёнида жимгина ва хотиржам ўтирарди. У кўзларини чироқ нурларида салгина ёришиб кўринаятган асфалг йўлдан узиб, аёл томон қарай олмасди. Аммо хаёлан унинг киефасини аниқ кўрарди. Касбий исми-шарифи – Женни Блейк. Ёши йигирма тўртда. Кампьяно эгалик қилган тунги клубда ишловчи Денни Фойлнинг оркестрида кўшиқ айтарди. Гарчи у ўзини Денни Фойлнинг хотини қилиб кўрсатса-да, аслида бундай эмасди. Қўлига никоҳ узугини тақиб, худди эр-хотиндек бирга яшашар, аммо уларнинг никоҳи расман расмийлаштирилмаганди. У бир марта бу ҳақда энг яқин дугонасига оғзидан гуллаб қўйганди.

Уларнинг турмуши шунчалар табиий кўринадикки, Хэллорен бу никоҳнинг қонунийлигини текширишни хаёлига ҳам келтирмаган, ҳатто қотилликни тергов қилаётганида ҳам бундан шубҳаланмаганди. У Женни Блейкни ҳамма эри деб биладиган инсонга қарши суд жараёнида айбловчи гувоҳ сифатида чақиртириш фикридан айниганди ҳам. Бироқ унинг кўрсатмаларисиз бирон натижага эришишнинг ўзи гумон эди. Қотил ўк узган тўппончани-ку, умуман тополмади ҳам. Денни Фойл жиноят содир этилган пайтда ўша жойда бўлганлигини фақат Женни Блейк тасдиқлай оларди, агар бундай кўрсатмани ундан суғуриб олишга эришишса, албатта... Уни ўзи биладиган нарсаларни айтишга мажбур қилиш лозим. Акс ҳолда айблов бекор қилинади.

Тўғри, бу унчалик муҳим ҳам эмасди. Кампьянонинг ўлими жамият учун катта йўқотиш эмас. Аксинча, бу ходиса кўпгина одамларнинг хаёти беҳатар бўлишига ва уларнинг эркин нафас олиб яшашларига имкон

яратди. Бундан ташқари, Денни Фойл кўй оғзидан чўп олмайдиган одам эканлигини ҳамма билади. Агар у шу ишни қилган бўлса, демак пичок бориб, суякка тақалган бўлиши керак.

Айни шу дамда Хэллорен ўзининг касбий ғурурини камситилгандек ҳис этарди. У ўз мавқеини жуда қадрлаб, жиноий ишда ноаникликлар бўлишига тоқат қилолмасди. Шунинг учун ҳам, Лили унга кўнғирок қилиб, сохта никоҳ ҳақида шаъма қилганида, у тўксон фоизлик иштиёк ва қотиллик ҳақидаги ишни муваффақиятли яқунлаш умидини туйган бўлса, бу икки ҳимоясиз одамларга бўлган ачиниши ўн фоизгина эди, холос.

– Нега мени ўз ҳолимга қўя қолмайсан? – сўради аёл. Ва, унинг жавобини кутмаёқ, кўшиб кўйди: – Барибир Фойлни қотилликда айбдор деб тан олишларига эришолмайсан.

– Сенинг кўрсатмаларингсиз ҳам бунга эришишим аниқ.

– Менинг ёрдамим биланми ёки йўқми, барибир ниятнингга етолмайсан, – қайсарлик билан қайтарди аёл.

– Аммо барибир уни Денни ўлдирган. Шундайми?

– Йўқ, – аста шивирлади у яна бефарқлик никобинни кийиб оларкан.

– Нега никоҳингизни расмийлаштирмагансиз? Деннининг қонуний хотини бормиди? Ёки сенинг эринг борми?

Аёл индамади.

– Қулоқ сол, мен сенга ёки унга зиён етказишни мўлжаллаётганим йўқ. Мен сенга ёрдам бермоқчиман, холос. Нима десанг ҳам, қотиллик содир этилган ва

шароитга қараб, мен судда энг кам жазо берилишини талаб қиламан. Гарчи муқаррар жазосини олмай, ялло қилиб яшашни эплаган бўлса-да, Кампьяно аслида қандай нусха бўлганлигини ҳаммамиз биламиз. Бу лаънати пул дардида қандай қабихликларга борганига ҳам гувоҳ бўлганмиз. У гиёҳванд моддалар, аёллар билан савдо қилган. У ўзи учун ишлаган ҳар қандай одамни макр-хийлаларни тўрида чувалаштириб гашларди. Истасанг, ўша кунни клубда юз берган ходисани қандай тасаввур қилишимни айтиб беришим мумкин.

Сен ва Денни сахнада унчалик муваффақиятга эришолмагансиз. Раке оркестрларни ва клуб кўшикчиларни орасида эса рақобат жуда кучли. Бунда фақат ўта фаросатлилар ютиб чиқишади. Деннининг эса бошқалардан ажралиб турадиган ҳеч қандай фазилати йўқ. Шу туфайли ҳам сизлар Кампьянога тегишли паст даражали клуб билан битимни бекор қилишга ботина олмайсизлар. Аммо сизлар клуб эгасига гиёҳванд моддаларни сотишда кўмаклашишни ҳам истамагансиз.

Турган гапки, бу Кампьянога сира ёқмаган. У Деннининг бурнидан занжирдек ўтқазиб оладиган воситани излай бошлаган. Ва, бу воситани топди ҳам. Қотиллик юз берган кунни у қанақанги зўр кайфиятда юрганини ҳамма таъкидлапти. У ҳомийларча Деннининг елкасига қокқанини ҳам кўришган. Баъзи одамлар эса Кампьяно Деннига томошалар орасидаги танаффусда ўз хонасига киришини тайинлаганини эшитишган. У Деннига ниманидир хабар қилмоқчи экан. Қандайдир қизиқ тафсилотни... Кейин Денни кетган.

Орадан ўн дакика ўтгач, официант клуб эгасига меҳмонлардан бири юборган мактубни олиб кирганида, отиб ўлдирилган Кампьяно гилам устида ётганини, Денни эса ёзув столи ёнида ўзини абгор этувчи хужжатни излаётганини кўрган...

– Денни хақиқатни айтган, – хорғин овозда гап котди аёл. – Фойл хонага кирганида, Кампьяно аллақачон ўлганди. Демак, у ерда Фойлдан олдинроқ кимдир бўлган.

– У ҳам шундай деб таъкидлаяпти. Аммо Кампьяно ўйин столи ёнидан туриб, ўз хонасига кириб кетганидан сўнг у ерга Фойлдан бошқа бирон кимса кирганини ҳеч ким кўрмаган-ку?

– Агар Денни уни отган бўлса, унда тўппонча қани? Нега тўппончани хонадан топишмаган? Жуда бўлмаганда, бино ичида, ойналар орқасида ёки котил отиб юбориши мумкин бўлган жойдан топиларди-ку?

– Айни шу саволларни сенга мен бермоқчи эдим, – **Мэллорен кўз қири билан ёнида ўтирган аёлга қараб** кўйди. – Шуни тушунгинки, Кампьяно Фойлни қандай таъқиб қилганини, ўз тузоғига илинтириш учун қандай кўрқитганини ва ғазабга тўлган Денни уни ўз тўппончаси билан отиб ташлаганини сўзлаб берсанг, судда унга энг кам жазо тайинланишини илтимос қилишим осонроқ бўлади.

Женни, сен менга ҳаммасини гапириб беришинг керак. Назаримда, нимадир юз берганини пайкаб, сен Фойлнинг кетидан пойлаб боргансан ва эшик ортида ҳамма гапни эшитиб олгансан. У ерда бўлган гапларнинг барини ва Кампьяно қандай йиқилганини эшитганингга ишончим қомил. Лили Кампьянонинг хона-

сидап сал нарироқда иккиланиб турганингни кўрган. Сен эса унга кўзинг тушгани захоти дарров у ердан узоқлашгансан.

Аёл кўзларини юмиб ўғирарди. Сарғиш киприкларидан рангпар ёноқларига соя ташлаганча аста титрарди.

– Очиғини айт, Женни. Ҳаммаси қандай юз берганини сўзлаб бер, мен кўлимдан келганча сенга ёрдам беришга ҳаракат қиламан, – кўндиришга уринарди у.

– Биз қаёққа кетяймиз? – сўради аёл. – Полиция маҳкамасигами?

– Йўқ. Мен сенинг ортиңдан аэропортга кетганимни ҳеч ким билмайди. Агар бор ҳақиқатни бугун менга айтиб берсанг, бу ҳозирча ўрғамиздаги сир бўлиб қолади. Эртага эса сени расмий сўроқ қиламан, агар буни истасанг, албатта. Мен нималар қилаётганингни ўйлаб олиш учун вақтинг бўлишини жуда исгайман.

– Аллақачон ҳаммасини ўйлаб бўлдим. Мени ҳеч ким танимайдиган биронга гинчроқ жойга олиб боргин...

У тезликни анча камайтириб, кўча тўла машиналар оқими орасидан ўзининг уйи томон йўл олди.

– Бу ёққа, манави майсазордан ўтамиз. Шошилиш керак, назаримда, ёмгир томчилай бошлади.

Аёл сумкачасидан ёркин шойи рўмолини олди, уни бошига ўраб, ияги остидан боғлаб кўйди. Кейин индамай машинадан тушди ва Хэллореннинг ортидан қоронғида гердайиб турган уй томон юрди. Улар торғина, оч жигарранг бўёқ билан бўялган зинапоядан Хэллореннинг хонадонига кўтарилишди.

Хэллорен қадахларга озгинадан виски куйди ва биттасини аёлга узатди. Аёл ингичка қўлларида қадахни тутганча, аммо вискига киё ҳам бокмай, аста тебранма

курсига ўтирди. Унинг кўзлари худди ҳеч нарсани пайкамаётгандек, гўё ўзининг ичига бокиб, ҳастининг барча фожналари ва сарсонгарчиликларини кўраётгандек эди.

– Шундай килиб, Денни тўншончасини каёкка гумдон қилган? – порасмий сўроғини давом эттирди Хэллорен.

– Фойлда ҳеч қачон тўншонча бўлмаган, – деди аёл.

– Яхши. Бошқа томондан бошлаймиз. Кампьяно қандай сирни билиб қолган? Нега сизларни таъқиб қилмоқчи бўлган?

Сўнги саволи оғзидан чиққани ҳамони, Хэллорен жавобни тушуниб етди. Тўғрироғи, аёл худди қалб оғриғига чидолмагандек бошнини кескин четга бурганида, кандилдаги чироклар нурида унинг рангсиз, сийрак кошлари коп-қора сочларини ўраб турган ёркин рўмоли фониди янада рангсизланиб, бу сочлар бўялишидан аввал худди шу рўмол сингари оч рангли бўлганини англаганида тушунди.

Хэллорен уни таниди! У – Симона Перишон, йиғирма уч ёшда, бундан ўн саккиз ой муқаддам француз шаҳри Лилда исиз ғойиб бўлган. Аёллар танасини пуллаш орқали бойлик орттгани билан донг таратган аблах кўшмачи – эрини ўлдирган... ўтган йили ёзда Денни Фойлнинг оркестри қаерларда концерт бергани-я? У Лилда ҳам бўлганмикин?..

Мана шунинг учун ҳам улар турмуш қуришолмаган экан-да! Ҳа, Кампьяно Денни Фойлни тушовлаб туриш учун мана шу маълумотларни излаб топган экан-да...

– Мен сени танидим! – хитоб қилди Хэллорен. – Сен – Симона Перишонсан!

Аёлнинг юзида на ҳайрат, на ташвиш кўринмасди. Хэллорен бунга эртами-кечми англаб етишини у биларди.

– Мен Антуанини ўлдирмаганман...

Аёл беихтиёр сумкачасини кавлай бошлади. Дастрўмолчасини излаяпти, шекилли...

– Нега мени ўз ҳолимга кўйишни истамайсизлар? Мен Антуанини ўлдирмасдим. Агар мени ўз ҳолимга кўйишганида эди, ҳеч кимни ўлдирмасдим... Мен ҳеч қачон буни хоҳламаганман...

Хэллорен хайратланганидан курсидан туриб кетди. Аёлнинг қўллари сумкачасидан дастрўмолчани эмас... тўппончани олганди. Кампьяно ўлдирилган тўппонча. Қуролни тутиб турган нозик қўллар титрамасди.

Женни!

– Мен Кампьянони ўлдирмаган бўлардим. Албатта, сени ҳам ўлдирмасдим! Сен... сен менга ёқардинг...

Хэллорен аёл томон отилди, аммо эди кеч бўлганди. Аёл тепкини босгани он, ҳаётининг энг сўнгги лаҳзасида Хэллорен кўрган охириги нарса – ёш тўла иккита шахло кўзлар ва чорасизлик муҳри босилиб қолган чеҳра бўлди.



Эллери КУИН



Эллери Куин тахаллуси остида америкалик холаваччалар Фредерик Данней (1905–1982) ва Манфред Ли (1905–1971) ижод қилишган. Утган асрнинг 20-йиллари охирларида улар Нью-Йоркдаги реклама агент-

лигида ишлашаётганида, энг яхши детектив асар учун танлов бошлангани ҳақидаги эълонга кўзлари тушиб қолади. Танлов ғолибига етти ярим минг доллар ваъда қилингани йигитларни руҳлантириб юборди. Улар биргалашиб роса тер тўкишди, бунинг оқибати ўлароқ 1929 йилда «Рим шляпасининг сири» номли детектив роман дунёга келди. Бу китоб катти муваффақият қозонди. Шундан сўнг қирқ йилдан ошикроқ вақт давомида ушбу ижодий дуст Америка детективи жанрида унумли меҳнат қилиб, бутун дунёдан мухлислар орттиришди.

Эллери Куин – нафақат икки нафар адибнинг ягона тахаллуси бўлибгина қолмай, балки уларнинг кўпгина асарларини қаҳрамони бўлиб, у полиция инспектори бўлиб ишлайдиган отаси Ричард Куинга ёрдамга келадиган синчков ҳаваскор-изқувар йигитчанинг исми-шарифи ҳамдир.

ЎЙИНЧОК ШАҲЗОДА

Хикоячиларнинг ёзилмаган қонунига кўра, янги йил воқеалари ҳақидаги хикояларда албатта болалар иштирок этишади. Бизнинг хикоямиз ҳам бундан истисно эмас. Шунингдек, хикоямизда кўғирчоқлар ва Саптаклаус ҳам иштирок этишини тан оламиз. Турган гапки, ўғримиз ҳам бўлади. Ахир усиз хикоя хикоя бўлармиди!..

Ситерия Ипсоннинг кўғирчоқлар коллекцияси тарихин кийматга эга эди. Улар орасида нималар пўк эди, дейсиз-а: Монтеуманинг афсонавий ўйинчоқлари ҳам, киролича Викториянинг кўғирчоқлари ҳам, ундан-да шуҳрати кам бўлмаган Евгения Фильднинг кўғирчоқлари ҳам. На Метрополитен музейи, на Кенсингтон музейи, на Бухарестдаги қадимий кўғирчоқлар саройи коллекцияси бундай тўлиқ кўғирчоқлар гўплами билан мактана олмаган бўларди.

23 декабрь кунини адвокат Жон Сомерсет Болдинг инспектор Куиннинг уйига ташриф буюришига ҳам Ипсон хонимнинг кўғирчоқлари сабабчи бўлди. Аслида Янги йил арафасида ота-бола Куинлар хузурига ташриф буюрмаган маъқул. Инспектор Ричард Куин Янги йилни барча қонун-қондаларни рисоладагидек қилиб – курка гўшги пишириб ва дастурхонни ноз-неъмаглар билан тўлдириб ташлаган ҳолда кутиб олишни ёқтирарди. Унинг ўғли Эллери эса совғалар учун масъул эди. Янги йилга бир ой қолганида у ғайриоддий ўров қоғозлари, чиройли тасмалар, бадий жиҳатдан бетакрор безатилган табрик қоғозларини излай бошлар, байрам арафасидаги икки кунни эса

совгаларни дурдона асарларга айлантиришга багишларди.

Адвокат Жон С. Болдинг келганида инспектор Куин пешбанд такиб олиб, тирсагигача зирavorларга беланган холда ошхонада куймаланар. Эллери эса ўзининг хонасига қамалиб олганча, кизил рангли зар қоғоз, яшил тусли бахмал тасмалар ва карағай гуддаларидан ажабтовур санъат асари яратиш билан банд эди.

– Менимча, келганингиздан фойда чикмайди. Болдинг, – деди Шикки, ташрифномани кўздан кечирар экан.

Шунчаки унга Парк-Роудаги кўчмас мулк шартномаси бўйича агент Болдинг келганини айтсангиз, кифоя, – деди меҳмон қовоғини солиб. – У мен ҳақимда эшитган бўлиши керак, деб ўйлайман.

Болдинг ҳақ бўлиб чикди. Меҳмон хақида эшитган инспектор ошхонадан, Эллери эса ўзининг хонасидан чикиб келишди.

– Менга бошқармадан кўнғирок килиб, кимдир келишини айтишди, – куруккина сўз котди инспектор адвокатнинг кўлини кисаркан. Манави сочикни олинг. Кўлингизга курка жигари теккиздим, шекилли... Менинг ўғлим билан танишмисиз? Унинг котибаси Портер хоним билан-чи? Хўш, жаноб Болдинг, гапиринг, биз томонларга қандай шамол учирди?

– Инспектор, мен ҳозир Ситерия Ипсоннинг иши билан шуғулланяпман ва...

– Ситерия Ипсонми? – бош ирғади Куин. – Ҳа, биламан. У яқиндагина вафот этди.

...ва унинг кўғирчоклар коллекциясидан халос бўлишим керак. Хоним ўттиз йилча вақт давомнда

кўғирчоқ йиғиш билан шуғулланган. Васиётига кўра, кўғирчоқлар аукционда сотилиши ва тушган маблағ ҳисобидан етим болалар учун жамғарма ташкил этилиши лозим. Янги йил ўтиши биланоқ оммавий савдо-сотиқ ишлари бошланади. Аммо бу экспонатлар фақат унинг ўзи сингари коллекция тўпловчилар учунгина кизик бўлармикин, деб хавфсираяпман. Фақат битта кўғирчоқдан ташқари...

– Қайси бирини назарда тутяпсиз, жаноб Болдинг?

– «Ўйинчоқ шахзода», – деб ўқиди адвокат пальтосининг каттакон чўнтагидан қалин каталогни чиқарар экан. – «Ноёб кўғирчоқ. Баландлиги саккиз дюймча келадиган митти шахзода шаклида ясалган. Фил суягидан ясалган, ҳақиқий сувсар мўйнаси, парча ва баҳмалдан тикилган сарой либоси кийдирилган. Белида олтиндан ясалган маросим қиличи бор. Думалок олтин тожигга вазни 49 карат келадиган мовий олмос қадалган. 110 минг долларга баҳоланган». Бу коллекциядаги сотиш мумкин бўлган ягона экспонатдир. Қари хоним нима қилганини биласизми? Васиётномага бир бобни киритган бўлиб, унга кўра Янги йил киришидан бир кун олдин кўғирчоқлар коллекцияси «Нэш» универсал дўконида оммавий равишда намойиш этилиши керак эмиш! Тушунярсизми?! Янги йилдан бир кун аввал! Янги йил арафасида «Нэш»га қанча одам ташриф буюришини тасаввур қила оласизми? Менинг диндор ошпазимнинг айгишича, байрам арафасида у ерда ҳақиқий қиёмат-қойим бўлармиш.

– Бу хавфли иш, қовоғини солиб тасдиқлади Куин.

– Бу кўрғазма Нью-Йоркдаги барча товламачиларни ўзига жалб этиши тайин.

– Инспектор Куин, – даҳшат ичра деди Жон Болдинг, – афсуски, бу хали ҳаммаси эмас. Эрта тонгда менинг идорамга Комус деган бир кимса келганди. У стол устига ташрифномасини ташлади ва ўта хотиржамлик билан эртага «Нэш»дан кўғирчоқ шахзодани ўғирлаб кетишини айтди.

– Унинг кўриниши кандай экан? – дарров хушёр тортди инспектор.

– Чет элликка ўхшайди, қора соколи бор, кучли хориж талаффузида гапиради. Мен шунаканги саросимага тушиб колгандимки, икир-чикирларга эътибор қаратмадим.

– Одатий ҳол, – порози оҳангда тўнғиллади катта Куин. – Гувоҳлар бу сурбетнинг факаг соколи ва хорижлик талаффузинигина эслашлари мумкин, холос. Фикрингизга кўшиламан, жаноб Болдинг, агар Комус ишга киришган бўлса, бу жудаям кизик иш бўлади. Ҳозир коллекция қаерда?

– 43-чи кўчадаги «Лайф-банк»да. Мен уни эртага эрталаб соат етти-ю ўттизда олиб кетиш ҳақида келишиб қўйганман.

– Дўкон соат тўққизда очилади, – ўйчан ҳолда деди Эллери. – Барини режалаштириш учун вақт жудаям кам.

Адвокат кетганидан сўнг Куинлар эрганги кунги ҳаракатлар режасини туза бошлашди. Шундан сўнг инспектор полиция бошқармасига бевосита уланадиган телефон ўрнатилган ётоқхонасига кириб кетди.

– Кўринишингиздан, сиз Бастилияни химоя қилмоқчига ўхшайсиз, – пикиллаб кулди Никки. – Ўша Комус ўзи ким бўлибди?

Билмадим, – елка қисди Эллери. Унинг на

фотосуратлари, на бармоқ излари бор. Бу ўтакетган сурбет ва ўта ақлли товламачи беш йилча мукаддам пайдо бўлди. У санъат асарларини ўғирлашга ихтисослашган ва ҳар доим ўғирлик содир этилган жойда ўз таширфномасини қолдиради. Комус киёфани ўзгартириш устаси ва ўта маҳоратли актёр. Менинг фикримча, у Қўшма Штатлардаги энг хавфли ўғри. Билишимча, Комус доимо ўзининг режаси хақида олдиндан маълум қилади. У ҳеч бир нарсани сабабсиз қилмайди ва эрталаб Болдингнинг хузурига келишида ҳам бир сир бўлса керак...

Эрта тонгда Куинлар, Болдинг ва Никки Портер «Лайф-банк» қаршисидаги 43-кўчада туришарди. Эшик олдини қуролланган соқчилар икки қатор бўлиб ўраб олишган, улар олдида ҳосил бўлган йўлакчада турган зирҳланган машинага кўғирчоқлар коллекцияси экспонатлари тезгина юкланарди. Эрта тонг бўлиб, изғиринли шамол эсиб турганига қарамай, бир тўда бекорчилар оломони тўпланганди.

Кўғирчоқларни машинага юклашаркан, Никкининг ёнига Санта-Клаус кийимидаги одам яқинлашди ва унинг кўлига хатжилд гутказиб, оломон орасида кўздан йўқолди. Хатжилд ичидаги мактубча Эллери Куинга йўлланганди. «Азизим Эллери! – деб ёзилганди кичкинагина қоғозчада. – Наҳотки менга ишонмасангиз? Ахир «Нэш»дан кўғирчоқ шахзодани ўғирлаб кетаман, деганман-ку! Мен буни албатта амалга ошираман. Ҳурмат билан Комус».

Дўконнинг кўргазма бўлимидан тўртта катта пештахта олинди ва уларнинг бари квадрат шаклида бирлаштирилди. Марказда баландлиги олти фут келадиган таглик ўрнатилди. Пластмасса

пештахталарда Ипсон хонимнинг кўғирчоклари тизилиб туришарди. Тепадаги каттакон эман ёғочидан ясалган ўриндикда Санга-Клаус кийимидаги девкомат сержант Вейли савлат тўкиб ўтирарди.

Кўғирчокларни ҳар томондан ойнаванд пештахталар ўраб олишганди. Ичкарига факатгина кулфланган ойнаванд эшик орқали кириш мумкин бўлиб, унинг калити Эллери Куин шимининг ўнг чўнтагида сақланарди.

Чоракам тўккизда 24 нафар фукароча кийимдаги полициячилар девор ёкалаб ўз жойларини эгаллашди. Эллери пальтосининг чўнтагидан кўғирчок шахзодани чиқариб, кимматбаҳо буюмлар бўйича полиция бош мугахассиси бўлган лейтенант Фарберга узатди.

Тўғри, мен кўғирчокнинг ўзини баҳолай олмайман, – деди Фарбер, лупасини чўнтагига соларкан, – аммо олмоси жудаям ажойиб экан! Уни бемалол юз минг долларга сотиш мумкин, балки бундан ҳам кимматроққа кетар...

Эллери кўғирчок шахзодани қора баҳмал копланган бўлмага солди, уни эса сержант Вейлининг улкан оёқлари орасига жойлади. Кейин ойнаванд эшик ташқарисига чиқди ва эшикни кулфлади...

Комус эса Куинларга берган ваъдасининг устидан чиқишга ҳаракат қиларди.

Соат 11.18 да кўргазмага кичкинагина болакаини етаклаган шарти кетиб, парти қолган бир чол яқинлашди. У «шапқўр невараси чиройликкина кўғирчокларни яхшилаб кўриб олиши учун» детективлардан бирини эшикни очишга қўндиришга уриниб кўрди. Детектив «Бу – ўша!» деб кичкирганида эса, чол болани қолдирди-ю, ёшига хос бўлмаган

чакконлик ила оломон орасида ғойиб бўлди. Маълум бўлишича, у йнглаётган болакайни кўриб қолган ва онасини топиб беришини айтиб, уни етаклаб келаётган экан.

Соат 13.46да сержант Вейли ҳалоқат белгисини бериб қолди. Унинг хожатга чиққиси келиб қолганди. Эллери уни чиқариб юборди ва дарҳол эшикни қулфлади. Девкомат сержант эркаклар хожатхонаси томон югуриб кетди.

Ун беш минут, ярим соат ўтди ҳамки, Вейли қайтмади. Унинг ортидан жўнатилган полициячи хожатхонада ҳеч ким йўқлигини айтди. Сержант фақат соат 14.35 да қайтди.

– Вейли! – ўшқирди инспектор. – Қаерларда юрибсиз?

– Овқатландим, – тўнғиллади сержант никоб остидан. – Мен ҳатто хизмат вақтида ҳам очликдан ўлишни истамайман.

Охирги воқеа соат 16.22да рўй берди. Кўрғазмадан эллиқ қадамча нарида турган чиройли кийинган аёл кутилмаганда «Ушланглар уни! Ўғри! Сумкачамни ўғирлаб қочди!» деб қичқириб қолди. Аввалига детективлар аёлни кийимини ўзгартирган Комус бўлса керак деб ўйлашганди. Аммо жабрдийданинг ҳақиқатан ҳам аёл киши эканлиги маълум бўлгач, Комус бакалок одам қиёфасига кириб, уларнинг эътиборини қалғитиш учун аёлнинг сумкачасини ўғирлаб қочган бўлса керак, деган хулосага келишди.

Соатлар 17.30ни кўрсатганида, харидорлар чиқиш эшиги томон йўналишди. Тез орада дўконнинг асосий қавати бўшаб қолди. «Нэш» ходимлари ҳам уйларига кета бошлашди.

– Вейли, қаяққа кетяпсиз? – қизиксинди инспектор,

эркаклар хожатхонаси томон йўналган сержантни кўриб.

– Манави рўдаполарни касрладир ечишим керак-ку, ахир! – никоб остидан бўғик овози келди сержантнинг. У ҳамкасбларининг гулдурос қахқахаси остида хожатхонага кириб кетди.

– Қиёфани ўзгартиришлар... – кутилмаганда минғирлади Эллери унинг изидан қараб қоларкан. – Комус доимо кийимини алмаштиради. Жуда бўлмаганда, Санта-Клаусни олинг...

– Бир дақиқа... – унинг сўзини бўлди Болдинг. У бир неча сония кўғирчок шахзодага тикилиб турди, кейин тўнғиллади: – Йўғ-э... бундай бўлиши мумкин эмас... – Адвокат кўғирчокни кутичадан чиқариб олди, уни яна бир кўздан кечирди ва чинкириб юборди: – Бу шахзода эмас! Сохта... нухаси!

– Ушланглар уни! – сабрсизликдан турган жойида сакраб, ўшқирди Эллери. – Сантани ушланг! У Вейли эмас! Кундузи у хожатхонага кирганида, Комус унга хужум қилган ва Сантаклаус либосида қайтиб чиққан! Куннинг иккинчи ярмида тепада Комус ўтирган! У зўр актёр! Ҳатто Вейлининг овозида гапирган ҳам... Лейтенант Фарбер, илтимос, олмосни текшириб кўринг!

– Жин урсин, сиз ҳаксиз! – бош ирғади Фарбер кўғирчокни кўздан кечиргач. – Бу ажойиб маҳорат билан ясалган сунъий қимматбаҳо тош – страз!

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, бир неча нафар полициячилар кучининг борича оёқ тираётган Санта-Клаусни судраб келишди. Унинг никобини ечишганида, сержант Вейлининг жаҳлдан бўғрикиб кетган юзи кўринди.

– Вейли, кундузи хожатхонага борганингизда, сиз-

га хужум қилишдими? – эсанкираб сўради Эллери Куин.

– Наҳотки мен хужум қилиш мумкин бўлган одамга ўхшасам?

– Демак, тепада сиз ўтиргансиз-а?

– Албатта, мен! – бўкирди сержант.

– Эллери, ўғлим, у буни қандай уддалади экан-а? – саросимага тушиб сўради инспектор Ричард Куин.

– Ақлим бовар қилмаяпти, дадажон...

Шу куни бутун окшом Куинлар ошхонасида оғир сукунат ҳукм сурди.

– Қойил, ақл бовар қилмас маҳорат! – хитоб қилди ниҳоят Эллери сукунатни бузиб. – Кўзбўямачиликнинг устаси экан!

– Жодугарлик... – ингради инспектор.

– Оммавий гипноз бўлса керак, – тахмин қилди Никки.

– Оммавий равишда ақлдан оздик, десангиз, тўғрироқ бўлади, – зарда қилди сержант.

– Демак, Комус олдиндан нухани ясаб қўйган, – давом этди кичик Куин. – Аммо у ҳақиқий шахзодани қандай қилиб алмаштириб қўйди экан-а?

Орадан бир соат ўтгач, хонага чўмган сукунатни телефон овози бузди.

– Сизни, – деди Никки. – Комус экан...

– Ажойиб кун учун миннатдорчилик билдирмоқчиман ва Янги йил байрамини яхши ўтказишингизни тилайман, – деди таниш пастгина овоз. – Эшик ёнидаги гиламчада сизни совға кутмоқда. Инспектор Куинга ва адвокат Болдингга салом айтиб қўйинг.

Эшик олдидаги гиламчада кўғирчоқ шахзода

ётарди. Бу хакикий кўғирчок, аммо турган гапки. унинг олмоси йўк эди...

Бу оддий, тушунтирди Эллери. – ҳар доим буюк кўзбоғлашларда бўлгани каби... Қимматбаҳо нарса қуни бўйи ҳеч ким қира олмайдиган жойда турди. Ушлаб машқ қилган ва ишончли одамлар ундан кўз узишмади. Унга бир марта ҳам инсон қўли тегмади. Инкирозий вақт тугаши биланок, у ғойиб бўлади. Тўғрироғи, арзон нусхаси билан алмаштирилди. Ажойиб! Қойил!

«Саккиз соат давомида шахзода кўз ўнгимизда турди, бу вақтда унга ҳеч ким ва ҳеч нарса тегмади, турган гапки, бу вақтда ўғирлик юз бериши мумкин эмасди. ўйлашда давом этди Эллери. – Аммо уни қачон алмаштириб қўйишган бўлиши мумкин? Илгарирокми? Йўқ. Мен ўз қўлларим билан кўғирчокни қутичага солдим. Ҳатто лейтенант Фарбер уни меннинг қўлимдан олиб, текшириб чиқди ҳам. Демак, уни кейин ўғирлашган...»

Лейтенант Фарбер олмос алмаштириб қўйилганини эълон қилишидан олдин кўғирчокка ким қўл теккизганди? – сўради Эллери шу ерда ўтирганлардан. - Ким?

Инспектор ва сержант боши қотган қисфада бир-бирига қараб, елка қисишди. Никки оғзини очганча қотиб ўтирарди.

– Жаноб Болдинг, – деди ниҳоят Никки. – Аммо у ҳисобга қирмайди.

Шундай ҳам ҳисобга қирсин-ки, Никки! – эътироз билдирди Эллери. – Маълумотларга ишонсак, айнан Болдинг ўша вақтда шахзодани ўғирлаган бўлиб чиқяпти.

– Эллери. – деди киз. ахир у нусхасини олди-ку’?

Унинг нусха эканлигини биз каердан биламиз? Унинг ўзидан эшитдик. У шундай деди, биз эса тентак кучукчалар сингари лакка тушидик-кўйдик.

Тўғри. – гасдиклади Ричард Куни. Биз кўғирчоқни дарров текшириб кўрганимиз иўк.

Тўғри. – жилмайди Эллери. Болдинг хам айнан шунақанги киека вақтлик саросимадан фондаланиб колишни мўлжаллаган. Мен Сантани, яъни сержант Вейлини тутишни буюрдим. Бир неча дақиқа гўс-тўполон бўлиб кетди. Ҳеч ким Болдингни кузатмади, хамма у нусхасини кўлида тутиб турганига ишонди. Адвокат эса бу вақтда бемалола хакикий шахзодани биғта чўнтағига солиб, бошқа чўнтағидан сохтасини чиқариб кўйган. Мен кўғирчоқни унинг кўлидан олганимда, у сохта эди.

– Ўғри Болдинг эканлиги маълум бўлгач, – деди бироз ўзига келган инспектор. – биз олмосни осонгина кайтариб ололамиз. У ҳали олмосни сотишга улгурмаганлиги аниқ. Мен ҳозирок бошқармага кўнғирок киламан...

– Тўхтанг, дада, – уни тўхтатди Эллери. – Кимни хибсга олиш хакида буйрук ёзмокчисиз?

– Болдингни-да, албатта. Ахир ўзинг айтдинг-ку...

Буйруқда яхшиси унинг тахаллусини – Комуснинг номини ёзганингиз маъкул деб ўйлайман.

– Болдинг, бу... Комусми? – хайрат ила хитоб қилди Никки. – Бундай бўлиши мумкин эмас! Ахир Болдинг кунни бўйи биз билан бирга бўлди, Комус эса гоҳ Корбобо либосини, гоҳ қариянинг, гоҳ эса бакалокнинг кийимини кийиб, аτροφимизда айланиб юрди-ку!

– Алдовлар жуда яшовчан бўлади, – жилмайди

Эллери Куин. – Ахир якинда Комус кўнғирок килиб, ўғирлигини бўйнига олдимиз? Кейин кўнғирок килиб, олмоғисиз шахзода эшик олдидаги гиламчада ётганини айтдимиз? Комус ва Болдинг битта одам экан! Мен сизларга айтгандим-ку, Комус ҳеч нарсани шунчаки қилмайди, деб... Нима учун у Болдингга шахзодани ўғирламокчи эканлигини айтди? Биз у ва Болдинг – бошқа-бошқа одамлар эканлигига ишонишимиз учунгина шундай қилган. Биз Комусни излашимиз, Болдингни эса ҳақиқий адвокат деб ўйлашимиз учун ҳам у шундай қилган. Бунинг учун у Комуснинг уч қил қиёфада намоён бўлишини ташкиллаштирган. Турган гапки, улар Комуснинг ҳамтовоқларидир.

Эллери Куин ҳамон ҳайратдан тили калимага келмай турган дадасига қаради.

– Дада, сиз беш йилдан бери туголмай овора бўлаётган устаси фаранг ўғри аслида Парк-Роудаги обрўли адвокат экан, – деди у. – Фақат тунда у ясама сочлари ва мантиясини никоб, очкич ва қора ёмғирпўшга алмаштиради. Энди эса буларнинг барини панжарали эшикка алмаштиришга тўғри келади...



Айзек АЗИМОВ



Айзек исмли болакай 11 ёшида китоб ёзишни бошлаганди. Аммо 8 та бообни ёзганидан сўнг, ўзига бу иш галати кўрина бошлаган ва у китобини ёзишни тўхтатган. Шунда қизиқ ҳодиса рўй берган. Айзек тасодифан ўз китобидаги воқеани дўстига сўзлаб берган, у эса воқеанинг давомига жуда қизиқиб қолган. Айзек воқеанинг давомини билмаслигини, ҳозир чала қолган китобини сўзлаб бераётгани ҳақида айтганида, дўсти китобни ёзиб тугатишини талаб қилган. Шу тариқа Айзек ўзида ёзувчилик қобилияти борлигини пайқаган ва адиблик фаолиятига жиддий ёндоша бошлаган.

Ҳап ким ҳақида кетаётганини пайқагандирсиз? Албатта-да! Ўша болакай бутун дунё тан олган, мавжуд адабий мукофотларни қўша-қўша олган, умри охиригача 500 дан ошиқ китоб ёзган, детектив, фэн-тези, илмий фантастика жанридаги асарлари билан ўқувчиларни ўзига ром этган, кўмедан тортиб астрономиягача бўлган турли фанларга оид илмий-оммабоп китоблари билан мутахассисларнинг эътиборига тўшиган, Артур Кларк ва Роберт Хайнлайн билан бирга дунё фантаст-ёзувчиларининг «Катта учлиги»га кирган америкалик машҳур ёзувчи Айзек Азимов эди.

САМОВИЙ ҚОТИЛ

Буюк Ллуэснинг кўл остида ишлай бошлаганидан сўнг Эдмунд Фарли шунақанги эзилиб кетдики, охири бу дахони гумдон қилиш қанчалар ёқимли бўлиши ҳақида тинимсиз ўйлайдиган бўлиб қолди.

Ллуэсга иши тушмаган одам бундай ҳолатни тушунмаслиги ҳам мумкин. Ахир Ллуэс оддий бандалар наздида омадсизликлар қаршисида тиззаси қалтирамайдиган ва мавҳумликка тикка хужум қилишдан кўркмайдиган буюк таджикотчининг рамзига айланганди-да!

Ллуэс органик кимёга муқкасидан берилиб, бутун Қуёш тизимини ўз фанига хизмат қилдиришга мажбур этгани оқибатида фотохимё жуда кенг қулоч отиб кетганди.

Аммо Ллуэс бошқаларнинг шухратини ўзлаштириб олишни жуда ёқтирарди. Бу фан оламида кечириб бўлмас айб саналса-да, у бундан ўзини сира гия олмасди. Унинг бундай хурмача қиликларидан ғазабланган ходим ишдан бўшанига ариза ёзса, тавсиянома ололмасди ва бошқа жойдан иш топиши жуда мушкул бўларди. Ваҳоланки, тишини тишига қўйиб, Ллуэс билан ишлаётганлар вақти-соати етиб, унинг розилиги ила бўшасалар, яхши тавсияномаларга эга бўлишар ва келажак ҳақида таъвишланишларига ҳам ҳожат қолмасди.

Шундай бўлса-да, Ллуэснинг кўл остида қолган ходимлар фақат ўзларигина йиғиладиган тор давраларда даҳо бошлиқларига бўли ан нафратларини тўқиб-сочиб, ғийбат қилиш билан кўнгишларига таскин берардилар.

Эдмунд Фарлининг ҳам норозилар сафига кўшилиш учун асоси етарли эди. У Сатурннинг энг катта йўлдоши Титандан келган бўлиб, у ерда мустақил, фақат роботлар кўмакчилигида ишлаганди. Йирик сайёраларнинг атмосфераси асосан водород ва мегандан иборат бўлади, аммо инсон ишлаши учун Юпитер ва Сатурннинг массаси ҳалдан танқари катта. Уран билан Нептун эса жудаям узок эди, у ёкка саёҳат эса жудаям кимматга тушиб кетарди. Катталиги жиҳатидан Марсдек келадиган Титан эса етарлича кичкина бўлиб, инсон фаолияти учун қулай, шу билан бирга водород-меганли атмосферасини сақлаб қола оладиган даражада катта эди.

У ердаги водородли атмосферада кўпгина реакциялар осонликча юз берса, Ерда бунаканги жараёнлар кинетика нуқтаи-назаридан кўпгина муаммоларни келтириб чиқарарди. Фарли эса Титандаги кийинчиликларга ярим йил дош бериб, у ердан хайратга солгулик маълумотлар билан қайтди. Аммо бу маълумотлари ақл бовар қилмас тезликда сочилиб кетди, кейинроқ эса Ллуэснинг кашфиётлари сифатида яна бирлаша бошлади.

Ҳамкасблари унга ҳамдардлик билдириб елка қисинишар, ўзларининг биродарлигига кўшилишга таклиф қилишарди ва шунда Фарли бошқалар ўч олиш режасини қандай тузишларини эшитарди.

Ҳеч қачон Ерни тарк этмаган, шу туфайли ҳам Фарли «вакуумчи» деб лақаб қўйиб, ўзича нафратланиб юрадиган Жим Горем нафратини очикдан-очик баён қиларди.

- Ллуэсни ўлдириш осон, чунки у ўз одатларини сира ўзгартирмайди, — мулохаза юритарди Горем. —

Масалан, у факат ёлғиз ўзи овкатланади. Хонасини росна-роса соат 12 да ёнади ва соат 13да очади. Тўғрими? Бу вақт давомида унинг хузурига ҳеч ким кирмайди, шундай экан, захар иш бериши мумкин.

– Захар? – ажабланди бир ҳамкасби.

– Бундан осони борми? Ахир бу ерда турли-туман захарлар тўлиб етибди-ку! Канакасини хоҳласанг, гонасан. Бу борада ҳаммаси жонида бўлади. Ллуэс пишлок ва ўлудек бадбўй пиёзли зиравор билан арпади нон ейди. Унинг ошқозони мазза қилади, биз ҳа тушликдан сўнг пиёзли зираворнинг сассиғини ҳидлашга мажбурмиз. Ўтган йили баҳорда ошхонада пиёзли зиравор тугаб қолганида, у қандай бўкирганини ҳайсенми? Бу лавнати зираворга Ллуэсдан бошқа одам ўла қолса қўл теккизмайди. Шундай экан, захар фақат уни қулатади, бошқаларга зиён етказмайди.

Буларнинг бари оддий сафсата эди, ҳолос

Фарли Ллуэсни ўлдиришга қарор қилди. Бу фикр эди ҳақиқий васвасага айлана бошлади. У такчил киёкородни тежаганча, Титаннинг аёзли шамоллари аро музлаган аммиаклар орасида санғиб қилган кашфетларининг хузурини кўраётган Ллуэснинг гумдон бўлишини ўйлагандаёқ, қони гупириб кетарди.

Аммо шундан бир йўлини топиши керак эдики, у Ллуэсдан бошқа ҳеч кимга зиён етказмасин. Шунда Фарли атмосфера хонаси ҳақида элади. Бу узун, пастак хона бўлиб, бошқа тажрибахонлардан бетон деворлар ва оловга чидамли модда билан қопланган эшиги ёрдамида ажратиб қўйилганди. Бу хонага Ллуэсдан бошқа ҳеч ким кирмасди. Кирсалар ҳам фақат у билан бирга ёки унинг руҳсати ила киришарди. Хона қулфланмас, аммо эшикка ёпиштирилган

«Кирилмасин!» деган ёзувли коғоздаги Ллуэснинг имзоси ҳар қандай қулфдан мустаҳкамрок эди... Бундан ташқари, Ллуэснинг ҳамма нарсани эринмай текшириб чиқиш одати ва чексиз-чегарасиз эҳтиёткорлиги ҳеч қандай имконият қолдирмасди. Ускуналарга шунчаки тегилса ҳам, бунинг албатта миси чиқиб қолиши тайин эди. Атмосфера хонасида бир тўда тез алангаланувчи моддалар турар, аммо Ллуэс чекмаганлиги учун бу ҳавф туғдирмасди.

Фарли ҳақли ўч олишга муносиб одами ҳақида фикрини ўйларди: ўғри худди ёш бола каби метан ва водород тўлдирилган кичик баллончаларни ўйнайди, ваҳоланки, Фарли уларнинг қанчадан-қанчасини қўлдан ўтказган. Оқибатда-чи? Ҳамма шон-шухрат Ллуэсга тегди. Фарлига эса – ҳеч вако.

Бу кичик баллончаларнинг ҳар бири ўз рангига эга: водород кизил баллонларда, метан – йўл-йўл (қора ва оқ), азот – жигарранг, сикилган ҳаво сарик баллончаларда, яшил ранглиларида эса кислород сақланади. Ранглари турлича бўлса-да, ходимлар кўникиб кетишган, уларни сираям алаштириб юборишмайди.

Бирданига Фарлининг ҳаёлига бир фикр келиб қолди. Бу ҳаёл миясига шунчалар ўрнашиб қолдики, у энди шу ҳақда гинмай бош қотира бошлади.

18 октябрь – Қоинот қуни келишини Фарли бир ой орзиқиб кутди. Бу байрам одамлар учун шунчалар қадрли эди-ки, ҳатто тиниб-тинчимас Ллуэс ҳам шу қуни хурсандчилик қилишдан ўзини тия олмади.

Фарли кечкурун «Сентрал органик лабораториз» биносига кирди – уларнинг институти шундай аталарди – ўзини ҳеч ким сезмаганлигига унинг ишончи қомил

эди. Эшикни зич ёпди-да, ним коронги йўлакдан атмосфера хонаси томон кетди. Унинг бор қуроли электр фонари, қора кукун солинган идишча ва шаҳарнинг бошқа бир бурчагидан сотиб олинган ингичка мўйкаламдан иборат эди. Қўлларига юпка қўлқоп кийиб олган.

Ҳаммадан кийини ўзини атмосфера хонасига киришга мажбур қилиш бўлди. аммо остонадан хаглаб ўтгани ҳамон кўркуви тумандек тарқалди-кетди.

Фарли фонарь нурини баллонларга каратиб, ўзига кераклисиди тўхтатди. Юраги шунчалар каттик гупиллаб урардики, унинг гупиллашидан қар бўлиб қолаёзди, нафаси бўғилиб, қўли титрарди. У фонарчани қўлтигига қистириб, мўйкаламнинг учини қора кукунли идишга ботирди. Кукун зарралари мўйкаламга ёпишди ва Фарли баллон очкичини буради. Мўйкалам учини баллон бўғзидаги тешикчага киритиш учун чексиз узок сония-лар керак бўлди. У мўйкаламни қайта-қайта қора кукунга ботириб, уни тешикка сурқар ва ўзининг бир маромдаги ҳаракатларидан сеҳрланиб қолаёзганди. Ниҳоят, юпка сувқоғоз бўлагини тупуги билан хўллаб, баллон бўғзи атрофини артди ва ишини тугатганидан роҳатланиб кетди.

Аммо шу онда Фарлининг қўли қотиб қолди ва юрагини ваҳима ғижимлади. Қўлтиғидаги фонарча тарақлаб ерга тушди.

Аҳмоқ! Қип-қизил аҳмоқнинг ўзгинаси! Уйлаб кўришга ҳам эриниб, сабрсизлик билан бошқа баллонни олибди-ку!

Фарли фонарчасини олди, уни ўчириб, юраги пўкиллаганча атрофга кулок сола бошлади. Атроф жим-жит эди ва у хотиржам тортиб, бир марта килинган

ишни иккинчи марта қайтариш ҳам мумкинлигига ўзини ишонтира бошлади: бор-йўғи икки дақиқа вақти кетади, холос.

У яна мўйкаламни кўлига олди. Яхшиямки, хали кукун солинган идишни ташлаб юборишга улгурмагани. Ажал келтирувчи, ёнувчи кукун...

Бу сафар у ўзига керакли баллончани олди ва дарровгина ишини тугатиб, баллонча бўғзи атрофини тит-раётган кўли билан аста чертиб кўйди. Кейин атрофини фонарча билан ёритиб, ёруғлик нури тушган шиша идишдаги реагент модда – толуолга тикилиб қолди. Тўғри келади! У идишнинг пластик қопқоғини очиб, толуолни атрофга сочди ва идишни очик қолдирди...

Эрталаб Фарли ойнадаги аксига паришонгина боқиб, бугун ишга бора оладими ё йўқми, шу ҳақда ўйлай бошлади. Йўқ, ишга бормаса бўлмайди, ахир бугун ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилолмайди-ку!

У юрагини ёғимлаётган хавотир сезгисини йўқотишга уриниб, кундалик икир-чикир юмушларини бажаришга тутинди. Тонг ҳавоси тоза, иликкина бўлгани боис у ишга яёв жўнади. Ичида кукуни қолмаган идишни йўқотиш учун уни кафтида бир қисиши кифоя қилди. Кейин у билагадаги митти компьютерга тикилганча, ёзув столи ёнида анча ўтирди. Мўлжаллагани амалга ошармикин, ишқилиб? Ллуэс толуолнинг ҳидига эътибор бермаслиги ҳам мумкин. Толуолнинг ҳиди жуда ёқимсиз, аммо органик кимё билан ишлайдиганлар унга кўникиб кетишган.

Фарли ўз ўйларига шунчалар ғарқ бўлиб кетгандики, ҳатто узокда янграган гумбурлашни ҳам хаёлида эши-

тилди шекилли деб фараз килди. Ёни инасидан кимларнингдир югуриб ўтганини кўрибгина бу хақиқатан ҳам юз берганини тушунди.

Фарли бошини кўтарди, курукшаган томоғидан кичкирик отилиб чиқди:

– Нима бўлди... нима...

– Билмадим, – жавоб берди югуриб кетаётган ҳамкасби. – Атмосфера хонасида нимадир бўлди... Портлаш. Ҳаммасқ вайрон бўлди.

Ходимлар олов ўчирувчи модда солинган идишни очишди, аланга устига кўпик соча-соча, куйиб кетган Ллуэсни ташқарига олиб чиқишди. Чалажон Ллуэс шифокор етиб келмасиданок жон таслим килди.

Бу хунук манзарага гамгиллик ва даҳшат ила кизиқсиниб тикилган одамлар орасида Эдмунд Фарли ҳам бор эди. Бошқа ходимлар сингари унинг ҳам ранги оқариб кетган, башараси ва юзидан дувиллаб тер оқарди.

У иш куни тугагунича бир амаллаб иш жойида ўтирди, кечқурун эса аста-секин тинчлана бошлади. Бахтсиз ходиса, шунгайм ота гўри-қозихонами? Ўз касбидан келиб чиққан ҳолда барча кимёгарлар хавф остида бўладилар, айниқса, тез алангаланувчи моддалар билан ишловчилар...

Жим Горем сўнгги 24 соат ичида ўзини анча олдириб кўйди. Унинг сочлари пахмайиб осилиб ётар, факат ранги малларанг бўлгани учун ҳам соқоли канчалар ўсиб кетгани кўзга ташланмасди.

– Уни ўлдириш айти муддао бўлиши ҳақида ҳаммамиз гапирардик, – деди у.

– Жиддийми? – сўради Ердан ташқаридаги терговлар бюросидан келган Г. Сетон Давенпорт бармоғи билан ёзув столини чертаркан.

– Йўқ, албатта, – жавоб берди Горем, бошини сараклатаркан. – Ҳар холда, мен бунақанги гап-сўзларга жиддий эътибор бермасдим. Қанаканги зўр ғоялар таклиф қилинмасди, дейсиз? Бутербродга захар солиб қўйиш, вертолётдан туриб устига кислота сочиб юбориш ва шунга ўхшаш... Буни карангки, кимдир бу гап-сўзларга жиддий ёндошибди... Аҳмок! Нима учун?

– Эшитганларимни тўғри тушунган бўлсам, – гап қотди Давенпорт, – мархум ўз ходимларининг илмий капиётларини ўзлаштириб оларкан.

– Нима бўпти? – хитоб қилди Горем. – Бу Ллуэс бажарадиган ишлар учун тўланадиган ҳақ эди. У эса бутун лабораторияни кўлида ушлаб турар, ишимизнинг мушаклари ва ҳаракатлантирувчи кучи эди. Ллуэс турли анжуманларда қатнашар ва иш юритиш учун маблағ топарди. Ллуэс коинотдаги дастурларнинг амалга оширилиши ва одамларни Ойга ёки бошқа сайёраларга жўнатиш учун рухсат олишга уста эди. У фазовий кемалар компаниялари ва саноатчиларни биз учун миллионлаб пул сарфлашга кўндира оларди. Ллуэс «Сентрал органик лабораториз»ни бунёд этганди.

Энди эса сиз жазолаш лозим бўлган одамни топишни истамаяпсизми? – сўради Давенпорт. – Ўлган Ллуэсдан унга нисбатан содир этилган жинояти учун узр сўрамоқчимсиз?

– Йўқ! Рухиятни бир четга қўйиб турайлик. Сизга айтяпман-ку, бу – қотиллик! Бошқача бўлиши мумкин эмас. Сиз Ллуэсни билмасдингиз. У хавфсизлик деганда ўзини томдан ташларди. У бор жойда ҳеч қанаканги портлаш юз бериши мумкин эмасди, агар ўта пухталиқ билан тайёрланган бўлмаса, албатта.

Давенпорт елкасини қисиб қўя қолди.

– Доктор Горем, ўзи нима портлаган?

– Ҳар бало портлаган бўлиши мумкин. Ллуэс барча турдаги органик қўшилмалар – бензол, эфир, перидинлар билан ишларди. Буларнинг бари тез алангаланувчи моддалардир.

– Яхши, – бош силкиди Давенпорт. – Юринг, кўрайлик-чи!

Улар қорайиб, вайрон бўлиб кетган хонага кирганларида, Давенпорт сўради:

– Бу ердаги энг хавфли нарса нима?

Горем атрофига аланглади:

Сикилган кислород, – деди у яшил рангли баллончаларга ишора қилиб.

Давенпорт девор ёқалаб тизилган ва занжир билан боғланган ранг-баранг узунчоқ баллончаларга тикилди. Уларнинг баъзилари портлаш зарбидан ағанаб гушганди.

– Манави нима? – сўради Давенпорт хонанинг ўртасида думалаб ётган кизил баллончани оёғи билан тепиб.

– Бу водород, – деди Горем.

– Водород портлаши мумкин, тўғрими?

– Ҳа, агар киздирилса, албатта.

– Унда нега энг хавфлиси сикилган кислород, деяписиз? – сўради Давенпорт. – Кислород портламайдик-ку?

– Йўқ. У хатто ёнмайди ҳам. Аммо ёнишга ёрдам беради. Тушуняписизми?

Горемнинг товушида ташвиш оҳанги сезиларди. У кислород баллонининг ёнига чўккалаб, баллоннинг қорамтир бўғзини бармоғи билан ушлаб кўрди.

Эхтимол, бу оддий курум бўлиши ҳам мумкин, аммо, балки... У ўрнидан турди.

Эхтимол, шундай бўлгандир ҳам... Мен манави ёт модданинг заррачаларини йиғиб олиб, уларни спектрографик таҳлилдан ўтказишим керак.

– Бунга қанча вақт кетади?

– 15 дақиқача етади.

Горем йигирма дақиқадан сўнг қайтди. Бу вақтда Давенпорт куйиб кетган лабораторияни кўриб чиқишга улгургани. У бошини кўтарди.

– Хўш, бирон нарса топдингизми?

– Платина қуруми бор, – тантанавор оҳангда деди Горем. – Озгина бўлса-да, бор. – У турли ёркинлик ва масофада жойлашган оппок параллел чизиклар кўриниб турган фототасмани узатди. – Манави чизикларни кўряпсизми?..

Давенпорт тикилиб қаради.

– Жуда хира экан... Бу срда платинали қурум мавжуд эканлиги ҳақида судда кўрсатма бера оласизми?

– Ҳа, – ўйлаб ҳам ўтирмай деди Горем.

– Бошқа кимёгар-чи? Агар бу сурат химоячи ёллаган бошқа кимёгарга кўрсатилса, у ушбу чизиклар асосли далил сифатида қабул қилиш учун етарлича аниқ эмаслигини таъкидлай олмайдими?

Горем индамади. Бироздан кейин тўсатдан хитоб қилди:

– Фарли! Эдмунд Фарли!

– Нималар деяпсиз?

– Фарли Титанда олти ой ишлагач, яқинда қайтиб келган, – деди Горем борган сари ҳаяжонланиб. – Титан атмосфераси водород ва метандан ташкил топган. Фарли бунақанги атмосферада ишлаб, тажриба

орттиролган ягона одам. Энди ҳаммаси тушунарли. Титанда кислород оқими атрофидаги водород билан кўшилиши мумкин. бунинг учун уни иситиш ёки катализатор сифатида платинали курумдан фойдаланилса, кифоя. Шунда портлаш юз беради. Бу ерда эса шу ҳолатнинг айнан акси кузатилади. Бу ишни Фарли қилгани аниқ. У Ллуэсининг лабораториясига кирганида, платинали курумни одат бўлиб қолганидек аввал кислородли баллонга киргазган. Кейин Ердаги реакциялар аксинча юз беришини эслаб қолган ва шу билан ўзини ўзи тутиб беришини ўйламаган.

Давенпорт қовоғини солганча қониқиш ила бош ирғади. Унинг қўли телефон гўшаги томон узатилди ва у:

– Доктор Эдмунд Фарлини хибсга олиш учун «Сентрал органик»жа одам жўнатинг, – деди.



БИЛЛ ПРОНЗИНИ



Билл Пронзини – америкалик фантаст-ёзувчи Уильям Жон Пронзинининг тахаллусларидан бири.

Уильям Жон Пронзини 1943 йили 13 апрелда Калифорния штатидagi Пета-лума шаҳрида туғилган. У салкам ярим асрга яқинлашиб қолган ижодий фаолияти давомида Билл Пронзини,

Жек Фокс, Алекс Саксон, Бретт Холлидей, Уильям Жеффри, Ромер Зейн Грей ва Роберт Харт Дэвис каби тахаллуслар остида ижод қилиб келмоқда.

Билл Пронзини детектив ва фантастика жанрига оид асарлари ва триллерлари билан донг таратган. Унинг асарлари болгар, венгер, мўгул, немис, поляк, серб-хорват, словак, француз, чех, япон тилларига таржима қилинган. Адиб айти пайтда Сан-Францискода истиқомат қилади.

МАҲОРАТ

Улар Орегон ва Калифорния орасидаги чегарага етиш учун яна қирк беш дақиқа юришлари керак эди, шу пайт Корднинг нигоҳи ёнилғи кўрсаткичига тушиб қолди. Асбобнинг кизил мили аста-секин пастга қараб силжиб борарди.

– Ёнилғи баки деярли бўм-бўш, – тўнғиллади Корд Тайлерга, гўё бунга у айбдордек.

– Менинг қорним ҳам бўшлиқда ундан қолишмайди, – тиржайди Тайлер. – То очликдан рихлатга равона бўлмасимдан аввал ул-бул қавшаб олсак бўларди.

Бир-бирига қўлкишанлар билан кишанлаб қўйилган Фаллон билан Бреннер орқа ўриндикда ўтиришар ва хўмрайганча уларнинг гапларини тинглашарди.

– Уни қара! – кутилмаганда хитоб қилди Тайлер. У шеригининг енгидан тортиб, ойна томон ишора қилди.

Корд, ботаётган куёшнинг нурларидан каманиб кетаётган кўзларини сузганча, ойна томон қаради. Катта йўлдан бир неча ўн метрча ичкарироқда мўъжазгина оқ бино турар, унинг олдида учта бензин қуйиш ускунаси ўрнатилганди. Баланд темир устунга тўртбурчак тахта ўрнатилган бўлиб, ундаги ҳафсала билан ёзилган «Эднинг бензин қуйиш шохобчаси. Кеча-қундуз ишлаймиз, марҳамат, кираверинглар!» деган сўзларнинг бўёқлари ўчиб, униқиб кетганди. У машинани тор йўлакка бурди.

– Шу ердан бензин қуйиб оламиз.

Ёқилғи қуйиш шохобчасига кириб, Корд машинани тўхтатди. У бензин қуйиш учун «Форд»дан чиқмоқчи

бўлган ҳам эдики, Тайлер унинг кўлидан тутиб қолди.

– Биз Орегонда эканлигимизни унутма, оғоҳлантирди у. Бу лаънати штатнинг қонунларига кўра, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тақиқланган.

– Сен ҳақсан, – бош ирғади Корд.

У эшикни ёпди ва бензин қуювчини кута бошлади. Идора вазифасини ўтовчи кулбадан олтинчи беш ёшлар чамасидаги чол чикди, унинг сийрак сочлари оппок, юзлари чуқур ажинларга тўла эди. У машинага хайдовчи ўтирган гомондан яқинлашиб, сўради:

– Бензин қуясизларми?

– Бакни тўлдилинг, – деди Корд. Факаг каранг, тагин бензин ичида кўрғошин бўлмасин.

– Хўп бўлади, сэр, – ўта жиддий равишда бош ирғади чол.

Орка ўриндикда ўтирган Фаллон ва Бреннернинг кўлидаги кўлкишанларни кўрганида, чол асабийлашаётгандек лабларини ялади ва ёшланиб турувчи мовий кўзлари билан уларга тикилди.

– Хавотирланманг, – уни тинчлантирди Корд. – Улар сизга ёмонлик қилишолмайди.

– Сизлар полицияданмисиз, йигитлар?

Тайлер илжайганча бош ирғади, Корд эса изоҳ бера бошлади:

– Мен – АҚШ маршалиман, бу эса менинг соқчим. Биз манави «жуфтлик»ни Сан-Францискога олиб кетяпмиз.

– Улар нима... Вашингтондаги Макнейл камокхонасиданми? – қизиксинди шохобча эгаси.

– Топдингиз. Ўша срдан.

– Менга каранг, отахон... – гап бошлади Фаллон.

– Ўчир овозингни, Фаллон! – кескин унинг гапини бўлди Тайлер.

– Мен фақат хожатхона каердалигини сўрамоқчийдим, – елка қисди Фаллон.

– Овозингни ўчир, дедим, сенга! – кайнаб кетди Корд. – Агар жонинг керак бўлса, овозингни ўчириб ўтир!

Фаллон исмли новча эркак нимадир демокчидек оғиз жуфтлади-ю, аммо ўзини босди ва индамай қўя қолди. Қария «Форд»нинг орка томонига ўтиб, бензин бакининг копкоғини бураб очди ва бензин қувурининг учини ушлади. Қувур учини бак ичига тўғрилаб, насосни ёқди. Кейин ифлос латтасини қўлига олиб, машинанинг олд ойнасини арта бошлади.

Тайлер ҳомуза тортди, Корд эса хўмрайганча оркани кўрсатувчи ойнадан Фаллонни кузатарди. Қария ойнани артаркан, вақти-вақти билан машина ичидаги тўрт эркакка назар ташлаб қўярди.

Бензин тўлганлигини билдирувчи шиқирлаш эшитилгач, қария қувурни жойига осиб қўйди ва бак копкоғини бураб ёпди. Орадан бир неча сония ўтгач, у яна хайдовчи ойнаси ёнида энгашиб турганча, қизиксиниб сўради:

– Мойини ҳам текширайми?

– Кераги йўк, – бош чайқади Корд. – Мойимиз жойида.

– Хоҳишингиз... Йигирма икки доллар тўлашингиз керак. Қандай тўлайсизлар? Кредит қоғози биланми?

– Нақди билан, – тўнғиллади хайдовчи. У ҳамёнидан битта йигирматалик ва битта ўн долларлик пул чиқариб, чолга узатди.

– Ҳозир қайтимини ва тўлов қоғозини олиб келаман.

– Ҳожати йўк, отахон, – уни тўхтатди Корд. –

Қайтимини ўзингизга олинг, у сизга кўпроқ асқотади.
Биз жуда шошиляпмиз.

– Биз унчалик шошиляётганимиз йўқ, – эътироз билдирди Тайлер. – Егулик бирон нарсангиз борми? Ўлардек оч қолдим!

– Гараж ичкарасида сэндвич тайёрлайдиган автомат бор.

– Гараж ўзи қаерда?

Анави ерда, бурчакда. Юр, кўрсатаман.

– Хеч нарса емагандан кўра, сэндвич ҳам харна, – хафсаласи пир бўлиб мингирлади Тайлер ва шеригига юзланди. – Сенга нима олиб келай?

– Менга барибир. Истаганингни олиб келавер.

Менга эса орасига гўшг кўйили ан жавдар нон ола кел, – орқа ўриндикдан лукма ташлади Фаллон.

– Менимча, сенга овозингни ўчириб ўтиришни буюргандик, шекилли, – яхшиликдан дарак бермайдиган гахдидли оҳангда ўшқирди Тайлер.

Нима, биз Бреннер билан очдан-оч ўтираверамизми? бўш келмасди новча маҳбус.

– Ҳа, ўтираверасизлар!

– Бас, етар! – гапга аралашди Корд. – Бор, сэндвичларни олиб кел, Жонни. Ҳали канча йўл босишимиз керак. Улгуролмай қолишимиз мумкин.

Тайлер машинадан тушиб, қария билан бирга кетди. Улар бурилишда кўздан йўқолганидан сўнг, Корд Фаллонга ўгирилиб. сўради:

– Жуда ақлли бўлиб кетибсанми?

– Мен ҳам сендан худди шу ҳақда сўрамоқчи эдим, – ғижиниб деди Фаллон.

– Ўзингни бос, Арт, – оғоҳлангирди уни Бреннер.

– Э, жин урсин! – портлаб кетаёзди Фаллон. – Бу...

- Тилинг бошингни ейди. Фаллон. – тахдидли ўшқирди Корд. – Агар жонинг ўзингга керак бўлса, оғзингни кулфлаб ўтир. Қайтиб овозинг чикканини эшитмай. Яхшиси Бреннердан ўрнак олсанг-чи! Узоқроқ яшармидинг...

Фаллон ўкрайганча Кордга тикилди. Улар бир-бирининг кўзига тикилганча гуриб қолишди. Ҳеч бири ён беришни ва нигоҳини четга қаратишни истамасди. Чўзилиб кетган жимликни биринчи бўлиб Бреннер бузди.

– Арт, қизишма...

– Яхшиси, дўстингга кулоқ солсанг бўларди, – уқтирди Корд Фаллонга. – Ўзини қандай тутиш кераклигини у билади.

Фаллон бармоқларини шундай қисдики, териси оқариб кетди. Корд четга ўгирилди. Бир-икки дақиқадап сўнг бурчакда қария кўринди. У ёлғиз ўзи бўлиб, кўлида мой босиб кетган ифлос латгани ушлаб олганди. У яна хайдовчи ойнаси ёнига яқинлашиб, энгашди.

– Менинг соқчим қани? – хўмрайиб сўради Корд. – Биз шошиляпмиз, ахир!

– Мен ҳам шундайдир, деб ўйловдим, – бош ирғади қария ва кўлидаги латтасини ерга ташлади.

Ҳайратдан Корднинг оғзи очилиб, анқайиб қолди. Шохобча соҳибининг ўнг кўлида 44-калибрли «Магнум» тўппончаси турарди. Тўппончанинг мили эса Корднинг чаккасига тиралди.

– Жаноб, қимирласангиз, мурдага айланасиз.

Фаллон пишиллаб нафас ола бошлади. Корддан кам ҳайратланмаган Фаллон билан Бреннер беихтиёр олдинга энгашишди. Корд худди бўғма илон қаршисида турган қуёндек тўппонча оғзига тикиларди.

– Қўлкишанларнинг калити қани? – сўради қария Фаллондан.

– Машинанинг калити билан бигга ҳалқага илинган. Эҳтиёт бўлинг. Тағин тўппончангизни қўлингиздан юлиб олмасин, огоҳлангирди орқадан Фаллон.

– Қани, уришиб ҳам кўрсин-чи, нақ калласидан дарча очиб қўяман!

Қария шундай деганча, нигоҳини Корддан узмай, бўш чап қўлини ойнадан суқиб, эшикни очди:

– Энди, машинадан туш! Факат секин туш ва кескин ҳаракат қилма! Қўлларингни шундай тутгинки, мен уларни кўриб турай...

Корд аста машинадан тушди. У қўлларини боши тепасида туғиб тураркан, ҳамон кўзларини «Магнум»дан узолмасди. Қариянинг буйруғига кўра, у орқага ўгирилди, курагини а тўппонча мили тиралди ва шохобча соҳиби Корднинг камаридаги 38-калибрли полиция тўппончасини ғилофидан суғуриб олди.

– Олдинга бир неча кадам юр ва орқага ўгирила кўрма! – буюрди чол.

Корд уч кадам ташлади ва гўхтади. Қария машинанинг ёндириш кулфидаги калитларни суғуриб олди-да, Фаллонга узатди, у ўгачакконлик билан қўлкишанларни ечди. Улар Бреннер билан машинадан чиқишганида, шохобча соҳиби Фаллонга Корднинг тўппончасини узатди.

– Унинг шериги бурчакда ётибди. – илжайди у. – У сандвич тайерлайдиган автомат ёнида турганида, мен сездирмай идорага ўтдим-да, тўппончамни олдим ва унинг қўндоғи билан бошини салгина «силаб» қўйдим. Мана, унинг тўппончаси.

Бреннер 38-калибрли иккинчи полиция тўппончасини олди.

– Тайлер билан шуғуллан, – деди Фаллон унга.

Бреннер бош ирғади ва дарров бурчак ортида кўздан йўқолди.

– Энди ўгирилишинг мумкин, – деди Фаллон Кордга. – Машинага суюн ва оёқларингни кенг оч. Энди кўлларингни ортга қил. Бу қандай қилинишини ўзинг яхши биласан. Биронта найранг қилишни хаёлингга ҳам келтира кўрма. Бу сен учун жуда ёмон тугаши мумкин.

Корд индамай бўйсунди. Арт Фаллон қарияга кўлкишанларни узатди ва у чаққонлик билан Корднинг кўлларини қишанлади. Фаллон Корднинг чўнтагидаги ҳамёнини олиб, ўз чўнтагига солиб қўйди. Бреннер ҳар қадам босганида гандираклаганча бошини саранглатаётган Тайлерни олиб келди. Унинг сочлари қонга беланган, кўлларида кўлкишанлар яракларди. Корд ва Тайлер «Форд»нинг орқа ўриндиғига жойлашганидан сўнг, Фаллон қариянинг кўлларини маҳкам қисди.

– Сизга қандай миннатдорчилик билдиришимни ҳам билмай қолдим! – деди у жилмайиб. – Сиз бизнинг ҳаётимизни саклаб қолдингиз!

– Буниси аниқ! – шеригини қувватлади Бреннер. – Бу аблахлар йўл бўйи маслаҳатлашиб, бизни қаерда ўлдиришса, мурдамиз кечроқ топилишини режалаштириб келишди. Эртами-кечми, улар барибир бизни ўлдиришарди.

– Аслида нима бўлди ўзи? – қизиксиниб сўради чол.

– Бунинг тарихи узун, – хўрсинди Арт Фаллон. – Биз беҳафсалалик қилиб, сергакликни йўқотиб қўйган эканмиз. Эрталаб қахва ичиш учун тўхтадик. Улар ҳам

қаҳва сўрашди ва биз кўпол хатога йўл қўйдик. Тўғри, уларга қаҳва беришнинг ўзи керак эмасди. Кўз очиб-юмишга улгурмасимизданок кутилмаганда қаҳвани башарамизга сениб юборишди, Корд эса тўппончамни юлкиб олишга улгурди...

– Отахон, сиз улар кимлигини қандай пайқадингиз? жилмайди Бреннер. – Ахир улар сизни огоҳлантиришимиз учун имкон ҳам берганлари йўқ-ку!

Шохобча соҳибни «Магнум»ни коржомасининг чўнтагига солди ва унинг оғирлигидан чўнтак осилиб қолди.

– Шундай... баъзи икир-чикирларга қараб... – деди у камтарлик билан елка қисганча. – Улар ўзича ҳеч нарсани англамайди, аммо жамланганида бу ерда аҳвол чатоклигини яққол кўрсатди. Йигирма беш йил давомида бу ўлкаларда шериф бўлганман. Икки йил мукаддамистеъфога чиқиб, бензин қуйиш шохобчасини очдим. Бу даврда маҳбусларни Макнайлга олиб кетаётган ва Макнайлдан олиб келаётган америкалик маршалларнинг жуда кўпини кўрдим. Маршаллар ва маҳбуслар ҳақида баъзи нарсаларни билиб олдим.

Менга уларнинг хатти-ҳаракатлари ва сиз ўзингизни қандай тутаётганингиз дарров шубҳали туюлди. «Бу ерда нимадир бор-ов», деб ўйладим ўзимча. Уларнинг ташқи кўринишлари аслида чаток эди-да! Баданлари кун бўйи тўрт девор ичида ўтирадиган маҳбусларники сингари кулранг тус олган, рангпар эдилар. Сизларнинг эса икковингиз ҳам қуёшда тоблангансизлар, кўп вақтингизни тоза ҳавода, қуёш нурлари остида ўтказишингиз кўриниб турибди... Билагингизда пластмасса белгилар ҳам йўқ. Мен идентификация

белгиларисиз турма деворларидан ташқарнга олиб чиқилган махбусни сира кўрмаганман.

– Улар ўзиникини синдириб ташлашди, бош ирғади Арт Фаллон, – шунинг учун уларни бизга тақишолмади.

– Бунинг устига, – собик шериф Корд ва Тайлернинг хатосини санашда давом этди. – улар сизларни хожатхонага юборишмади ва овкатлантиришмади. Ҳозир эса америкалик маршаллар ўзларини бундай тутишмайди. Махбуслар дарров шовкин солиб, адвокатларига кўнғирок қилишади ва ўзларига золимона муносабатда бўлишаёганидан шикоят қилишади. Нохушликлар кимга ҳам керак, дейсиз? Шунинг учун ҳам маршаллар ҳозир махбусларга нисбатан одамдек муомала қилишади. Энди, бензинни олайлик. Машинани бошқараётган йигит бор-ку... унинг исми Корд-миди?!

– Ҳа, Корд.

– У менга нақд пул тўлади, – илжайди қария. – Мен эса ҳали бирон марта ҳам маршаллар нақд пул тўлашганини кўрмаганман. Улар фақат кредит қоғозлари билан тўлов ўтказишади. Ҳа, айтмоқчи, у ўттиз долларни олган ҳамёнда кредит қоғози борлигини ҳам пайқадим. Тўғрими?

– Жуда тўғри.

– Ахир сизларга босиб ўтган йўлингизни ҳисоблаб, бензин учун пул беришади-ку, тўғрими?

– Тўғри.

– Мен Кордга тўлов қоғози бермоқчи эдим, у эса рад этди ва шошаётганини айтиб, қайтимини ўзим олиб қолаверишимни буюрди. Давлат вазифасида ишловчилар шохобча ходимига саккиз доллар

чойчақани ўла қолса ҳам ташлаб кетишмайди. Бундан ташқари, тўлов қоғозини ҳам рад этишмайди, чунки шу қоғозга қараб пулларини қайтиб олишади-да...

Қария кафти билан сийрак сочларини силаб, жилмайди.

– Тўғри, мен анча қариб қолдим, аммо ҳали ҳам калламда баъзи бир нарсалар бор. Ёшлигимда ёмон шериф бўлмаганман. Камтарликни бир четга йиғиштириб қўйиб, тан олсак, ҳозир ҳам маҳоратимни унчалик йўқотмабман, шекилли...

Арт Фаллон қовоғини уйиб ўтирган маҳбусларга қаради-да, бош ирғади:

– Ҳа, сэр, биз Бреннер билан фикрингизга тўлик қўшиламыз. Сиз маҳоратингизни сираям йўқотмагансиз, аксинча, ўз ишингизнинг устаси бўлганлигингизни яна бир бора исботладингиз ва ҳамон энг зўр шерифсиз...



Бретт ХОЛЛИДЭЙ



«Шиддатли» детектив устаси сифатида донг таратган америкалик ёзувчи Бретт Холлидэйнинг асл исми-шарифи – Девис Дрессер бўлиб, 1904 йили 31 июлда АҚШнинг Чикаго шаҳрида тўғилган. Унинг адабий тахаллуслари – Бретт Холлидэй, Эса Вакер, Мэтью Блод, Кэтрин Кулвер, Дон Дэвис, Хал Дебретт, Эллиот Сторм, Энтони Скотт, Андерсон Уайн.

Девис Дрессер гарбий Техасс-да улғайди. Болалигида тасодифан кўзига бигиз кириб кетгани оқибатида бир умр қора боғич тақиб юришига тўғри келади. У 14 ёшида ушдан қочиб кетади ва ёшини катта қилиб кўрсатиб, Форт Блисс (Техас штати)даги отлиқ аскарлар қўшинига хизматга ёлланади. Пул топиши илинжсида Энтони Скотт ва Эллиот Сторм тахаллуслари остида ялтироқ муқовали журналлар учун севги ҳақидаги ҳикояларни ёза бошлайди.

Холлидей Америка изқувар ёзувчилари ассоциациясининг асосчиларидан бири бўлиб, танқидий ишлари учун 1953 йили Эдгар По мукофотига сазовор бўлган. 1956–90 йилларда АҚШда Холлидэйнинг машҳур қаҳрамони изқувар Майкл Шейнга бағишланган «Mike Shayne mystery magazine» журнали нашр этилган.

ИСТАЛМАГАН МИЖОЗ

– Жаноб Шейн, сизни Лаура Енсон безовта кияпти, – гўшакдан титроқ аёл товуши эшитилди. – Сиз мени танимайсиз. аммо хозир жудаям ёрдамингизга мухтожман. Нима қилишимни билмай қолдим. Шунчалик кўрқяпманки... Нима қилишим кераклигига ақлим етмай қолди! – кичкира бошлади Енсон хоним.

– Сизга қандай ёрдам бера оламан?

Мен... менинг ҳаётимни химоя қилишингизни истайман.

– Унда нега полицияга мурожаат қилмадингиз? кизиксинди Майкл Шейн. – Ахир уларнинг имкониятлари мендан кўра кўпроқ-ку!

– Йўқ! – Аёлнинг овозидан унинг росмана жазавага тушгани сезилиб турарди. – Мен полицияга мурожаат эта олмайман. Ган Ральф хақида кетяпти. У мени ўлдиришни мўлжаллаб юрибдимикин, деб чўчияпман. Жаноб Шейн, илтимос, ҳаммасини тушунтириб бергунимча эшитинг. Агар сиз бугун кечкурун бизникига келолганингизда эди...

– Афсус, Енсон хоним, бугун кечкурун бандман!

Изкувар ўзининг ўта кескин гапириб юборганини биларди, аммо эри ўзини ўлдиришидан хавфсираб, доимо жазавага тушиб юрадиган вахимачи аёлларни ўлардек ёмон кўрарди.

– Балки режаларингизни ўзгартирарсиз? Мен истаган пулингизни берардим... Шунангги ёлғизман ва шунчалар кўряпманки... Эртагача кеч бўлмасайди, деб кўрқяпман.

– Агар хақиқатан ҳам хавф бор деб ўйлаётган

бүлсангиз... – истар-истамас гап бошлади Шейн, аммо Лаура Енсон унинг гапини бўлди.

– Ҳа, ҳа, хавф бор. Биз сохилда яшаймиз, – у Майами Бичдаги манзилини айтди ва шошилганча гапида давом этди. – Кечкурун соат саккизларда келинг, илтимос. Мен бир ўзим бўламан. Эримнинг кечкурун хизмат юзасидан учрашуви бор, у кеч қайтади. Сиздан канчалар миннатдорлигимни билсангиз эди...

– Аминманки, у буни билади, азизам! – аёлнинг гапини бўлди кўпол эркак овози.

– Ральф! – даҳшат ичра кичкириб юборди Лаура Енсон. – Сен параллел телефондамисан? Сени кетиб бўлгансан, деб ўйлагандим. Ахир машинагни юрғизаётганинг-ку?!

Ва, ниҳоят, сени кўлга туширдим-а! – ичи коралик билан қувониб хитоб қилди Ральф. – Мени уйда йўк деб ўйлаб, жазманингга учрашув тайинлаётганмидинг? Мен эса қайтиб келгандим... Салом, оғайни! Нима, тилингни ютиб юборганмисан, унинг ни чиқарсанг-чи! Эри уйда йўк аёлларнинг ёнига писиб келадиган сассик такага бир-икки оғиз гапим бор. Факат отингни билмайман...

– Майкл Шейн, – тўнғиллаб ўзини таништирган бўлди хусусий изқувар. – Агар меникига меҳмонга келсангиз, сиз билан жон деб гап сотишган бўлардим...

– Ўтинаман, керакмас! – даҳшатдан ўзини йўқотиб кичкирди Енсон хоним. – Ральф, бу сен ўйлаган нарса эмас! Мен жаноб Шейнга кўнғирок қилганимнинг сабаби, шунчаки...

– Сен унга нега кўнғирок қилганингни биламан. Соат саккизда, менинг қорам ўчганида келишини илтимос қилдинг... Шейн, ҳалиям эшитиб турибсанми?

Менинг уйимга кадам босмаслигининг маслаҳат бераман. Бугун ҳам, эртага ҳам, видинга ҳам. Тушуняпсанми мени?

Енсон хоним, мен кечкурун соат саккизда кутинг, хотиржамгина деди Майкл Шейн.

У гўшакни кўйди ва башарасини буриштирганча, айланувчи ўриндикнинг суяичиғига ўзини ташлади. У жа заваси тутадиган хотинларни канчалик ёмон кўрса, параллел телефон орқали уларнинг гапини пойлайдиган эрлардан шунчалик нафратланарди.

Кечкурун, соат етти яримларда Майкл Шейн ўзининг Майамидаги уйида коньякни аста сипқориб ўтирарди. Телефон жиринглади. У узун кўлини чўзиб, гўшакни кўгарди ва кулоғига яқинлаштирди:

Шейн эшитади.

– Жаноб Шейн, мен эндигина сизга кўнғироқ қилиш имконини топдим! – Лаура Енсоннинг овозини Майкл дархол таниди. Ральф ҳозиргина жўнаб кетди. Мен иккинчи каватдаги телефондан гапиряпман ва унинг машинаси катта йўлдан пасга тушиб кетаётганини кўряпман. Аммо у яширипча уйга қайтиб келиб қолишидан кўркаман. Агар у уйга қайтиб келганида, сизни учратса, нималар қилиши мумкинлигини билмайман. Шунинг учун ҳам келмай кўя қолинг, демокчи эдим.

– Айнан шунинг учун ҳам боришим керак. Мен сизнинг эрингиз билан танишмоқчиман.

– Сиз Ральфни билмайсиз-да! Унга сизнинг кимлигингизни айтиб беришимга тўғри келди. Унга хиёнат қилмаётганимга ишонтириш учун қанчалар куйиб-пишганимни билсангиз эди...

– Менга нима учун кўнғироқ қилганлигингизни

эрингизга айтдингизми? – кескин сўради Шейн.

– Ҳа. Бунақанги кўркув ичра яшашни истамайман. Унга ҳаммасини айтиб бердим.

– Унда боришим шарт экан. Мен ярим соатдан кейин етиб бораман, Енсон хоним.

Майкл Шейн тўғондан ўтди ва йигирма дақиқадан сўнг Оуэйн катта йўлига етди, кейин Енсонларнинг уйига элтувчи шағал ётқизилган илонизи йўлга ўтди. Икки каватли уй жарликнинг чеккасида, шундоқкина океан киргоғида жойлашганди. Уйнинг ёнгинасида йўл иккига ажралган бўлиб, биттаси иккита машинага мўлжалланган гаражга, иккинчиси шундоқкина уй эшиги олдидаги зинага тақалганди.

Шейн кўнғирок тугмачасини босди. Эшикни ҳаворанг чийдухоба кўйлак кийган баланд бўйли корасоч аёл очди.

– Жаноб Шейн, – шоша-пиша гап бошлади Лаура Енсон. – Уйимизга киришингизнинг хожати йўк, деб ўйлайман. Бугун Ральф нималар деганини ўзингиз эшигингиз-ку! У жудаям рашкчи. Доим менинг хиёнат қилишим мумкинлигидан гумонсирайверади ва ўзини қайраб, қутуриб кетади.

– Барибир уйингизга киришим керак, – бош чайкади изкувар. – Сиз кундузи бошқача гапиргандингиз!

У қатъият билан олға интилди ва Енсон хоним беихтиёр ортга тисарилиб, унга йўл берди. У бўғик овозда хитоб қилганча кафти билан юзини беркитди ва бутун вужуди титраганча қалин гилам тўшалган меҳмонхона томон тисарилди. Уй бекаси олди очик ўчоқ – камин қаршисида турган чуқур ўриндиққа ўзини ташлади.

Шейн эшикни ёпди ва аста меҳмонхонага кирди. У

шляпасини стулга ташлади ва диванга ўтирди. Индамай тамаки тутатиб, кута бошлади. Нихоят, Лаура қаддини ростлади, шахло кўзлари кўз ёшларидан ялтираб кетди. У жилмайишга уриниб кўрди, аммо бу уриниши баттар аянчли чикди.

– Барибир келганингиздан хурсандман, – тан олди аёл. – Ральф мени жинни килади-ёв... Менимча, жахли чикқан вақтда у мени ўлдириб қўйса керак.

Унда ажрашиб қўя қолинг, маслаҳат берди Шейн. – Сизга хусусий изкувар эмас, балки адвокат керак.

Аммо мен уни севаман, – тушунтирди аёл. – Унинг рашк қилиш учун сираям асоси йўқ. Менимча, биз илгаригидек яшашимиз мумкин. Шу сабабли ҳам мен хусусий изкувар хақида ўйлаб қолганим. Агар сиз менинг ортимдан кузагсангиз... «дум» қўйиш дейилади, шекилли, сизларда? Хуллас, бир печа ҳафта давомида эрим менинг нималар килаётганимни, кимлар билан учрашаётганимни билса... Балки ўшанда унга вафодор жақлигимни билармиди, дейман-да?

– Эҳтимол, аммо бунақанги ҳаётни бахтли деб бўлмайди-да, Енсон хоним. – малласоч изкувар хўмрайди ва ўйга толганча нягини ишқалади. – Агар сўзларингизни тўғри тушунган бўлсам, сиз узлуксиз кўркув ичра яшайсиз...

– Мен... мен билмайман. Балки сизни келишга ундаб, хавфни сал бўрттириб юборгандирман...

Айни шу вақтда столча устидаги телефон қаттиқ жиринглади. Иккинчи жиринглашдан сўнггина Лаура гўшакни кўтаришга журъат этди. У худди ток ургандек титраб кетди. Кўзлари билан Майкл Шейнни топиб, унсизгина яқинроқ келишга ишора қилди.

Новча изкувар икки хатлашда хонани кесиб ўтди. У ганиш чинкирок товушни таниди.

– Йўк, Ральф, - хириллаганча жавоб кайгарарди бу вақтда Лаура. - Айтяпман-ку сенга, у бу ерда эмас. Мен ёлғизман.

– Мен сенинг бир оғиз ҳам гапингга ишонмайман. Сен ҳар кадамда мени алдайсан. Анави исковуч итингга айт, менинг уйимдан қорасини ўчирсин!

Майкл Шейннинг кўзлари таҳдидли чакнади.

К...
тортиб олди ва жаҳл билан деди:

– Майкл Шейн гапиряпти. Тезроқ уйга қайтиб келишингизни ва ҳаммасини хотиржам гаплашиб олишни таклиф қиламан. Шунда менинг таърифимдан мақсад нелигини ҳам билиб оласиз.

Изкувар шундай деб, гўшакни жойига тақлади. Лаура даҳшат ичра ичраганча ундан нарироқ сурилди.

– Йўк, йўк! Сиз бундай қилмаслигингиз керак эди. Энди у икковимизни ҳам ўлдирishi аниқ. Сиз Ральфни сираям билмайсиз-да! Илтимос, тезроқ бу ердан кетинг!

Аёл шундай деганча, изкуварни эшик томон итара бошлади. Шейннинг ковоғи уюлди, ёнокларида ва пешонасида чуқур ажинлар пайдо бўлди. У бу ерда қолса, ҳеч нарсага эришолмаслигини тушуниб етди. Агар ҳозирок бу ердан кетмаса, аёлнинг жазаваси тутиб қолгани мумкинлигини изкувар тушуниб етди. У эшик ёлдига етганида шляпасини кийди ва бўғик овозда деди:

– Бўғги, Енсон хоним, мен кетаман. Аммо нима бўлганда ҳам эрингиз билан кўришаман ва уни йўлга солишнинг иложини топаман.

Майкл Шейн чуқур нафас олди ва шошилмайгина

машинаси томон юрди. У Ральф Енсоннинг кайтишини катта йўлда кутиб туришга қарор қилди. Чунки у Лаурани қаҳр-ғазаби қайнаган эри билан ёлғиз қолдирмасликка қарор қилганди.

Малласоч изкувар машинани юрғизгани ҳамони уйда ўқ овози янгради. У тўппончасини олиб, машинадан сакраб тушиши учун бир неча сониягина кифоя қилди. Кириш эшиги ёпиқ эди. Қулфни иккита ўқ билан бузиш учун яна бир неча сония кетди. Ниҳоят эшик очилди ва у уйга югуриб кирди.

Лаура Енсон гиламда ётарди. Унинг пешонасидаги яра қорайиб туради. Шейн бир қарашдаёқ аёлнинг ўлганлигини тушунди. У зина ёнидаги йўлак бўйлаб югуриб кетди. Ошхонага югуриб кираркан, орқа эшик ланг очик эканлигига кўзи тушди.

Шундоқкина эшик тагидан бошланадиган зинапоаялар океан томон олиб борарди. Қирғоқда ҳеч кимса йўқ эди. Шейн қотил ўнг тарафга бурилган бўлиши мумкинлигини тушунди. У ерда, Енсонларнинг ерига улашиб кетган ҳудудда океан томон олиб тушадиган камбаргина йўл бор эди. Агар қотил машинасини ўша ерда қолдирган бўлса борми... Ҳали изкувар ўйини ўйлаб тугатмасиданок, жадал узоклашаётган машина чирокларини кўрди.

Майкл Шейн шошилмайгина меҳмонхонага қайтди ва полицияга қўнғирок қилди. Кейин чирокларни ёқди ва ошхона билан кутубхонани синчиклаб текшира бошлади.

Тенада уй соҳибларининг ётоқхонаси жойлашган бўлиб, иккита қаравот ўртасида устига телефон қўйилган столча турарди. Ётоқхона деразалари океан тарафга қараганди. У Енсон кундузи ётоқхонага қандай

чиккани ва ўзи билан сўзлашаётган Лауранинг гапларини пойлаганини тасаввур қилди.

Меҳмонларга аталган иккита кичикрок ҳона бўм-бўш эди. Қалин чанг қатлами бу ерга анчадан бери одам кирмаганлигидан далолат берарди. Кейин у биринчи қаватга тушди ва зинапоя олдида ушланиб қолди. Йўлакдаги шкафнинг ёнида ётган ёрқин мис гильзада чирок нури акс этади. Шу жойдан у Лаура Енсонни кўрди. Афтидан, котил аёл меҳмонхонага қайтган пайтда, қоронғи йўлакдан туриб отган бўлса керак... Майкл беихтиёр сўқиниб юборди. Агар у кетмаганида борми...

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, уй олдида машина тўхтади. Машина эшиги қаттиқ ёпилди ва зиналардан тез кўтарилаётган қадам товушлари эшитилди. Йўлакка ўрта ёшлардаги новча, думалок юзлари жаҳлдан қийшайган гавдали эркак отилиб кирди. Лауранинг жонсиз жасадини кўриб, у бир зум жойида тек қотди.

– Шейн! – хитоб қилди у таниш чинкироқ овозда. – Сиз... эй, Худойим-ей, сен уни ўлдирдингми?!

Унинг кўзлари қонга тўлди. Нак кетмондек келадиган қўлларини мушт қилганча, изқувар томон бостириб кела бошлади.

– Ўзингизни босинг, Енсон, – огоҳлантирди Шейн. – Мен уни ўлдирганим йўқ. Мен уйдан чиққанымдан сўнг хотинингизни отиб кетишди.

– Шу гапларингга мени ишонади деяпсанми?! – ўшқирди Енсон лабларидан кўпик сачратиб. – Сени ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман!

– Ҳозир полиция етиб келади ва ҳаммасини ўзи ойдинлаштиради...

Майкл хар эхтимолга қарши чўнтагидан тўппончасини чиқарди.

– Мен полицияни кутиб ўтирмакчи эмасман! – Ральф шундай деганча тўсатдан Енсон томон сакради.

Шейн ёни томонга бир кадам босди ва тўппонча кўндоғи билан Енсоннинг бошига енгилгина бир урди. Енсон деворга урилди, сирғалиб полга ўтириб қолди ва бошини саранглата бошлади. Кейин ўрнидан турмушга уринди.

– Урнингиздан турмаганингиз маъқул, Енсон... Нима учун сизга ишлашимни истамадингиз?

Полиция машиналарининг чиқириши эшитилди. Ральф Енсон секин ўрнидан турди ва паст овозда деди:

– Мен Лауранинг кўнглини оғритолмасдим. Мен уни севардим.

– Ва, шу тарика ўз севгингизни қойилмаком қилиб исботладингиз...

Майкл Шейн котилликларни тергов қилиш бўлими мудирини ва унинг одамларини ичкарига киритиш учун четга сурилди.

Шейн? – хайрат ила хитоб қилди Питер Пейнтер. У ёнидаги полициячига ўғирилди. – Унинг қуролини олиб кўйинг, сержант... Уни нега ўлдирдинг, оғайничалиш?

– У хотинимнинг жазмани экан! – жон-жаҳди билан ҳайқирди Енсон. – Улар анчадан бери учрашишаркан. Лаура у билан алоқасини узмокчи эди. Балки у уйга кириб олиб...

Майкл заҳарҳандали илжайганча, қуролини сержантга узатди. Ҳамон тупук сачратаётган Ральф Енсонга парво ҳам қилмай, хотиржамгина диванга ўтирди.

Ишингизни килиб бўлганингиздан сўнг, барини гапириб бераман. Мана шу хонани ҳисобга олмаганда, бошқа ҳеч қаерда ҳеч нарсага қўл теккизганим йўқ. Шундай экан, уйдаги бармок изларини бемалол текширишингиз мумкин. Қотил менинг кетишимни тепада кутиб ўтирган экан. Йўлакда гильза ҳам етибди. Афтидан қотил ўша ерда туриб отган бўлса керак. Мен кулфни бузиб кигунимга қадар, қотил орқа эшикдан кочиб чиқиб кетишга ва машинасида жуфтакни ростлашга улгурибди.

Пейнтер бош ирғади ва ўз одамларига йўл-йўриқлар кўрсата бошлади. Шейннинг меҳмонхонада кутиб ўтиришини буюрди, ўзи эса Ральф Енсондан гувоҳлик ола бошлади. Полиция шифокорининг айтишича, 32-калибрли тўппончадан отилган ўқ мияга теккан. Йўлакдан топилган гильза 32-калибрли тўппончаники эди.

Орадан ўн дақиқача ўтгач, Питер Пейнтер меҳмонхонага қайтди.

– Демак, сен жонингга теккан аёллардан шу тарика кутула бошлабсан-да?

Менинг тўппончам 38-калибрли, – хорғин оҳангда деди Шейн. – Унинг барабанида иккита ўқ йўқ. Уларнинг гильзалари кириш эшиги олдида думалаб ётибди. Мана шу хонадан бошқа ҳеч қаерда менинг бармок изларим йўқ. Сизга маслаҳатим шуки, орқа эшик ва кўчадаги зинаноя панжараларидаги бармок изларини текширинглар ва ҳақиқий қотилни излаш билан шуғулланинглар.

Питер Пейнтер индамай йўлакка чиқиб кетди. Орадан бир дақиқа ўтгач, у мамнун ҳолда қайтиб кирди ва бармоқлари билан мўйловини силаб қўйди.

Бу сафар кармоққа тушдинг, Шейн. Енсон хоним билан дон олишиб юрганингни ва у сендан воз кечганидан сўнг аёлни ўлдирганингни тан олавер. Ральф Енсон барини айтиб берди. У хотини бугун кечкурун сен билан учрашмоқчи бўлганлигини эшитиб қолибди. Енсон хоним бу сўнгги учрашувингиз бўлиши хақида қасам ичибди. Шейн, жиноят юз берган жойда сен ёлғиз ўзини бўлгансан... Хўш, балки ҳаммаси қандай юз берганини айтиб берарсан? Турган гапки, иккита тўшпонча олиб келишга сенинг ақлини етган, 32-калибрли тўшпончангни эса аллақачон океанга улоктириб юборишга улгургансан. Эргага биз уни излаб тонамиз.

У эридан кўрқарди, – қайтарди изкувар. – Ахир у нега кўнғирок қилганини тушунтирдим-ку!

– Тўғри, сен бизга ҳаммасини жуда чиройли қилиб айтиб бердинг... Демак, сен эрини айблаясанми? – илжайди Пейнтер. – Аммо у котиллик юз беришидан икки дақиқа олдин сенга Бешинчи авенюдан кўнғирок қилган ва ўзинг ҳам буни тасдиқладинг. Ахир у билан телефонда сен гаплашгансан ва овозини танигансан-ку? Демак, унинг айбсизлигини исботловчи исбот, яъни алибиси сенинг ўзингсан, – хиринглаб кулди полициячи. – Унинг алибисини тасдиқлайдиган ягона одам сен эдинг.

– Тўхтаг-чи! Майкл Шейн ўрнидан кескин кўзғалди ва ўзининг чап қулоғини тортқилади. – Телладаги бармоқ изларини ким текширди?

– Менимча, Хсклмэн бўлса керак. Нима эди?

– Уни чакиринг! – ўшқирди малласоч изкувар.

Питер Пейнтер елка қисди, аммо ўгирилиб, чакирди:

– Хек, бу ёкка кел!

– Иккинчи каватдаги телефонни сиз текширдингизми? – мурожаат килди Шейн экспертга.

– Ха. Ундан факат Енсон хоним ва жаноб Енсонларнинг бармоқ излари топилди, холос.

– Улар қандай тартибда жойлашган? – Шейн

колди.

– Жаноб Енсон фойдаланган. Енсон хонимнинг бармоқ излари эрининг бармоқ изларидан кичик кесман қолиб кетган.

– Шундай бўлишини ўзим ҳам билгандим, – жahl билан бош ирғади Майкл. Енсонни олиб келинг, Пейнтер, ана шунда мен у ўз хотинини қандай қилиб ўлдирганини ва мендан ўз гуноҳсизлигини тасдиқлайдиган алиби сифатида фойдаланганини айтиб бераман.

– Эсинг жойдами сени? Агар у кўшни уйдан кўнғирок қилганида ҳам унинг югуриб келишга ва хотинини ўлдиришга вақти етмаган бўларди.

– Енсон кўшни уйдан кўнғирок қилмаган. У иккинчи каватдаги параллел телефон оркали кўнғирок қилган. Ральф Енсон етти яримда кетган, машинани йўл бўйида қолдирган ва билдирмайгина уйга қайтиб келган. Сизга нималар деганими эсланг. Енсон хоним иккинчи каватдаги телефондан кўнғирок қилаётганини айтганди. У мен билан гаплашаётиб, эрининг машинаси катта кўчага тушиб бораётганини кўрган эди. Агар эри ростдан ҳам кетган бўлса, унда қандай қилиб унинг бармоқ излари тепада бўлиб қолади? Енсон билдирмай уйга кирган, иккинчи каватдан кўнғирок қилган ва шу тарика ўзи учун алиби яратган.

– Аммо бундай бўлиши мумкин эмас, – каршилиқ кўрсатишга урилиб кўрди Пейнтер. Параллел телефондан ўзининг рақамига кўнғирок килиш сираям мумкин эмас.

– Бу найрангни эндигина иш бошлаётган изкувар ҳам биледи. Тўғри, телефон компаниялари буни сир сақлашга урилишади, аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди-ку! Ҳар бир компаниянинг муайян рақамлар термаси мавжуд бўлиб, улар бўйича параллел телефон орқали кўнғирок килиш мумкин.

Малласоч изкувар дадил телефонга яқинлашди, қандайдир рақамларни терди ва гўшакни қўйди. Бир сония ўтиб, телефон жиринглади. То Пейнтер гўшакни кўтармагунича у жиринглашдан тўхтамади.

– Тенага чиқиб, бошлиғингизга кўмаклашинг, – Хеклмэнга буюрди Майкл Шейн. – Ҳа, айтганча, Енсонга қўлкишанларни тақишни унутманг!



Генри СЛЕЗАР



Генри Слезар (Слизар, Слесар) америкалик ёзувчи, драматург, сценарист бўлиб, О.Г.Лесли, Жэй Стрит каби тахаллуслар остида ҳам ижод қилган.

Слезар 1927 йили 12 июнда АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Бруклин шаҳрида туғилган. Унинг оти-онаси Россия ва Германиядан кўчиб келган муҳожирлардан эдилар.

Ўрта мактабни тугатгандан сўнг, у сценарист сифатида иш фаолиятини бошлаган. 1955 йилдан бери детектив, илмий фантастика, мистика, триллер жанрларида юздан ошиқ кичик хикоялар ёзган. Шунингдек, Альфред Хичкокнинг «Альфред Хичкок намойиш этади» сериали учун бир нечта сценарийлар ҳам ёзган.

Биринчи романи «*Gray Flannel Shroud*» (1958) учун Эдгар Аллан По мукофотиغا сазовор бўлган. 1974 йили «*The Edge of Night*» (1956–1984) номли телесериали учун Эмми мукофотини олади, 1977 йилда эса яна ижоди учун Эдгар Аллан По мукофоти берилади.

2002 йили операциядан кейинги исоратлар оқибатида Нью-Йорк Сити (АҚШ, Нью-Йорк)да вафот этади.

ҲИСОБ ҚОҒОЗИ

Беверли Хазард хўжалик бошқарувчисининг хизматидан фойдалана бошлаганидан сўнг, унинг мулкини созуришга ишқибоз эри Южиннинг дарди-дунёси қоронғи бўлиб кетди. Ҳавойи ҳаёт кечиришни ёқтирадиган, хотинининг давлатини созуриш учун учун ажабтовур усуллар ўйлаб топишга уста ва бунинг учун заррача виждон азобини ҳис этмайдиган эрнинг гуллаган даври-даврони гугагани аниқ эди.

— Бундан-да ўтиб тушадиган аҳмоқликни ҳали кўрганим йўқ эди, — тўнғиллади Южин хотинига. — Тўловларимизни тўлагани ҳам майли-я, аммо мени қундалиқ харажатлар учун пул сўрайдиган ёш боланинг аҳволига тушиб кўйиш инсофданмикин?

— Менинг барча дўстларим уни макташяпти, — бепарвогина деди Беверли дала ҳовлисидаги йигирма саккизта кўзгулардан бирининг олдида пардоз қиларкан. — Улар жаноб Д. жудаям ақлли бошқарувчи эканлигини таъкидлашяпти.

Жаноб Д. (унинг тўлик исми Дюпре эди) шунчалик ақлли эдики, биринчи учрашувидаёқ Южинни ўзига душман қилиб қўйди. У Южинга қалин ойнали қагтакон кўзойнақлари ортидан бир қур кўз ташлади-да, унинг малларанг мўйловларига тикилиб қолди, кейин деди:

— Кам деганингиз нимаси? Менимча, ҳар қандай эркакнинг бир ҳафталик харажати учун юз доллар етади.

– Бу чўнтакка боғлик, – менсимай сўз котди Южин.
– Менинг чўнтагим эса чукур. Шу туфайли менга кўпрок пул берилишини истайман.

– Афсус, – деди жаноб Д. катъий равишда. – Бу борада сизга ёрдам беролмайман.

– Бунинг учун сизга ким ваколат берган?

– Мени ишга ёллаган одам, – шартта унинг гапини бўлди жаноб Д. – Жаноб Хазард, карши бўлмасангиз, мен ўз ишларимни бажаришга тутинсам. Котибам сизга бир ҳафталик харажатлар учун чек ёзиб беради.

Орадан икки кун ўтгач, Южин жаноб Д.га кўнғироқ килди:

– Менга яна юз доллар керак. Чек олсам бўладими?

– Бу пулни нимага сарфламоқчисиз?

– Бунинг сизга умуман дахли йўқ.

– Кечирасиз, жаноб Хазард, пул нега керак бўлиб қолганлигини айтмас экансиз, унда сизга ёрдам беролмайман.

– Барнинг ҳисоб коғози сизни кониктирадими? – деди Южин ғижиниб. – Менинг клубимдаги бар...

– Мен сизнинг барча тўловларингизга пул ўтказаман. Клубнинг тўлов коғозларини менга жўнатишларини сўранг.

– Нега тушунмайсиз, ахир мен тўловни амалга оширмагунимча, улар менинг гапимга кулок ҳам солишмайди-ку!

– Ундай бўлса, уйда ичинг, – бепарво оҳангда деди жаноб Д.

Южин унинг маслаҳатига амал килди. Беверли кечкурун уйга қайтганида, эрини ажабтовур машғулот

устида учратди: у бирон жойда эсан чикиб қолиб кетган пулларни топиш мақсадда урни бошдан-оёқ тинтиб чиқаетганди.

Вазият кундан-кунга ёмонлашарди. Беверли оиласининг моддий аҳволи яхшиланаётганидан мамнун, Южин эса пулсизлик гуфайли ўзини шунчалар ночор ҳис этардики, беихтиёр касос олишнинг турли мудҳиш усуллари ҳақида ўйлаб қоларди.

Бир кун Южин ҳагто оммавий кутубхонага киришгача етиб борди унинг нархи қанчалар арзонлигини эшитиб, жаноб Д. бу ишни маъқуллаши аниқ эди. Южин ўқув залида ўтирганча, «Жиноятларни умумий синфлаштириш» номли китобни берилиб ўкиб чиқди, аммо бошини қотираётган саволга жавоб топа олмади.

Қулай вазият икки ойдан кейингина пайдо бўлди. Чанғида сайр қилгани кетган Беверли ўлкасини шамоллатиб келди. У оғир аҳволда ётиб қолди, бу вақтда Южин эса жаноб Д. фаолиятининг барча оғирлигини ўзида синаб кўрди.

Южинда хотинини бўғиб ўлдириш истаги борган сари кучаяр, аммо унинг бўйнида из қолдирмай буни амалга оширишини иложи йўқ эди. Демак, Беверлининг касалига мос келадиган бошқа оддийроқ ва хавфсизроқ йўлни излаш лозим эди. У кутубхонадан «Қотилликлар ва уларни тергов қилиш» китобини олди-да, «А» харфидаги «Асфикция» мақоласини ўқий бошлади: «Бўғилган, осилган ёки газ билан захарланган пайтдаги асфикция белгилари кўпгина касалликлар, айтайлик, ўпка шамоллашидаги касаллик белгиларига

Ўхшайди: шиллик каватлар сиёхранг-кулранг тусга киради, бармоқлар ва тирноқлар, лаблар кўкариб ёки ҳатто қорайиб кетади. Одатда жабрдийданинг жонига қасд қилинганлиги билинмайди. Шу сабабли ҳам асфиксия ҳолатлари тергов қилинганда, бошқа – нисбатан яққолроқ ва аниқроқ белгиларга таянишга тўғри келади...»

Жума кунин кечкурун, хотинин иккинчи каватдаги ётоқхонасида ухлаётганида, Южин хизматкорларини дам олиш учун уйларига жўнатиб юборди. Шанба кунин эрталаб эса у нонушта тайёрлаб хотинига олиб келди. Беверли хайрон бўлди:

– Нима гап, тинчликми, Южин?

– Азизам, наҳотки сени ўз қўлим билан овқатлантириб қўйишимни истамасанг?

Беверли худди ёшгина келинчак сингари тентақона хиринглаб кулди. Южин хотинининг сўнгги тонги чиройли кечаётганидан мамнун эди.

У хотинин барча дориларинин ичиб бўлгунича ҳолдан тойиб, яна кагтик уйқуга кетганидан сўнг, соат ўнларда хонадан чикиб кетди.

У ярим соат ичида пастки ва тепадаги барча деразаларни текшириб чиқди. Уйнинг орқасидаги айвончага элтадиган эшикнинг тагида кагтагина тешик бўлиб, ундан ичкарига тоза ҳаво кириб турарди. Южин тешикни сочик билан беркитди, кейин газ плитаси ёнига келиб, қоп-қора ялтироқ дастакни охиригача кагтик буради. Бурнига газнинг ўткир хиди урилди, аммо у котил-газ ўз ишинин амалга оширгунига қадар Беверлининг хонасигача анча йўл босиши

кераклигини яхши биларди. У эса бунинг учун бир кун вақт беради.

Южин олдиндан тайёрлаб қўйган портфелини олди ва кичикрок автомобилда шаҳар томон йўл олди. У меҳмонхонада тунаб қолди ва якшанба кун кечга томонгина уйига қайтди, кириш эшиги олдида сигаретини ерга ташлаб, пошнаси билан яхшилаб эзғилади, эшикни ўзининг калити билан очди ва уйига кирди.

Қуюқ ва сассик газ булутни уни бошдан-оёқ ўраб олди. У бурнини дастрўмоли билан тўсганча, Беверлининг ётоқхонасига зўрға етиб олди. Хотини у кеча эрталаб кетаётганида кўрган алфозда ётарди. Фақат энди Южиннинг қайтиши уни уйғотгани ҳам йўқ...

Энди Южин атрофдагилар Беверлининг ўлимига қандай муносабатда бўлишларини ўйлаб ташвишлана бошлади. Аммо шубҳалар ва совук нигоҳлар ўрнига хайрихоҳлик ва ҳамдардликларни эшитиб, кўнгли жойига тушарди.

Тўғри, ҳамдардликлар ва далдалар жаноб Д.нинг муносабатига мос тушмасди, аммо Южин бунга олдиндан ҳозирланганди. Дафн маросимидан сўнг уч кун ўтгач, у бошқарувчига ишдан бўшатирилганлиги хақидаги қисқагина билдиришнома жўнатди. Жаноб Д. Южинга кўнғироқ қилди ва деди:

– Маълумингиз бўлсинким, жаноб Хазард, айти пайтда сиз менинг хизматимга кўпроқ мухтожсиз. Сиз ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўришингиз керак.

– Мен аллақачон ҳаммасини ўйлаганман, – деди

Южин ўз таптанасидан лаззатланиб. – Сиз бўшсиз, ошна.

– Барча ишларни тартибга келтириб кўйишим учун бир ой муддат керак бўлади.

– Яхши, сизга бир ой вақт бераман. Аммо эсингизда бўлсин, ошна, ҳозир сизнинг хўжайинингиз – менман. Биринчи бўлиб эса менга беш минг долларга чек беришингизни истайман.

Бу пуллар Южинга хос бўлган топкирлик билан ҳавога совурилди. У Бермуд оролларида дам олишга йўл олди. Етиб боргач эса, кўлидаги никоҳ узуги, мотам боғичини ечиб ташлади ва бу ерга ташриф буюрувчи бойвачча бўйдоқларнинг одатларини ўрганишга киришиб кетди. У Бермуд оролларида қанчалик мазза килиб дам олганини тасвирлаб ўтириш шартмикни?

Орадан икки кун ўтгач, у энгида мотам боғичи ва кўлида никоҳ узуги билан қайтиб келди. У уйига келганидан сўнг, бир соат ўтар-ўтмас округ прокурори маҳкамасидан икки кимса ташриф буюришди.

– Тушунмадим, – деди Южин. – Сизлар билан бирга боришимни истаяпсизми? Нега, ахир?

– Бу сизнинг хотинингизга тааллуқли, – деди ташрифчилардан бири. – Жаноб Хазард, биз сизга хотинингизнинг ўлимига тааллуқли бир нечта савол бермоқчимиз.

Южин қалтираб кетди. Гарчи бундай қилиш керакмаслиги, бу билан ўзини сотиб кўйиши мумкинлигини билса-да, у ўзини сира қўлга ололмасди. Энди округ прокурорининг ўзи унга қарши чиқяпти. Южин чидаёлмади ва беихтиёр қичкириб юборди:

Жаҳон адегистини дурдоналари

Мен унинг ўлимига даҳлдор эмасман!

– Сизнинг даҳлингиз бор деб ҳеч ким айтгани йўқ хали.

– Унда нега мени сўроқ қилмоқчисизлар?

Келганлар елка қиснишди:

– Тушуняпмиз, жаноб Хазард, сиз Бермуд оролларида бўлиб келгансиз.

– Мен дам олишга мухтож эдим.

– У ерда яхши дам олдингиз, деб эшигдик.

– Балки мен ҳаммасини унутишга ҳаракаат қилаётган бўлсам-чи... Умуман олганда, мен Бермуд оролларида нималар қилганимнинг сизларга сираям даҳли йўқ!

– Турган гапки, сиз ҳақсиз, жаноб Хазард. Бу бизнинг ишимиз эмас. Агар бунинг ортида жиддийроқ бирон нарса бўлмаса, албатта. Айтайлик, котиллик...

– Беверли зотилжам билан оғриганди! – кичкирди Южин. – У ўпка шамоллашидан ўлди. Менин бунга нима даҳлим бор?

– Уни рихлатга равона қилишнинг бошка йўллари ҳам бор эди, – аниқлаштирди округ прокурори. У стол узра эгилди ва наст овозда шивирлаб давом этди. – Биз эса сизнинг қандай йўлни танлаганингизни биламиз, жаноб Хазард. Сиз уни газ ёрдамида ўлдиргансиз, тўғрими? Газни охиригача очиб қўйгансиз ва хотинингизга нариги дунё чиптасини тутқазгансиз. Тўғрими?

Южин гўсатдан асфиксия белгиларини ўзида ҳис эта бошлади: лаблари кўкарди, томоғида қаттиқ санчик турди ва хушидан кетди. Ўзига келганидан сўнг, сўради:

– Худо ҳаққи, буни қандай билдини из?

У ўзининг иқрори ҳужжатлаштирилиб, тагига имзо кўйганидан сўнггина, саволига жавоб олди.

– Ростини айтганда, биз бунга мутлако шубҳа қилмагандик, жаноб Хазард. Бизда сизни қотилликда айблаётган Дюпре исмли одамнинг кўрсатмалари бор. Сиз уни танийсизми?

– Жаноб Д.?! – Южин яна нафас ололмай қолди.

– Ҳа, ўзингизнинг бошқарувчингиз. У сиз билан хотинингизнинг муносабатларингиз ҳақида билганларини бизга айтиб берди. Аммо гап бунда эмас. Ишдан бўшаши олдидан, қоғозларингизни кўриб чиқаётиб, у жуда қизик ҳужжатга дуч келибди.

– Нима экан у? Нима?! - беихтиёр қичқириб юборди Южин.

– Газ учун тўлов қоғозингиз. Тўлов қоғозидаги рақам жудаям катта эди. Сиз шу пайтгача тўлаган тўловлар ичида энг каттаси. Шунчалик кўп газ ишлатилишига нима сабаб бўлган экан, деб ўйладик... Ва, ўзингизбу саволнинг жавобини тўғри топганимизни тасдиқладингиз.



Дональд УЭСТЛЕЙК



Америкалик ёзувчи ва киносценарийлар муаллифи Дональд Уэстлейкнинг ҳақиқий исми-шарифи Дональд Эдвин Эдмунд Уэстлейк (1933–2008). Таҳаллуслари: Жон Б. Аллен, Тимоти Ж. Калвер, Морган Ж. Каннингэм, Жадсон Жек Кармайкл, Курт Кларк,

Такер Коу, Ричард Старк, Шелдон Лорд, Аллан Маршалл, Эдвин Уэст, Сэмюел Холт.

Дональд Уэстлейк Нью-Йоркнинг Бруклин туманида, ирландиялик Лиллиан ва Альберт Жозеф Уэстлейклар oilасида дунёга келган. У 1950 йилда Платтсбург шаҳри (Нью-Йорк штати)даги Чемплейн коллежига ўқишига киради. Кейин Бингхэмтондаги Харнур коллежи (ҳозирги Нью-Йорк штати университети)да ўқиб, филолог касбини эгаллайди.

1960 йили «Ёлланма қотиллар» номли биринчи романи дунё юзини кўрганидан кейин адиб ҳар йили иккитадан роман чоп эттиришига киришади. 1996 йили июлда Бингхэмтондаги Нью-Йорк штати университетининг фахрли адабиёт профессори уивонига сазовор бўлган. Адибнинг етти нафар фарзанди бор.

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Мен тўппонча ғилофини чап кўл томондаги камаримга тақаётганимда, Гарри меҳмонхонага қайтиб келди.

– Бу ишни қўй, Ральф, – деди у.

– Нимани қўяй? – сўрадим мен. – «Қўй» деганинг яна нимаси?

У пальтосини ечиб, каравот устига улоқтирди.

– Банк ёпик.

– Сираям ёпик бўлиши мумкин эмас, – эътироз билдирдим мен. – Бугун ахир сешанба-ку!

– Ахборотинг учун, сен ноҳаксан, – хабар қилди Гарри, кейин тўппончасини ғилофидан чиқариб, уни ҳам каравот устига улоқтирди. – Жудаям мумкин-да! Бугун ҳамма нарса ёпик бўлиши мумкин. Бугун – Гриффин куни!

– Қандай кун?

– Гриффин куни, кайтарди у, кейин тўппонча ғилофини ҳам камар билан бирга ечиб олиб, каравот устига отди. Кенни Гриффиннинг куни.

– Яхши. Таслим бўлдим, – тўнғилладим мен. Хўш, айт-чи, ўша «кенни гриффин»нинг ўзи нима?

– Нима эмас, ким! У – фазогир, – жавоб берди Гарри, қўйлагининг ёқасини бўшатаркан, кейин тап этиб ўзини ҳам каравотга ташлади. – У мана шу шаҳарчада туғилиб, ўсган. Бугун у кадам ранжида килар эмиш. Шаҳарликлар унинг шарафига тантанали кутиб олиш маросимини ташкил этишибди.

– Банк қаршисидами?

– Нима фарқи бор? – у тагидан тўппончани тортиб чиқарди. ёстиғини тўғрилади ва кўзларини юмди. – Банк барибир ишламайди-ку!

Мен бошимни эгиб, узоқдан элас-элас эшитилаётган оркестр мусикаси садоларига кулок тутдим.

– Жуда сертавозе бўлиб кетишибдимми?!

– Унга шаҳар калитини топширишмоқчи, – деди Гарри.

– Жуда ажойиб-да...

– Нутқлар, гул кўтарган болакайлар ва ҳоказо...

– Буларнинг бари шунчалар ажойибки, ҳатто кўнглим озай деярти!

– Ахир у орбитага чикиб тушган-ку! – деди Гарри.

– Қайтиб тушмай, қолиб кетаверса бўлмасмиди, – вайсадим мен.

– Эртага ишлаймиз.

– Биламан, – минғирладим мен. – Бугунги иш эртага колдирилганидан жаҳлим чикяпти-да...

Иш бундай тус олганига Гаррига нисбаган кўпроқ жаҳлим чиқаётганининг сабаби шундаки, бу ишни айнан бугун бажарилишини мен режалаштиргандим. Мен эса режам бузилишини ёки унга нимадир ҳалакит беришини сираям ёктирмайман. Ҳатто бу ўзгаришлар аҳамиятсиз даражада бўлса-да, коним қайнаб кетади. Айтайлик, бир ишни сешанба куни бажардинг нима-ю, чоршанба куни қилдинг нима, фарқи унчалик катта эмас.

Аммо бу бизнинг шаҳарчада ортиқча яна бир кун қолиб кетишимизни тақазо қилади, бу эса келгусида

бизни таниб қолишлари мумкинлиги учун имконият пайдо қилади. Самолёт чипталарини алмаштиришимизга тўғри келади, буни эса биронта фаросатлироқ мирза эслаб қолиши ҳеч гап эмас. Майамидаги меҳмонхонага бир кундан кейин етиб борамиз ва бу билан ўзимизга нисбатан диққатни тортишимиз мумкин. Ортиқча ташвиш чекадиган жойи йўқдек, аммо баъзан улкан қудратли кеманинг чўкиб кетиши учун кичкинагина тешик кифоя қилади. Болалигимда худди шунақанги сўзлар ёзилган плакатни кўрганман ва у менга жуда каттик таъсир қилганди.

Мен табиатан ташкилотчиман. Бу банк ва шу шаҳарчани мен ҳали режа дунёга келмасидан уч ҳафта олдин «аниқлаганман». Кейин режани ишлаб чиқиш учун беш кун сарфладим. Мен боскинни амалга оширишнинг тўғри усулини, оқилона вақтини, иш битгач жуфтани ростлаб қолишнинг энг мақбул йўналишини ва барча иқир-чиқирларни тўғри танладим.

Менинг эътиборимдан четда қолган ягона нарса - шу шаҳарчада туғилиб-ўсган фазогир ва у айни мен мўлжаллаган куни ватанига ташриф буюришни истаб қолиши бўлди, холос. Кейин мен Гарридан «Нима, у шунчаки қўнғироқ қилиб қўя қолса бўлмасмиди?» деб сўрадим...

Хуллас, биз ишни чоршанба куни амалга оширдик. Роппа-роса 2.54 да банкка кирдик, юзимизга никоб тортдик ва «Боскинчилик! Ҳеч ким жойидан қимирламасин!» деб бақирдик. Ҳамма турган жойида

котиб қолди. Мен банк ичидаги одамларни назорат қилиб турган вақтда, Гарри пештахта ортига ўтди ва сумкага пулларни тўлдирди бошлади.

Очиғини айтганда, режам чоршанбада ҳам сешанбадагидан кўра ёмонроқ иш бермасди. Ҳафтада уч кун: сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари соат 2.54 да банкда фақат учтагина ходим колар, қолганларнинг бари тушликка чиқиб кетишарди. Улар бунақанги кеч овқатланишларининг сабаби шундаки, одатда айни тушлик қилинадиган вақтда банкда одам дегани «қайнаб» кетарди. Аммо мен айтган кунлари соат 2.54 да банкда икки-учтадан ошаник миқдор бўлмас, бир неча марта текширсам ҳам, ўртача рақам биттадан сани ошаник чикарди. Масалан, ўғирликни амалга оширган кунимиз пештахта ёнида биттагина паст бўйли кекса хоним турар, кўчада қуёш қиздираётганига қарамай ёмғирда тутиладиган соябон кўтариб олганди.

Режанинг бошқа қисмлари ҳам чоршанбада сешанбадагидан кўра ёмонроқ ишламаслиги керак эди. Менинг текширувларимдан маълум бўлдики, светофорлар ҳар кунни бир хилда ишлар, самолётлар парвозининг жадвали ҳам ўзгармас, машиналар ҳаракатланадиган ҳалқа йўлдаги ҳаракат эса бошқа кунлардагидан сираям фарқ қилмасди. Шундай бўлса-да, мен бирон нарса режамга ҳалакит беришини сираям истамайман.

Соат бир минути кам учда, режадагидан кўра бир секунд вақтликроқ Гарри сумкани пулга тўлдириб бўлди. Соатнинг секундларни сановчи мили яна бир айлана ясағунига қадар биз эшик ёнига едик. Гарри

тўппончасини яширди, шартта никобни ечди, сумкани кўтарди-да, биз ўғирланган «форл»ни қўйган ўт ўчирувчилар қузури томон тез юриб кетди. Мен эса яна қирк сония кутишим керак эди. Мен жойимдан кимираммай ҳар тарафга аланглаб, соатларни, банкнинг уч ходимини, кампиршони ва машинага ўтираётган Гаррини кузатардим. Агар у машинани ўз вақтида ўт олдиросмаса, унда яна бир минут-у ўн секунд кутишимизга тўғри келади.

Аммо машина дарров ўт олди. Ўттиз бир секунддан кейин Гарри менга ишора қилди. Мен бош ирғадим, яна тўққиз секунд кутдим ва банк эшигидан ўкдай отилиб чиқдим. Никобимни бошимдан юлқиб олиб, тўппончамни жойига яширганча, ўн саккиз кадам юрдим ва машинага сакраб чиқиб олдим. Биз кўзғолдик. Бурчакда светофор турарди.

– Соатига йигирма икки миля, – дедим мен светофорнинг қизил чироғига қарарканман.

– Биламан, – жавоб берди Гарри. – Ташвишланма. Ҳаммаси эсимда.

Биз айнан чоррахага етиб келган онда яшил чирок ёнди ва машинамиз юришини секинлатмаёк қўшни кўчага ўтиб кетди. Орқага ўгирилканман, банк эшикларидан эндигина югуриб чиқаётган одамларни кўрдим.

Ўнг томонда, мавзенинг ўртарағидан хиёбон чўзилиб кетганди. Гарри охиста бурилди ва кенглиги машинамиздан салгина каттароқ кўчага кириб олди. Олдинда яна бир автомобиль турарди. Гарри тормозни босди, мен сумкани маҳкам ушладим ва биз бараварига

«форд»дан отилиб чикдик. Гарри капотни очди ва бир тўда симларни суғуриб олиб, яна капотни ёнди ва менинг ортимдан югурди.

Бу вақтда мен аллақачон иккинчи машинада ўтирар, ясама сокол ва қора кўзойнак тақиб, кепка ва баланд ёкали свитер кийиб олишга улгургандим. Гарри ҳам дарров ўз соқолини ёпиштирди, берет ва спорт бичимидаги яшил костюм кийди, кейин машинани юргизди. Мен соатнинг секундли милига қараб турардим.

– Беш, – дедим мен. – Тўрт, уч, икки, бир. Кетдик!

Биз хиёбон жойлашган кўчадан чикдик, чапга қайрилдик ва яна кизил чирок ёнгунига қадар светофорга етиб келдик, кейин чап томонга қайрилдик. Шу тарика ҳар сафар ҳам светофор ёнига ўз вақтида етиб борганча учта мавзени кесиб ўтдик ва автомобиллар ҳалқа йўлига олиб чиқувчи кўчага ўтиб олдик.

– Нўл кўрсаткичларига қараб бор, – лукма ташлади Гарри, – мен эса йўлга қарайман.

– Албатта, – бош ирғадим мен.

Қарийб ҳар бир шаҳарда шунақанги айлана ҳалқа йўллар мавжуд бўлади. Бу шаҳар ёнидан ўтиб кетаётган ва шаҳар чорраҳаларида вақт йўқотишни истамайдиган хайдовчиларгина эмас, балки шаҳарнинг бир қисмидан бошқасига тезгина етиб олишни истовчи маҳаллий аҳоли учун ҳам жуда қулайдир. Бу ердаги ҳалқа йўли эса ердан анчагина баландликдаги айланма йўлдан иборат бўлиб, шаҳар ва унинг атрофидаги хушманзара жойлар яққол кўриниб турарди.

Аммо ўша вақтда мени шахар ҳам, унинг атрофидаги жойлар ҳам кизиктирмасди. Уша вақтда ҳаммадан кўра кўпроқ аэропортга олиб чиқадиган йўлни англаувчи «Аэропорт-Роуд» ёзувини кўришни истардим. Гарри тушдан кейин деярли бўм-бўш бўлган йўлдан машинани физиллатиб ҳайдаб кетаркан, мен йўл кўрсаткичларидан кўзимни узмасдим.

Тан олиш керакки, шахар маъмурияти йўл кўрсаткичларини керагидан-да ортиқроқ ўрнатиб ташлаган. Масалан, ҳалқа йўлга олиб чиқадиган биринчи «Каллисто-Стритга чиқадиган кўча»ни олайлик. Аввалига биз «Каллисто-Стритга чиқадиган кўча чорак милядан кейин» деган кўрсаткичнини ёнидан ўтдик. Бироз юрганимиздан сўни «Каллисто-Стритга чиқадиган кўча. Ўнг тарафдан юринг» деган тахтачани кўрдик. Ва, ниҳоят, йўлга ўтадиган жойда «Каллисто-Стритга чиқадиган кўча» деган кўрсаткични кўрдик.

Тўғри, буларнинг бари маҳаллий аҳоли учун мўлжалланган ва Каллисто-Стрит каерга олиб бориши ҳақида биронта ҳам маълумот йўқ эди. Бироқ айни Каллисто-Стритга боришни истасангиз, айнан ўзингизга керакли бурилишнини ёнида сираям ўтиб кетолмайсиз.

Гарри машинани бу ерда рухсат этилганидек соатига эллик милядан ошик бўлмаган тезликда ҳайдар, мен эса ёнимиздан физиллаб ўгаётган ҳалқасимон йўлга олиб чиқувчи кўчаларнинг учтадан стандарт кўрсаткичларини ўқиб борардим: Вудфорд-Роуд, Игл-Авеню, Гриффин-Роуд, Кроувел-Стрит, Беш миляли йўл, Эсквайр-Авеню...

Мен соатимга қарадим.

– Гарри, жудаям секин юрмаяпсанми? Биз соатига эллик миля йўл босишимиз лозим.

Гарри ранжиган киёфада лабларини чўччайтирди. У бунақанги ишларда энг яхши хайдовчилардан бири хисобланарди.

– Мен эллик милядан юряпман, – тўнғиллади у ва спидометрга қарашга ишора қилди.

Аммо мен йўл кўрсаткичларига қараш билан ўта банд бўлиб, Аэропорт-Роудни излаётган эдим. Аэропорт-Роуд...

– Аммо аэропорт бурилишигача бўлган йўлга етишимиз учун анча камроқ вақт кетиши керак эди-ку, – дедим мен.

– Мен элликдан камайтирмаяпман.

Тўғри, машина тезлиги элликдан кам эмасди. Мен соатимга қарадим. Кейин яна йўлга алангладим.

– Балки спидометр бузукдир... Ёки сен қирк миля тезликда кетаётгандирсан...

– Мен элликда кетаяпман! – қатъий овозда қайтарди Гарри. – Мен соатига эллик миля тезликда юриш нималигини жуда яхши биламан. Мен буни спидометрсиз ҳам сезаман. Мен ҳозир элликда кетаяпман.

– Агар самолётга кеч қолсак, расво бўлдик, деявер, – огоҳлаштирдим мен.

Гарри хўмрайганча чамбаракка ёпишди.

– Полициячилар ҳозир ҳаммани сўроққа тутишаётгандир, – ташвишланиб дедим мен. – Эртами-кечми кимдир бизнинг машинамиз хиёбонли кўчадан чиққанини эслаб қолади. Шунда улар бизни айнан шу

машинада ва турки-тароватда излай бошлашади.

– Яхшиси кўрсаткичларга тузукрок қара, – таклиф қилди Гарри.

Бундан бошқа иложим ҳам йўқ эди ҳозир: Ремсен-Авеню, Де Витт хиёбони, Грин Мидоу боғи, Ун еттинчи кўча, Гленвуд-Роуд, Пауэрс-Стрит...

– Балки сен кайрилишни кўрмай қолгандирсан? – деди Гарри.

– Бунинг иложи йўқ. Мен барча кўрсаткичларни ўқиб чиқдим. Ҳаммасини. Сенинг спидометринг бузилган.

– Спидометр жойида...

Эрхарт-Стрит. Виллоуби-Лейн. Файеруолл-Авеню. Броуд-Стрит, Мэриголд-Хилл-Роуд...

Мен яна соатга қарадим.

– Гарри, самолётимиз ҳозиргина учиб кетди.

– Сен нуқул соатга қараяпсан! – ўшқирди Гарри. – Шунинг учун ҳам бурилишни ўтказиб юборгансан!

– Мен ҳеч нарсани ўтказиб юборганим йўқ!

– Ана, яна Шулслер-Авеню келди, – деди Гарри. – Назаримда, айнан шу ердан биз ҳалқа йўлга чиққандик.

– Уни қандай ўтказиб юборган бўлишим мумкин? – хитоб қилдим мен. – Тезрок юр, Гарри! Бу сафар янглишмаймиз! Биронта самолётга илиниб олармиз ахир!

Шундай дея, Гарри яна чамбаракка ёпишди.

Иккинчи айланишнинг ўртасида бизни тўхтатишди. Қандайдир кўзи ўткир полициячи бизнинг машинамизни пайқаб қолган (бу вақтда унинг таърифи етиб келгани) ва бу ҳақда радио орқали хабар

берган, шу сабабли ҳам ундан сал нарироқда полициячилар йўлга тўсик қўйишга улгуришганди. Биз тўсик олдига келиб тўхтадик ва улар дарҳол бизни хибсга олишди.

Тескари йўналишда кетаётган полиция машинасининг орка ўриндиғида ўтирарканман, мен чидай олмай, қўлим қўлкишани билан билагига кишанлаб қўйилган полициячидан сўрадим:

– Менга айта олмайсизми, аэропортга олиб борадиган йўл каёққа ғойиб бўлди ўзи?

У жилмайди ва ойнадан ташқарига ишора қилди:

– Мана у.

У ишора қилган томондаги йўл кўрсаткичида «Гриффин-Роудга чиқадиган йўл чорак милядан кейин» деган ёзув турарди.

– Гриффин-Роуд? – қайта сўрадим мен. Менга Аэропорт-Роуд керак.

– Бу ўша йўлнинг ўзгинаси, – деди у. – Биз уни кеча Кенни Гриффиннинг шарафига қайта номладик. Ўша фазогир Гриффинни-да... Биз у билан жуда фахрланамиз.

– Тушунарли, – тўнғилладим мен. – Аммо мен у ҳақда қандай фикрдалигимни айтмай қўя қолай...



Жеймс ХОЛДИНГ



Инглиз детектив адиби Жеймс Холдинг нафақат ёзувчи, балки шоир ва олим сифатида ҳам танилган бўлиб, асл исми-шарифи – Жеймс Кларк Карлайл кичик Холдинг. У 1907 йили 27 апрелда, Пенсильваниядаги Бен Авон шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Жеймс Кларк Карлайл муҳандис бўлиб ишлар, онаси Лаура Мау (Креппс) Холдинг уй бекаси эди.

Холдинг Йель университетида таҳсил олгач, Питс-бургдаги «Harbison Walker Co» компаниясида оловга чидамли гушт сотувчиси, кейин «Batté, Barton, Durstine & Osborne» компаниясида реклама хабарлари тузувчиси бўлиб ишлайди, бу ерда вице-президентликкача етиб борди. 1931 йили Жанет Спайсга уйланган, икки фарзанди бор.

Холдинг болаларга атаб 17 та китоб ёзган. У, шунингдек, 160 дан ортиқ детектив асарлар ёзган бўлиб, икки марта «Жон Хаббард» мукофотиغا сазовор бўлган. Холдингнинг шеърлари Жон Мэсфайлд номидаги обрўли шеърят мукофотига лойиқ топилган. У 1971 йили Сарасота (Флорида)га кўчиб ўтди, ammo 1991 йили яна Пенсильванияга қайтди. Холдинг 1997 йили 29 март куни Питсбургда вафот этди.

АЖДАХО АЛЕКСНИНГ ҚИЛМИШИ

Улкан аждахо Алекс истикомат қиладиган ғорнинг шифти ва деворларини хирагина шуъла сочувчи яшилтоб пўпанак қоплаганди. Бу юмшқок шуъла аждахонинг олтинранг танасини майингина силаб ўтиб, тангачалари, тирноқлари ва канотларининг учида олов тилидек яракларди.

Мана, Алекс қудратли ҳомуза тортди, керишди ва унинг узун танаси бўйлаб илонники сингари «жимирлаш» югуриб кетди. У саклаш жойларининг эман ва пўлатдан ясалган эшикларини эринибгина кўздан кечирди ва мамнун табассум ила жағини кенг очганча, улар ортидаги бойликлар: олтинлар, қимматбаҳо тошлар ва бошқа кўпгина нарсалар ҳақида ўйлай бошлади. Гарчи уларнинг баъзилари нимадан иборат эканлигини ҳатто ўзи ҳам билмаса-да, ушбу хазиналарнинг ягона соқчиси ўзи эканлиги кўнглига мамнунлик бахш этарди.

Ер остидаги сағанага элтувчи торғина тош йўлакнинг деворлари гулдурраган қадам товушларини ақс эттирди. Аждаҳо шошилмайгина улкан бошини ўгирди, кулоқларини динг қилди, нигоҳини кириш эшигига тикди. Ғорнинг тинчини бузишга ким журъат этдйкин: саргузаштталаб ўғрими ёки... эрта келган тушликми?

Қадам товушлари борган сари яқинлашарди. Алекс ғамгин хўрсинди ва бошини чайқади. «Ўғри ҳам эмас, гушлик ҳам эмас, – қарор қилди у. – Бор-йўғи, мижоз, холос».

Энди аждаҳо эмас, балки шунчаки Алекс, ғорда

эмас, балки банкнинг кимматбаҳо буюмлар сақланадиган жойига кириш ердаги иш столида ўтирганча, юмшок муковали китобчани одатий чаккон ҳаракати билан тезгина суриб, энг пастки сурма ғаладондаги худди шунаканги эртак фантастика – фэнтези жанрида ёзилган бир тўп китоблар ёнига солиб кўйди. Алекс китоб ўқиш, хом хаёл суриш ёки иш билан банд бўлмаган камдан-кам дақиқалардагина, ушбу китоблар ўзининг хаётида муҳим ўрин тутушига икром бўларди. Яқиндан бери эса у аждаҳоларга кизиқиб қолди...

Алекс эшикка қаради ва олдидаги варақалардан бирини шартта олиб, ўзини берилиб ўқиётганга солди. Хонага хўмрайган, дарғазаб киефали йигит кирди. Алекс жилмайганча, уни қаршилаб ўрнидан турди:

– Хўш, хизмат, жаноб?

Ўзини «ходимлар бўлимида ишловчи Хоскинс» деб таништирган нотаниш йигит стулга ўтирди ва дарҳол гапнинг индаллосига кўча қолди. У банк ва унга эгалик қилувчи компания тушиб қолган оғир вазият ҳақида сўзлаб берди. Кейин эса яқиндагина бошқарувчи ходимларнинг бир бошдан алмаштирилиши оқибатида маркетинг стратегияси муваффақиятсиз яқун топганли, шу туфайли захира қарз жамғармаларида йирик йўқотишлар юз берганлиги, бу эса банкнинг молиявий доираларда муносиб ўрин эгаллаши учун «қайта ташкил этилишга» мажбурлаши ҳақида маълум қилди. Қайта ташкил этилиш эса харажатларни камайтириш учун оғохлантирувчи чора сифатида Алекснинг иш ўрнини қисқартиришни талаб қиларди. Турган гапки, банк Алексга бошқа ишга кириши учун жуда яхши тавсиянома беради. Бунга кўшимча равишда яна унга

икки ҳафталик маош ҳам тўланади. То янги иш топгунига қадар, Алекс илгариги маоши асосида нафақа олиб туриш ҳуқуқига эга бўлади. Юкоридаги гап-сўзларга қўшимча равишда, Хоскинс Алекснинг расмий ишдан бўшаши бугунги иш куни тугаши билан кучга киришини маълум қилди. Кейин у стол устига бир даста суғурга полисларини гашлади ва Алекснинг ҳаётидан бир умрга ғойиб бўлди.

Мағлуб бўлган, пачакланган, таҳқирланган, ҳақоратланган Алекс ўз жойида ўтирар ва бирон нарсани ўйлашга ҳаракат қиларди. Аммо бунинг уддасидан чика олмасди. Унинг калласида фақат бир нарсанига гужғон ўйнарди: у яқиндагина ўзининг ишига китоб ўқиши ва ҳаёллар суришига имкон берадиган ажойиб ишига жаноза ўқилганига гувоҳ бўлган ва бу воқеанинг юз беришига йўл қўйганди. У шунчаки кимирламай ўтирган ва ушбу нохуш янгиликни тинглаганди.

Алекс бенхтиёрий равишда сурма ғаладонни очди ва ўзининг китобларига қаради. Майли, бир умр шу ерда ётаверишсин! Бундан буён у фантастикани эмас, балки ишга таклиф этувчи эълонларни ўқийди! Ун икки йил давомида бегоналарнинг қимматбаҳо буюмларини жон-жаҳди билан кўриқлагани ҳам ҳавога учди-кетди, олдинда уни иш қидиришдек ноаниқ мавҳумлик кутмоқда.

Қурук йўтал ва ҳассанинг мармар полга тез-тез тарақлаб урилиши уни оғир ҳаёллардан қалғишга мажбур қилди. У кўзини кўтарди ва ҳаммадан-да кўпроқ ёмон кўрадиган мижози – Симпсон хонимни кўрди. Бу кампиршонинг кўзида бутун дунёга нисбатан норозилик муҳрланиб қолганди. Алекс томоғидан

отилиб чиқшига гайёр турган бўғик ингрокни зўрға босди. Айни пайтда у бутун шаҳарчадаги энг бой аёл, штатдаги энг яхши маркалар коллекцияси соҳибаси бўлган хоним билан шуғулланишни сираям истамаётганди. Ундан кўра яна бир бора Хопкинснинг сўзларини тинг-лагани яхшироқ эди.

Алеке миждозига бақрайганча тикилди ва эҳтимол миллионинчи марта бу хонимдан дунёдаги энг зўр жодугар кампир, узатилаётган маликанинг кариб-чуриган зодим энагаси ёки жоду-амаллар ва афсунларга уста бева малика чиқиши мумкинлиги ҳақида ўйлади.

Мирза одатий сохта табассумини башарасига ёпишгирганча, бармоқларини варақлар узра тез ҳаракатлангирганча, миждоз кампирнинг маркали альбомларининг олишига руҳсат берадиган ҳужжатларни топди ва то у имзо қўйгунича кутиб турди, кейин варақни табель соатига қўйди. У каттик даранглаб очилди.

Кампиршо ўз сейфининг калитини троллар кироличасиники сингари ҳаракат билан Алекснинг столига улоқтирди. Алеке калитни кулига олди, столдан маҳсус калитни олди ва ўйчан ҳолда иккала калитни солиштираркан, ўзинча илжайиб қўйди. Нима бўлганда ҳам, у ушбу миждоз аёл туфайли сўнгги марта қондани бузади. Банк тартиб-қондаларига кўра, ходимлар миждозларнинг калитига қўл теккизиши тақиқланганди, аммо Алеке Симпсон хоним ҳар сафар бу ерга ўз коллекцияси билан ишлаш учун келганида, яъни ҳар кун унинг калитларини ишлатарди.

Бир кун у кампирга банкдаги тақиқ ҳақида айтди ва уни қондага рноя қилишга мажбурлашга уриниб кўрди. Тўғри, кампиршонинг бўйи жудаям паст, аммо

у ўзининг коллекцияси сақланувчи юкфри қаторларга ега олиши учун банк унга курси кўйиб берган.

Бу сўзларга жавобан, Алекс мижоз аёлдан шунақанги каттик дашном эшитдики, кейин узок вақтгача ўзига келолмай юрди. Унинг тушунгани шу бўлдики, Таггри Таоло ва Симпсон хонимнинг фикрича, калитлар билан шуғулланиш ва кути-сейфларни ташиниш – хизматкорларнинг иши. Алекс эса хизматкор эди. Ушандан бери у Симпсон хонимнинг қаҳр-ғазабидан кўра бошликларининг жаҳлига дучор бўлишни маъқул кўриб қолди.

Қурук йўтал ва асонини мрамарга тараклаб урилиши унинг эс-хушини жойига келтирди.

– Нима бало, ухлаб қолдингизми? – энсаси қотиб сўради кампиршо.

Алекс улкан жағларидаги қозик тишларидан оқатган захар кампиршонинг шафтолиқокидек бужмайган танасини ўраб олганини ини тасаввур қилди...

– Кечирасиз, Симпсон хоним, – мирзанинг овози гўё сув остидан чиқаётгандек эди. – Бу ерга хозиргина Хоскине деган бир одам келганди. У мени ишдан бўшатди... – Алекс тўсатдан ўзининг гаплари қанчалар бемаъни эканлигини тушуниб қолди-да, таққа гапдан тўхтади.

– Ишдан бўшатди? Сизни-я? Буни қаранг-а... – кампиршо худди ханжардек ўткир нигоҳини унга қадади. – Сиз бирон нарса ўғирлаганмидингиз? Ёки ишингизни эплай олмадингизми?

Алекс бош чайқади.

– Қайта ташкил этилиш, – у бу сўзни ўлардек ёмон кўриб қолганди. – Шунчаки, мен энди уларга керак эмасман.

– Нима бўпти, ишдан бўшаганмисиз ёки йўқми, бундан қатъи назар, менга айни пайтда ўз маркаларим керак. Ҳозирча шу ерда экансиз, демак ҳали хизматдасиз. Ёки бу нотўғрими?

Алекс хўрсинганча, тесқари ўғирилди. Кампиршо ҳақ эди.

У саклаш жойи орқали 643-бўлмага ўтди ва одат бўлиб қолган ҳаракат билан кўшалок кулфга аввал ўзининг махсус калитини, кейин миждоз аёлнинг калитини сукди. Иккала калитни бир вақтда бураганча, эшикни ланг очди ва калитни тешикчада осиблик қолдирганча, сейфдан оғир куйма пўлат қутини олди. Уни ерга кўйиб, калитларни бир вақтда бураб, сейфни кулфлади ва яширинча чапрокка, Симпсон хонимнинг америкача маркалари саклападиган 645-бўлмага нигоҳ ташлади. Бу иккала сейфлар орасида унинг шахсий сейфи – 644-бўлма жойлашганди. Бир неча йил мукаддам, Симпсон хоним илк бор иккита бўлмани ўзининг коллекцияси учун ижарага олган пайтда 644-сейф бошка миждоз томонидан банд қилинган эди. Бойвучча бева тоза ғазабига минган бўлса-да, қўлидан ҳеч нарса келмаганди. Кейинчалик эса, 644-чи сейфнинг эгаси вафот этганидан сўнг, Алекс кампиршога қасдма-қасди а уни ўзи банд қилган, аммо у ерда саклайдиган ҳеч нарсаси йўқ эди. Тўғри, у Эдвард Фингер деган тўқима исм-шарифдан фойдаланганди. Такдирга қарши ночор, аҳмоқона қасос олишга уриниш эди бу. Алекс оғир хўрсинди. Айни шу пайтда унинг хаёлига ярқ этиб бир фикр келиб қолди ва худди аждарнинг тирноқлари кўйни тилкалагани қаби унинг вужудига қадалди. У Симпсон хонимни тунаши мумкин! У банкни ўмариши мумкин!

Кутилмаганда вужудини қамраб олган қувончини бир амаллаб босганча, Алекс Симпсон хоним томонга айбдорона назар ташлади. ердаги пўлат кутини кўтарди ва секингина олатда миждоз аёл маркалари билан ишлайдиган хонача томон юрди, йўл-йўлакай эса шаффоф тирноқлари кампиршонинг бошидан-оёғигача киймалаётганини тасаввур қилиб борарди.

Симпсон хоним ўз маркалари билан алоҳида хонада ёлғиз қолганидан сўни эса, Алекс ўз столи ёнида бафуржа ўтириб, режасинини иккир-чикирларини яхшилаб ўйлаб олишга шошилди.

Кампиршо аяни унинг тушлик вакти бошланиши олдидан ўз ишини якунлайди. У ҳар доимгидек альбомлар солинган пўлаг кутини хоначадан сақлаш жо-йига элтиб кўяди. Фақат бу сафар кафтида миждознинг калити, яъни 643-сейф калитини ушлаб тургани ҳолда уни ўзининг шахсий бўлмаси – 644-сейф калитига алмаштиради. Кейин кампирнинг сейфи ўрнига ўзиникини очади ва унга альбомларни кўяди.

Бу хавфли иш, аммо у барини тўғри бажарса, кампир ҳеч нарсадан шубҳаланимайди. Тўғри, эртамикечми, кимдир унинг режасидан хабар топади, аммо у вақтда ҳеч нарсадан кўркмаси ҳам бўлади. Ўзининг бебаҳо маркаларидан айрилганини кўриб, Симпсон хоним эс-хушидан айрилади. Йўғ-э! Аксинча, у бутун банкни парча-парча қилиб ташлайди, майда ходимлар тугул, ҳатто раҳбарларнинг ҳам калласини суғуриб олади, ҳаммаёқини қонга белейди. Бунинг учун кампирнинг ғайрати ҳам, золимлиги ҳам стади. Бу воқеа атрофидаги жанжал-тўполон ва шов-шувлар бор-йўқ обрўни бир пул қилади. Қани, шунақанги ишқалдан сўнг ҳам қайта ташкил этилиб кўришсин-чи...

Бу жуда ажойиб манзара эди, факат хозирча хом хаёллар суриш учун эрта. Аммо хозир нима иш билан шуғулланса экан? У атрофига аланглади. Керак пайтда Симпсон хонимнинг кутиси жойлашиши учун ўзининг бўлмасидаги ички кутини чиқариб қўйиши лозим. У тезгина саклаш жойи орқали 644-ракамли сейф томон ўтди, ундаги кутини чиқариб олиб, стол остига қўйиб қўйди.

Энди эса ўгирланган маркаларни банкдан қандай олиб чиқиб кетишни ўйлаш лозим. Иўлакда сокчилар бор, ходимлар ҳам тинмай ўтиб туришади. Алекс шкаф-омбордан каттагина қоғоз кутини олиб келди, унга ўзининг китобларини жойлади, стол остидаги пўлат кутидан бир нечта хужжатларини олиб солди ва уларнинг барини уйдан тушлик олиб келган қоғоз халта билан ёнди. Симпсон хоним кетиши ҳамони у ўзининг сейфини очади, маркалар солинган альбомларни қоғоз кутига солади ва улар устига ўзининг лаш-лушларини жойлайди. У қоғоз кутини худди ўзининг буюмларидек олиб чиқиб кетади ахир уни ишдан бўшатишган-ку! Сокчилар уни жуда яхши танишади ва унинг шахсий лаш-лушларини гиткилаб ўгиришмайди ҳам. Жуда ажойиб йўл!

Аммо хозирча Симпсон хонимнинг чиқишини кутуш лозим. У аждаҳолар хақидаги китобларидан бирини ўқишга тутинмокчи бўлди ҳам, аммо бир-иккита сўзни ўқигач, бу фикридан кайтди. Яна асабийлашиб, ўзининг режасини фикран текширишга тушди. Ҳаммаси кампирнинг калитини кафтида бекита оладими ёки йўқлигига боғлиқ. Ўзининг калитини сейфдан олиб ва иккинчисини ўзининг халқасидан чиқариб, иккаласини бир қўлида ушлаганча, синаб ҳам

кўрди. Гарчи найрангбозга етишига анча бўлса-да, аммо бу борада бироз ютукка эришди ҳам.

Вақт жуда секин ўтарди. Кафтидаги калит тердан нам бўлиб кетди ва Алекс истар-истамас уни бир четга олиб қўйди. Ниҳоят мижозлар хонасидаги стулнинг оёқлари ғичирлади ва шу заҳотиёқ у тикилиб ўтирган эшик очилди. Симпсон хоним бошини чикарди:

Мен тугатдим. Менинг альбомларимни жойига олиб қўйишингиз мумкин.

У хоначага кирди, альбомлар солинган қутини кўтарди ва кампирнинг ортидан юрди. Ўзининг махсус калитини олди, кампир эса унга 643-сейфнинг калитини тутқазди.

Алекс ўзининг режасини амалга ошириш учун альбомлар солинган оғир қутини сақлаш жойи томон кўтариб кетаркан, нафас олиши тезлашмаганини, асаблари эса хотиржам эканлигини мануният ила қайд этди. Ҳагто ҳақиқий аждаҳода ҳам бундан-да яхшироқ чиқмаган бўларди. У то қатор тизилган сейфлар жойлашган девор ёнига яқинлашганича кампирнинг калитини сездирмай ўзиники билан алмаштирди. Қутини ўзининг бўлмаси ёнидаги ерга қўйиб, қулфга махсус калитини суқди. Кейин ўзининг калитини керакли тешикка суқди ва тўсатдан ўз режасини амалга ошира олмаслигини ҳис этди. У калитнинг учини калит тешигига теккизиб, аммо сўнгги ҳаракатни килломай, турган жойида қотиб қолди. Тўғри, нима учун шундай бўлаётганини ўзи биларди. Гап унинг банкдан хафа бўлганлигида ва кампирда ҳам эмас. Алекс уларнинг олдида қарздор эмас. Ҳамма гап унинг ўзида. Шу қутининг ўзида у иккинчи марта ўзини ғўрликда айблади. Фақат она сути оғзидан кетмаган

ғўр одамгина кўлига кирай деб турган ўнлаб миң долларлик ўлжадан воз кечади, «Хатто ғўр одамнинг ҳам ўзига яраша орияти бор», деб такрорларди у. У аждаҳо ҳам, ўғри ҳам эмасди ва бўлишни ҳам истамасди.

Алексе зимдан Симпсон хонимга назар ташлади. У йиртқич кушниги сингари чакноқ кўзларини узмай, тикилиб турарди.

Нима гап? – сўради миждоз аёл.

Унинг чеҳрасига гентакона табассум ейилди.

– Бегона сейф, Симпсон хоним. Кечирасиз. Афгидан, ишимдан ажралганим асабларимга таъсир қияпти, шекилли.

Керакли сейфни очган Алекс кампиршонинг кутисини сўнгги марта жойига қўйди ва эшикчани кулфлади. Тамом. Мамнун холда دادил кадамлар билан Симпсон хонимнинг енига қайтиб, унга калитни бергач, Алекс жилмайди.

Уйлашимча, шу билан биз хайрлашамиз, Симпсон хоним. Энди бу ерда мен бўлмайман.

Хоним одатдагидек куруккина йўталди ва Алекснинг назарида у иккиланаётгандек ёки хатто ўзига ишонмаётгандек туюлди.

– Ҳа-а... – ниҳоят шанғиллади кампиршо. Сиз бу ерда бўлмайсиз. Балки, бирон-бир ишни мўлжаллаб кўйгандирсиз?

Алекс бош чайкади.

– Ундай бўлса, менга ишга келмайсизми? Кейинги ҳафтада биз янги бадий галерея очмоқчимиз ва бизга тунги қорувул керак бўлади. Сизни узок вақтдан бери танийман ва шу туфайли ҳам сизни ўз ишига садоқатли, ишдан бўйин товламайдиган ва хатто қари, вайсаки хонимларга нисбатан ҳам хушмуомалада бўлишга

кодир жуда зўр ходим сифатида биламан. Тўғри, маошимиз унчалик катта эмас ва бошқа ходимлар билан муомала қилишга тўғри келмайди, аммо сизнинг эски ишингизга қараганда, бу сиз учун муаммо бўлмайди. Энг муҳими, сизнинг бўш вақтингиз старлича бўлади, – деб кўшиб кўйди кампир стол устидаги китоблар билан тўла қоғоз қутига ишора қилиб. Бу вақтингизни эса бошқа кизиккишларингизга ҳам сарфласангиз бўлади... Хўш, Алекс, нима дейсиз?

У жилмайди ва Алекс ўзини нима кўпроқ хайратлангирганини сезмай қолди – ишга таклифми ёки баджаҳл кампирнинг юзи меҳрибон паршиқкига ўхшаб қолганими?.. Алекс кампирнинг таклифини қабул қилди, хижолат ила ташаккур билдира кетди, аммо кампиршо бепарвогина қўл силтаб қўя қолди. У келаси ҳафтадан ишга тушиши мумкин.

Мирза чиқиб кетатган кампиршони табассум ила кузатиб қолди, кейин жойига ўтираркан, бошмоғи ҳамон пастда турган оғир қутига тегди. Алекс соатига қаради. Тушлик вақтида унинг ўрнини эгаллайдиган котиба Жоанна келишига беш дақиқа қолибди, бу вақт ичида қутини 644-сейфдаги ўз жойига қўйишга улгуриши керак.

Алекс стол остидаги қутини олди. «Тушлик», ўйлади у ва китоблар устида турган қоғоз халтага тикилиб қолди. Тушлик... У халтачани ушлади. Майонезли дўмбокқина сэндвич, бир жуфт апельсин, қовурилган картошка, қайнатилган тухум, бир кути йогурт ва каттагина пишлок бўлаги қутининг ичига гўкилиб тушди.

Алекс озиқ-овқатларнинг барини тезгина эзгилаб, аралаштириб ташлади. Ишини яқунлаб, пўлат қутини

ёпди ва уни 644-сейфга яшириб қўйди. У ўзининг махсус калитини юкоридаги кутига сукаётганида Жоанна кирди.

– Мени ишдан бўшатишди, – табассум ила қизга хабар қилди у. – Илтимос, ходимлар бўлимидаги Хоскинсга қўнғирок қилгин. Тушликдан кейин ишга қайтиб келмаслигимни унга айтиб қўйгин. Яна айтгинки, унинг банкидан қўланса хид келяпти...

«Қизик, тушлик айниб, бадбўй хид чиқара бошлагунича қанча вақт ўтаркин?», деб ўйлади у. Банк қайси сейфдан бадбўй хид келаётганини аниқлай олармикин ёки йўклиги ҳам уни жуда қизикгирарди.

Алекс ўзининг китоблари солинган қоғоз кутини кўтарди ва сақлаш жойидан чиқди. Эшик ёнида тўхтаб колди ва сўнги марта ортига каради, кейин ўгирилди ва канотларини кенг ёйганча кўкка парвоз қилди...



ЖЕК РИЧИ



Жон Жорж Ричи 1922 йили 26 февраль кuni Висконсин штатидаги Милуоки шаҳрида таваллуд топган. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Тинч океанида хизмат қилган Ричи, урушдан кейин ҳаётини ёзувчиликка бағишлашга қарор қилади. 1953 йили ёзилган «Always the

Season» номли биринчи ҳикоясини Ричи «Нью-Йорк дейли ньюс»га беради.

Жек Ричи ижодий фаолияти давомида уч юздан ошиқ новеллалар, турли жанрларда ёзилган ҳикояларнинг муаллифига айланди ва 1983 йили 27 апрелда оламдан ўтди. Унинг инсоний муносабатларни ёритишга қаратилган «Tiger Island» номли ғайриоддий романи ёзувчининг вафотидан сўнг – 1987 йили нашрдан чиқди.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОНЛАР

Ушбу вазиятда кўлимдан ҳеч нарса келмасди, шу бонс ҳам фақатгина карта сузиб, ярим кундан бери менинг хонамда худди ўз уйидагидек хўжайинлик қилаётган манави чакирилмаган меҳмонлардан қандай қилиб кутулиш хақида бош қотираддим.

Хэнк исмли давангир корни билан токчага ётиб олганча, деразадан кулбамнинг деворларигача тақалиб келиб қолган ўрмонга хўмрайиб тикилар, мушаклари ўйнаб чиққан пакана Фред эса радиоусқунанинг дастакларини бураш билан овора эди. Ингичка мўйловли, кўзлари илонникидай совук, қилтирикқина қорасоч тўда бошлиғи эса менинг қаршимда сигаретини бурукситиб ўтирибди.

– Бундай гадоё гонмас жойда қандай яшайсан-а? – сўради у ниҳоят.

– Қишда ов қиламан, қопқон кўяман. Ёзда балик тутаман, сабзавотлар етиштираман...

У хунук тиржайди:

– Негадир ўзингни жудаям хотиржам тутяпсан.

Мен елка қисиб кўя қолдим:

– Ҳозирча тапвишланиш учун асос кўрмайман.

Манави учта одам тўппончасини ўқталиб, уйимга бостириб киришганида ростдан ҳам унчалик кўркканим йўқ. Тўғри-да, нимадан ҳам кўрқардим? Босқинчиларнинг мен билан ҳеч қандай ишлари йўқ, шунчаки улар бироз вақт писиб ўтиришни мўлжаллаган жойларида дуч келиб қолдим, холос.

Фред радиони ўчирди ва ҳомуза тортиди.

– Қорним очди.

- Омборда кийик нимтаси бор, – дедим мен. – Истаганини ча кесиб олавер. Фақат фонусни ола кет, у ерда дераза йўк.

Фред уч фунтча келадиган гўшт бўлагини кўтариб келди-да, стол устига улоктирди.

Мен товани ўчок устига қўйдим ва гўштни узун-узун тиликларга бўла бошладим. Бу вақтда тўда бошлиғи яна радиони ёқди ва шу заҳотиёқ соат олтидаги янгиликларни тутишга муваффақ бўлди. Янгилик-лар тугаганидан сўнг мен ҳайрихоҳлик билан бош ирғадим:

– Сизларни жудаям батафсил тасвирлашди. Афтидан, унчалик шошмаган кўринасизлар.

– Сенинг ишинг бўлмасин! – тўнғиллади Фред.

– Назаримда, бироз ваҳимага тушиб колибсизлар, шекилли, давом этдим мен сигаретимни туташтирарканман. – Ғазначини эса ўлдириш шарт эмасди. Жим Тернердек ландавур сизларга сираям ташвиш орттирмасди.

Фред хахолаб юборди:

– Шу ҳам банк бўлибдими?! Радиода айтишларича, уни ўтган йили ҳам бошлаб ўмариб кетишган экан!

Мен бош ирғадим:

– Миш-мишларга кўра, бу ишни Уилли Стивенс килган эмиш. Нима бўлганда ҳам шундан сўнг уни ҳеч ким кўргани йўк.

Хэнк сўқиниб қўйди ва мушти билан дераза раҳини урганча, стол ёнига яқинлашди.

– Агар лаънати машина бузилиб колмаганида эди, аллақачон Чикагога етиб борган бўлардик!

Мен кулни ерга туширдим.

– Аксинча, машинангизнинг бузилиб қолгани сизнинг бахтингиз бўлган. Акс ҳолда дарров полиция назорат жойларига дуч келган бўлардингиз. Нима, бу ерда аҳоли кам бўлса, дарров туёқни шикиллатиб қолиш осон бўлади, деб ўйлаганмидингиз? Рацияли назоратчи машиналар ҳақида унутиб қўйдингизми?!

Фред илжайди:

– Анави Уилли-чи? У қочиб қолишни уддалади-ку! Мен яна елка қисдим ва ўчоққа ўгин қаладим.

– У шу ерда ўсган ва ҳариталарга туширилмайдиган барча йўллари яхши билади. Машинангизни ўша бузилиб қолган жойида қолдириб келган бўлсангиз керак-а?

Тўдабоши тиржайди:

– Сен нима деб ўйловдинг, шаҳарликларнинг ҳам мияси бор. Машинани топишганида, биз бу ердан анча узоқда бўламиз.

Хэнк сира ёнидан қўймаётган саквожини очиб, мамнун табассум билан стол устига бир тўда банк ўрамидаги яшил тусли пуллари тўқди.

– Қойил-э! Нақ бир юз саксонга-я!

Мен иккита идишдаги консерваланган сабзавотларни очдим ва қахва қайнатгични ўчоқ устига қўярканман, секингина дедим:

– Ҳар бирингизга олтмиштадан. Агар тенг бўлсангиз, албатта.

Тўдабоши менга хўмрайиб тикилди.

– Сенга нима?

Мен товага ёғ қуйдим.

– Айтдим-қўйдим-да! Шунчаки, унчалик кўп эмас экан, деб ўйладим, холос.

Мен ликончаларни келтирдим ва уларнинг учалови ҳам очкўзларча овқатга ташланишди. Куйилтирилган сут идишини очиб, уни тўдабошининг ёнига қўйдим.

– Балки, бу аҳмоқона саволдир, аммо менинг холим нима кечади?

Бундан ташвишланма, – илжайди Фред. – Ҳаммасини ўйлаб қўйганмиз.

Буғу гўштини бир ёкли қилиб бўлгач, Хэнк стул суягичига ёстанди ва тишларини гугурт чўли билан кавлай бошлади.

– Бир қўл карта айлантиришга қалайсиз? Ҳар ҳолда вақт тезроқ ўтармиди...

Мен қарталарни олиб келдим, улар чўнтақларидан майда-чуйда пулларини чиқаргунларига қадар қарға тузини чиқариб олдим ва енгимнинг ичига яширдим. Кейин ўзимга бутерброд қилдим ва уларнинг ёнига ўтирдим.

Ҳаммадан кўра Хэнкнинг кўпроқ омади келарди. У яна бир марта ютганидан сўнг, мен билдирмай стол остига қарға тузини ташладим ва дедим:

– Баъзан инсоннинг қанчалар омади келишига қараб, у хақида кўп нарсани айтиш мумкин. Айниқса, ҳалол ўйнаётган бўлса...

Тўдабоши ёнида қолган тангаларини ушлаб кўрди.

– Нима, сен бирон қизикроқ нарсани пайқадингми?

Мен маънодор қилиб йўталиб қўйдим:

– Нима десам экан...

Фред менга шубҳали назар ташлади-да, қарталарни олдига тўплаб олди ва уларни санай бошлади.

– Битта етишмаяпти!

Мен стол остига қарадим:

– Мана каерда экан! Афтидан, кимдир тушириб юборган, шекилли. Афсус. У сизга кейинги юришда аскотган бўларди.

Фред ер остидан Хэнкка хўмрайди ва мен карта ўйинига якун ясалганини дарров тушуниб етдим. Соатга карадим ва хомуза тортдим.

– Бу ерда биттагина тўшак бор, холос. Турган гапки, менинг ўз жойимда ётишимга йўл қўймайсизлар, шундай бўлса-да, иккитангиз ерда ухлашингизга тўғри келади. Куръа ташлайсизларми?

Тўдабоши ўрнидан турди, менинг ўрнимга якинлашди ва индамайгина ечина бошлади.

– Нимаям дердим, – дедим мен Фред ва Хэнкка қараб мазаҳомуз оҳангда, – тўшакда ким ухлаши маълум бўлди-қўйди.

– Сен эса сассикомборингда ухлайсан, – тўнғиллади тўдабоши. – Тош котиб ухлаб ётганимизда бизни сўйиб кетмагин, тагин.

Мен керосинли фонусимни ёқдим, кўрпа олдим ва омбор томон кетдим. Босқинчиларнинг қай биридир ортимдан дарров эшикни тамбалаб қўйди.

* * *

То улар ухлаб қолгунларига қадар икки соат кутдим-да, кейин асбоблар солинган қутидан белкуракни олдим ва шундоқкина остона тагидан ўра қавлай бошладим. Ўранинг чуқурлиги саккиз дюймга етгач, ўтган йили айиқ овлаган қопконимни олдим ва уни ўра тубига ўрнатдим. Кейин қопкон устига чим бўлагини ташладим, четларига тупроқ сепдим, тепасидан эса тахтача ташлаб қўйдим. Сўнгра картошка солиб қўйилган бочка ичидаги ёғланган чарм қоп

халтадан ўн бешта юз долларлик пулларимни олдим, уларни чўнтагимга солиб қўйдим.

Туннинг қолган қисмини қути устида ўтирганча, эрталаб нималар қилишим кераклиги ҳақида ўйлаб ўтказдим.

Хэнк соат саккизда эшикни очди.

– Салом! – қувнок овозда саломлашдим мен.

Тўдабоши ҳали ухлар, Фред эса хўмрайганча стол ёнида ўғирарди.

– Бизга қаҳва дамлаб бер! – тўнғиллади у.

Мен итоаткорлик билан бош ирғадим ва нонушта тайёрлашга киришдим. Тухум оларқанман, унинг ичидаги каттакон шиша идишни кўришлари учун атайлаб жавонча эшигини катта очдим. Қовурилган гўшт хидидан тўдабоши уйғониб кетди. Мен дўстона жилмайдим:

– Тоза ҳавода мазза қилиб ухлаб олсангиз, эрталаб ўзингизни онадан қайта туғилгандек ҳис қиласиз.

Агар Фред нигоҳи билан ўлдира олганида эди, мен аллақачон нариги дунёга равона бўлган бўлардим.

Анави шишада нима бор? – тишларини ғичирлатиб сўради у.

Мен иккилангандек, бош чайкадим:

– Ҳамма ҳам эрталабдан бундай ичимликни ичавермайди. Бунини ичиш учун кўникма керак.

– Маслаҳатларингга зор эмасман! Қани, олиб келчи!

Фред шиша идишни очаркан, уни бурнига яқин келтирди ва ҳидлаб кўрди. Кейин ўзига ярим стакан қуйди, бир қултум ичди, йўталди ва, ниҳоят, деди:

– Ўзинг тайёрлаганмисан?

– Нима, унда акциз белгилари бор эканми?

Улар понушта килаётганларида мен стол устини йиғиштирдим ва эринибгина карталарни чийлай бошладим.

– Бир қўл карта ташлашга қалайсизлар?

Фред ўзига яна ичимлик қуйиб олди ва Хэнкка кўз ташлаб, деди:

– Йўқ демаймиз. Агар ҳамма ҳалол ўйнаса, албатта...

Мен стол устига майда пулларни тўқдим.

– Фақат олдин карталарни санаб оламиз.

Бир неча қўл карта ташлагандан сўнг, Хэнк ҳам ўзига ичимлик қуйиб олди ва ҳеч кимга қарамай, сўради:

Бу ерда узоқ қўл қовуштириб ўтираммизми?

– Бир-икки кун, – жавоб қайтарди гўдабоши.

Хэнк норози оҳангда мингиллади:

– Менимча, ҳозирок бу ердан тускни шикиллатиб қолиш керак. Йўлга чиқиб олсак, эртами-кечми, биронта машина ўтиб қолар.

Гўдабоши карталар устидан унга совуқкина боқди:

– То мен айтмагунимча шу ерда ўтираммиз.

Ўн сонияча улар бир-бирига тикилиб қолишди, кейин эса Хэнк кўзини четга олди. Мен кулиб юбордим:

– Бу ерда ким бошлиқ эканлиги дарров кўринди-қолди!

– Овозингни ўчир!

Хэнк яна ўзига ичимлик қуйиб олди ва эгнидаги костюмини ечиб, уни тўшак устига ташлади. Орадан бир ярим соатча ўтгач, Хэнкнинг яна омади кела бошлади ва у бизни учинчи марта шип-шийдон қилгач, мен бош чайкадим ва мингирладим:

– Балки мен ҳам ичиб олсаммикин? Ўшанда картадан омадим келиб қолармиди...

Тўдабоши ижирганиб, сигарет қолдиғини кулдонга босди:

– Менга ҳам қуй.

Қарталарни ташлаб, қадах олиб келгани келдим. Стол устида анчагина пул уюлиб қолгани учун ҳам ҳеч ким менга эътибор бермади. Мен бир даста юзталиқ пулларни Хэнкнинг костюми остига билдирмай тикиб кетдим.

* * *

Мен қайтиб келганимда, тўдабоши ўйиндан чиқаётган, Хэнк ва Фред эса савдоланаётган эдилар. Ниҳоят, Фред таслим бўлди.

Хэнк ғолибона табассум билан керилиб, ўз карталарини тўртта тўққизталиқни очди. Фред кизариб кетди ва жон-жаҳди билан столга мушт туширди.

– Бас! Мен чиқдим! Аҳмоғингни топибсан!

Хэнкнинг табассуми бир зумда ғойиб бўлди.

– Бу билан нима демокчисан?!

– Нимаям дейишим мумкин?! – Фред ғазабидан вишиллаганча, ўрнидан сакраб турди ва тўппончасини сузуриб олди. – Бир одамнинг шунчалиқ омади келиши мумкин эмас! Сеҳргар бўлиб кет-э! Факат чаккон қўлларинг югяпти, сен эса заррача ҳам алдамаянсанми?!

Тўдабоши аста ўрнидан турди:

– Тўппончангни тушир. Ўпкангни босиб ол.

Фред истар-истамас тўппончасини туширди, аммо сираям тинчланишни истамасди.

– Уни бекор ўзимизга қўшдик-да! Кимлигини билмаймиз-ку, ахир!

Жалын лектегине тунжарды

Мен ўринга якинлашдим, Хэнкнинг костюмини та-
гида ётган пуллар билан бирга кўшиб кўтариб олдим
ва унга ўгирилиб дедим:

Кария Хэнк, афтидан, сени ишдан бўшатишди.
Ма, ушла, – мен костюмни салгина силкитдим ва боя
унинг остига яшириб кўйган бир даста пулим ерга ша-
лоплаб гушди.

Фред газаб билан ўкириб юборди ва яна
тўппончасини силтади.

– Вой, мараз-ей! Шунакалигини ни билгандим-а!

Хэнк оғзи очилганча, пулларга анкайиб колди.

– Мен...

Ха-а, кўлга гушдингми?! Саквояжнинг калити
факаг сенда гуарди-ку!

Ўлай агар, бу пулларни кўрмаганман! – ўкирди
Хэнк.

Бу унинг сўнгги сўзлари эди. Фреднинг тўппончаси
икки марта гўмбурлади ва боши тешилган Хэнк ерга
кулади.

Тўдабоши гурган жойида котиб колди ва худди
сеҳрлангандек жонсиз шеригига тикилиб колди. Ме-
нинг эса ўйлаганларимни амалга оширишимгина
колганди, холос. Ўрин устига энгашарканман, чойшаб
устига Хэнкнинг костюмини ташладим ва секингина
кўлимга тўдабошининг костюмини идиб олдим ва хо-
тиржамгина дедим:

Нимаям дердик, энди пулларни икки кишига
бўласизлар-да!

Уларнинг иккови ҳам бир вақтда мен томон
ўгирилишди ва Фреднинг кўзлари шу захоти менинг
кўлимдаги юмшоқ бахмалсимон чармдан тикилган ко-
стюмга кадалди.

– Қани, кўрсат-чи! – ўшқирди у қўлимдаги костюмни тортиб оларкан ва хайрат ила тўдабошига тикилди.
– Аммо бу... Хэнкники эмас-ку! Бу сеники экан!

Мен аста-секин омборхона томонга тисарила бошладим. Тўдабоши боши котганча қовоғини солиб костюмга қаради, кейин менга... ва ҳаммасини тушуниб етди.

– Тентак бўлма! Нималар бўлаётганини нахотки тушунмаган бўлсанг?

Аммо Фред унга кулоқ ҳам солмай, хунук тиржайганча тўппончасини кўтарди.

– Тўхта! – жон ҳолатда кичқирди тўдабоши. – Ҳозир сенга ҳаммасини тушунтириб бераман!

Ўк овози янгради, аммо мен тўдабошининг тақдири қандай тугаганини билиш учун вақт сарфлаб ўтирмадим. Омборхонага отилиб кирдим-да, эшикни ортимдан ёпиб олдим, остона ёнидаги қопкон устида турган тахтачани бир четга улоқтирдим ва картошка солинган бочка ортига яширинганча кута бошладим.

Орадан бир дақиқа ҳам ўтмай эшик шарақлаб очилди ва остона тўппончасини ўқталганча Фред пайдо бўлди. Мен уни бошлаб сўқдим ва картошка отдим. У ўқириб юборди, қоронғиликка қарата ўк узди, олдинга бир кадам босди... ва оғрикдан чинқириб юборди – қопконнинг жағлари унинг оёғини маҳкам қисиб қолганди.

У тўппончасининг дастаси билан қопкон жағларини очишга уринаётганида мен хотиржамгина ёнига бордим-да, оғир мисранг билан бўйнига яхшилаб туширдим. Биттагина зарбанинг ўзи етиб-ортди. Унинг тўппончасини олиб, омбордан чиқдим. Тўдабоши ва

Хэнк ажабтовур бир алфозда ерда чўзилиб ётишарди.

Уларни ўрмонга судраб олиб бориб, кўмиб келиш учун икки соат вақтим кетди. Энг муҳими, каерга гумдон қилиш хақида бош қотирганим ҳам йўқ. Турган гапки, босқинчиларнинг мурдасини кулбамнинг орқасидаги жарликка кўмиб ташладим.

Бу жарга бир илмча муқаддам Уилли Стивене иккаламиз биргаликда маҳаллий банкни ўмарганимиздан кейин, шеригимни кўмиб ташлагандим. Уша босқинчиликдан кўрган фойдамиз бор-йўғи эдик икки минг доллар бўлган ва мен бу арзимае пулни икки бўлиб ўтириш аҳмоқликнинг ўзгинаси бўлади, деган тўхтамга келгандим.

Мен кулбамга қайтиб келдим. чўнтагимдан яқиндагина Хэнkning бўйнидан ечиб олганим саквояж қалитини чиқардим ва энди ўзимники бўлиб қолган пулларни томоша қила бошладим.



Жим ТОМПСОН



Жим Томпсон америкалик машҳур ёзувчи, журналист ва сценарийлар муаллифи, унинг тўлиқ исми-шарифи – Жеймс Майерс Томпсон (1906–1977).

Жим Томпсон Оклаҳмада туғилган. Эндарко шаҳарчасининг шерифи бўлган отаси қимор ўйинларига муккасидан кетиб, давлат пулларини сарфлаб юборгани оқибатида шидан ҳайдалади ва оиласини олиб Мексикага кўчиб кетади.

Жим Небраска университетини тугаллаб, заводларда ва нефть конларида ишлади. Кейин эса журналистлик фаолиятини бошлади. 1941 йили «Ҳозир ва Ерда» номли илк романи босмадан чиқади. 50-йилларнинг охирида Стенли Кубрик уни Голливудга таклиф қилади ва ҳамкорликда иккита сценарий ёзишади.

XX аср охириларида детектив ёзувчилар Э. Горман ва Г. Китингнинг Томпсон ижоди ҳақидаги жиддий танқидий мақолалари чоп этилиб, Стивен Кинг ва Квентин Тарантино ўзларининг ижодига Томпсон қанчалик ижобий таъсир қилганини очиқ тан олишигандан сўнг адибга бўлган қизиқиши ошди. У 1977 йили 7 апрелда, мия қон томирлари ёпилиб қолиши оқибатида оламдан ўтди.

АБАДИЯТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Соат беш бўлишига бир неча дақиқа колди. Ардис Клинтон уйининг орка эшигини очиб, жазманини ичкарига киритди. Шахло кўзли, жингалак соч бу йигит Ардис яшайдиган уйининг яширин эшиги қаршисида жойлашган «Жо ҳузурида» номли тамаддихонада идиш юувучи бўлиб ишларди.

Ардис йигитни каттик кучаркан, унинг кўйлаги остига яширилган кассоб пичоғига кўли тегиб кетди. Ҳайрият, тез орада ҳаммаси тугайди. Ва, ниҳоят, тўнкасифат эрдан қутулади. У ўзининг аҳмокона хазиллари ва жирканч қилиқлари билан рихлатга равона бўлади. Унинг 20 минг долларлик суғурта пули эса...

– Биз бахтли бўламиз, Тони, – шивирлади аёл. Сен ўз ресторанингни очасан...

– Ҳа, биз мазза қилиб бахтли ҳаёт кечирамиз, унинг гапини маъқуллади Тони.

– Албатта-да, азизим, – жилмайди Ардис. – Турмуш қурган онимиздан бошлаб, ҳамма нарса яхшиликка юз тутуди, – у йигитнинг ёнокларини силаб, лабларини босди. – Менга қара, газакхонадан чиқиб кетаётганингни ҳеч ким кўрмадим?

– Ҳеч ким. Ҳамма идишларни ювиб бўлганман, официант аёл хўрандаларга хизмат кўрсатяпти...

– Яхши. Агар биронтаси ошхонага кирган ва сенинг йўқлигингни кўрган бўлса-чи? Бунга нима дейсан?

– Э-э... Чиқиндиларни ташлаб келгани кетгандим, дейман... Ёки маҳсулотлар олиб чиқиш учун ертўлага тушган бўлишим мумкин... Балки, хожатхона...

– Бўлди, бўлди, койил! – шоша-пиша уни тўхтатди Ардис ва маъқуллагансимон бош ирғади. – Каерда бўлганлигингни аниқ айтма, шунда улар ҳеч нарсани билишолмайди. Сен шунчаки ўша вақтда каерда бўлганингни аниқ эслаёлмайсан, тушундингми, азиним?

Тони бош ирғади. Аёлнинг елкаси узра ётоқхонага мўралади, ковоғини уйди:

– Жонгинам, нега ҳаммаёқни гўзитиб ташладинг? Тўғри, ҳаммаёқ худди ўғирлик содир бўлгандек кўриниши керак. Аммо эринг келмасидан олдин уйни ағдар-тўнтар қилиб ташлаш...

– Кейин вақт бўлмайди. Қўркма, Тони. Эшик ёпик бўлади. У ётоқхонага мўраламайди ҳам. У нима қилиши ва дейишини аниқ биламан. Чунки тўйимиздан бери ҳар куни битта гапни гапирradi ва битта ишни қилади...

Ўзинг биласан, Тони ҳамма нарсага рози эди. – Сен шундай деясанми, демак, шундай бўлиши керак!

– Бизга фақат полициячилар бош оғриғи бўлиши мумкин, холос. Сени бу ҳақда аллақачон оғоҳлантирганман. Аммо жудаям кийин синовга дош беришинга тўғри келади. Гарчи қўллариди далил-исботлари бўлмаса-да, сени шунақанги сикувга олишади, саволлари билан қалланини ачиттишади-ки, «ғик» этиб оғиз очи удек бўлсанг, тамомсан...

– Тан олмайман. Улар мenden бир оғиз ҳам сўзни суғуриб олишолмайди.

– Бунга ишончинг комилми? Улар сени роса жинни қилиб ташлашади. Ҳатто мен ҳаммасига иқрор бўлганлигимни ҳам айтишлари мумкин. Балки сени уришар ҳам... Булардан кейин эса ҳеч нарсага ишонмай коласан...

– Уларга ҳеч нарсани айтмайман, кайсарлик билан такрорлади йигит.

Ардис йигитга тикилиб боқаркан, у сўзида туришига мутлако ишонди. Кейин уни ҳаммом томон бошлади. Тони пластик пардани сурди, ванна ичига тушиб олди. Чўнтагидан қўлқоп олиб, кийди. Кўйнидан кассоб пичоғини чиқарди.

– Ардис, азизам....

– Ҳа?

– Мен сени уришим шартми? Балки салгина итариб юборарман ёки...

– Йўқ, жонгинам, аёл мулоимлик билан Тонининг гапини бўлди. – Сен мени уришинг шарт. Бу ахир ўғирлик-ку! Агар менинг эримни ўлдирсанг-у, ўзимга шикаст етказмасанг... Буни нима деб ўйлашлари мумкинлигини биласанми?

– Аммо мен ҳеч қачон аёлларни урмаганман-да! Сени каттиқрок уриб юборишим мумкин. Жонингни оғритиб...

– Тони!

– Бўпти, бўпти, – тўнғиллади у. – Шунчаки бу менга сираям ёкмаяпти-да!

Ардис уни маҳкам қучди, кейин меҳмонхонага қайтди. Соат чоракам олти бўлганди. Биллнинг ишдан қайтишига роппа-роса беш дақиқа қолди. Ардис ётоқхона эшигини ёпди ва диванга чўзилди. «Вой, худойим-ей, Билл, ҳеч бўлмаса умрингда бир марта ўзингни бошқача тутсанг-чи!», шивирлади у асабийлашиб. Аммо у ҳар доим ўзини бир хил тутарди. Шу туфайли ҳам аёлнинг бошқа иложи қолмади. У ажрашиши мумкин, аммо унда никоҳ ришталарини узишдан бошқа ҳеч нарсага эришолмайди. У янги

хаётни бошлани учун етарлича пули бўлмайди. Эри Ардисни аста-секин эсидан оздирган 15 йиллик хаёт учун ҳеч қандай бадал тўланмайди...

«Ўзинг айбдорсан, – алам билан шивирлади Ардис. – Мен бошқа чидай олмайман...»

Иўлакда оғир қадам товушлари эшитилди. Эшикдаги кулф буралди, Билл остонадан ўтди. У қирк беш ёшлардаги гавдали эркак бўлиб, катта механик бўлиб ишларди.

- Мен келдим. Кун кетди, доллар келди.

Ардис баширасини буриштирди. Билл ётоқхонани кесиб ўтди, одатдагидай хотининини ёноғидан чўлчиллатиб ўпди.

Кўришмаганимизга анча бўлди. Кечкурунга нима овқат?

Ардис тишларини ғичирлатди.

- Чикинди, – жавоб берди у. – Ахлатлар. Балчикли сасиган салат...

- О, жуда ништахаочар-ку! Иссик сув борми?

- Турган гапки, иссик сув бор, – вишиллади Ардис. – Қачон уйимизда иссик сув бўлмаганди? Қачон? Нега ҳар кун шуни сўрайверасан?

- Тушунмадим, нега кизишяпсан? – эри елка қисди. – Бўпти, бориб ювина қолай.

У йўлак бўйлаб кетди. Ардис ҳаммом эшиги очилгани ва ёпилганини эшитди. У ўрнидан турди, телефон дафтарчасини олди. Ҳаммом эшиги тарақлаб очилиб, деворга урилди. Тони йўлакка отилиб чиқди.

У пичоғини аллақачон ювиб бўлган, энди уни кўйлаги остига яшираётганди. Ардис полиция телефони рақамларини тера бошлади.

- Ёрдам беринг! – қичқирди у. – Ёрдам беринг...

полицья... ўлдиришяпти! – у гўшакни кўлдан тушириб юборди, шивирлаб сўради.– У ўлдими?

– Ҳа, албатта. Сен нима деб ўйловдинг?

Яхши. Энди охирги вазифангни бажар. Мени ур! – буюрди аёл иягини тепага кўтариб. – Тони, мени урсанг-чи!

У урди. Аёлнинг миясидан минглаб юлдузчалар сачраб кетди ва шу захоти ғойиб бўлишди. Аёл ерга кулади...

... Ардис ўзинга келганида, хамон диванда ётганини кўрди. Каттиккўллиги юзидан кўришиб турган эркак (детектив бўлса керак), унинг ёнида ўтирар, бўйинига стетоскоп осиб, оқ халат кийган ёшрок йиғит эса тик гуларди. Ардис ўзини жуда яхши хис этарди. Ҳатто Тони урган юзининг пастки қисми ҳам оғримасди. Бироқ Ардис ўзининг роль ўйнаши кераклигини эслаб қолди ва эшитилар-эшигилмас инграганча, сўради:

– Мен каердаман? Менга нима бўлди?

– Лейтенант Пауэрсман, – ўзини таништирди детектив. Нималар бўлганини ўзингиз антиб берармикансиз, дегандим.

– Мен... мен эслай олмайман. Эрим ишдан келиб, дарҳол ҳаммомга кириб кетди. Шу пайт эшик тақиллади, мен уни дўконнинг ташувчиси бўлса керак деб ўйлаб, эшикни очдим. У ичкарига отилиб кирди ва мени бир урди... Кейин ётоқхона томон отилди ва ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қила бошлади....

– Кўряпман. Назаримда, у жуда хаддидан ошганга ўхшайди. Наҳотки эрингиз шунча шовқинни эшитмаган бўлса?

– У эшитолмасди ҳам. Душ тагида чўмилаётганди...

Ардис жим бўлиб қолди, кўркувдан нафаси ичига

тушиб кетди. Лейтенант Пауэрс илжайди, кўзларида хунук ёлқин ёнди.

– Қойил-э, ковун тушириб қўйдингиз, шундай эмасми, Клинтон хоним?

– Мен... мен... гапини изни тушунмаяпман...

Жинниликни бас қилинг. Ванна ичи куп-курук-ку! Уша куни душ очилмаган, бунинг сабабини эса ўзингиз биласиз. Чунки ванна ичида бир одам яширинганди!

– Л-лекин... мен ҳеч нарсани билмайман. Мен беҳуш эдим...

– Ундай бўлса, ўша йигит ётоқхонага отилиб кирганини ва ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилганини қаердан биласиз? Унда полицияга қандай қўнғирок қилдини из?

– Билмадим... балки, бутунлай хушдан кетмагандирман. Назаримда, нималар бўлаётганини билаётгандек эдим, аммо идрок этолмасдим...

– Энди эса менга кулоқ солинг, – унинг гапини бўлди лейтенант. – Сиз 5.23да ёлғондакам чакирик бергансиз. Назорат машинаси уйингиздан узок эмасди, шу туфайли ҳам 5.25 да полициячилар уйингизга етиб келишган. Сиз беҳуш эдингиз ва ҳозиргина хушингизга келдингиз.

Ардиснинг кўз олдида хона чайкалиб кетди. Унинг назарида лейтенантнинг эгнидаги қора харбий либос худди руҳонийларнинг жуббасига ўхшаб кетди. Унинг орқасидан эса... худди гундек коп-қора канотлар кўриниб турарди. Шифокор ҳам худди шунақанги, факат ок рангли либос кийганди.

– Икки дақиқа ичида, – гапида давом этарди бу вақтда Пауэрс, – одам бир хонадонга киришга, ҳамма

ёкнинг тити-питисини чиқариб, яна жуфтакни ростлаб колишга улгурмайди!

– Демак телефон ёнида ўтири ан навбатчи аёл вақтин адаштириб юборган бўлса керак, гап тоғди Ардис. – Мен буни бошқача изоҳлай олмайман.

Пауэрс чўзибгина «ХМ-м» деб кўйди. Унинг оркасидаги канотлари жаҳл билан кимираб кетди ва Ардиснинг димоғига дуд ва ўлим хиди урилди. Лейтенант унга ҳақиқатга мосроқ тушадиган бошқа изоҳни айта бошлади. Ардис уни бўймай тинглар, аммо юзи хиссизлигича қолганди.

– Бу бемаънилик, лейтенант. Сиз Тони ҳақида қандай нийбатларни эшитганингизни билмайман. Турган гапки, мен ундан эримни ўлдиршини сўраган эмасман.

– У мажбурлаб кўндирганингизни таъкидлаяпти. Бизда ашёвий далиллар бор.

Ардис кулиб юборди – Тонида ҳеч қанақанги ашёвий далиллар бўлиши мумкин эмасди.

– Хўш, эрим-чи? Умид қиламанки, унинг аҳволи жойидадир?

– Жойидамкин?! – ўшқирди лейтенант. У қандай аҳволдалигини тасаввур ҳам қила олмайсиз, ахир уни ўзингиз шу кўйга... – у жим бўлиб қолди, яна гап бошлашдан олдин оғир хўрсинди. – Умуман олганда, унинг аҳволи қониқарли. У ҳали отдек бўлиб кетади. Тўғри, ҳозирча жароҳатлари оғир, аммо у кўрсатма берди...

- Бундан жудаям хурсандман. Агар шундок бўлса, унда нега мени сўроққа тутяписизлар? – У лейтенантга саволомуз боқиб, жавоб кутарди.

Пауэрс афсусланган кўйи башарасини буриштирди:

– Яхши, яхши, Клинтон хоним. Эрингиз ўлган. Бизда унинг кўрсатмалари йўқ, шунингдек, Тони ҳам икром бўлмаган.

– Йўғ-э?

– Аммо биз АНИК биламизки, бу ишда сиз айбдорсиз, буни ўзингиз ҳам биласиз. Балки ҳали имконият борлигида руҳингизни енгиллаштириб оларсиз?

– Ҳали имконият борлигида, дейсизми?

– Док! – Пауэрс оқ жуббали одамга ўгирилди. – Унга тушунгиринг, док. Жазмани зарба кучини ҳисобга ололмаганлигини айтинг.

Эркак диван томон яқинлаша бошлади. Ундан салкинлик ва раҳмдиллик тараларди.

– Клинтон хоним, афсуски, жароҳатингиз жудаям оғир.

Ростдан-а? Ардис жилмайди. – Мен ўзимни жуда яхши ҳис этяпман.

Мен бундай деб ўйламайман. Сиз шунчаки ҳис этмаяпсиз, чунки бунга иложингиз йўқ. Биласизми, бунакани и жароҳатларда...

– Йўқолинг бу ердан! – ўшқирди Ардис.

Илтимос, Клинтон хоним, менга ишонинг, бу полициянинг найрағи эмас. Бу руҳингизни енгиллаштиришининг ягона имконияти, холос.

– РЎЗИ МАҲШАРда жавоб беришдан олдин! – кўшиб кўйди лейтенант, Ардисни ўтли нигоҳи билан куйдириб юборгудек ўкраяркан.

Сиз мени кўрмага олмайсиз. Энди эса бу ердан қорангизни ўчиринг!

Аёл жаҳл билан кўзларини юмиб олди. У яна кўзини очганида, хонада ҳеч ким йўқ эди.

Ардис жилмайганча ич-ичида ўзини ғалаба билан табриклади. Айни шу пайтда йўлакдан оғир кадам товуши яқинлашиб кела бошлади. Кадам товушлари унинг эшиги ёнида тўхтади. Қулфдаги калит буралди. Эшик очилди ва ёпилди. Айни шу пайтда таниш овозни эшитиб, эсидан айрилаёзди:

– Мен келдим. Қун ўтди, доллар келди.

Ардиснинг лаблари захархондали кийшайди. Демак, улар ҳали тинчишмабди-да! Уни панжара ортига ўтказишни мўлжаллашибди-да! Нимаям дердик, яхши, унда ўзларининг мусикасига ўйнашади бўлмаса...

Эркак меҳмонхонани кесиб ўтиб, диван узра энгашди. Ардиснинг ёноғидан чўлпиллатиб ўпиб кўйди.

– Кўришмаганимизга анча бўлди. Кечкурунга нима овқат?

– Бойўғлидан ковордок! Энди эса, жаноб, кимлигингизни билмайман-у, аммо...

– О, жуда ништахаочар-қу! Иссик сув борми?

Вой худоним-ей, бизда иссик сув бор! Қачон уйимизда иссик сув бўлмаган ўзи? – Ардис бунга чидаёлмайди, ҳатто ҳазиллашиб бўлса-да, гаров бойлашиб бу эркак ўзини унинг эри қилиб кўрсатаётган эса-да, бу жудаям қуюшкондан чиқиб кетиш эди. – Йўқол бу ердан! Корангни ўчир! – чинқирди Ардис. Мен бунга чидаёлмайман! 15 йил чидадим, аммо энди...

– Тушунмадим, нега кизишяпсан? – у елка қисди. – Бўпти, бориб ювина қолай.

– Бас қил! БАС! – аёлнинг кичкириғи.... товушсиз, сукунатни тилиб ташлайдиган кичкириғи меҳмонхонани тўлдирди. – У... сен ўлгансан! Мен буни

биламан! Сен ўлгансан ва мен бир дақиқа ҳам сен билан бирга бўлишга мажбур эмасман!

— Буни ҳал қилишга ҳақкинг йўқ, — ғамгин бош чайкади Билл. — Ҳарҳолда, бўйнингни синдиришигандан сўнг...

У шундай деди-ю, Дорилбакода «хаммом» деб аталувчи жойга қараб кетди. Ардис шишадай қотиб қолган нигоҳларини зулматга тикканча, апави иккитаси

Маҳшаргоҳ ҳакамлари ўзига қандай ҳукм чиқарганларини эндигина тушуниб етди. Энди Ардис ҳеч қачон Биллдан ҳалос бўла олмайди ва ҳаётининг сўнгги кунигади воқеалар то қиёмат-қойимга қадар такрорланаверади...



Ричард ЛАЙМОН



Ричард Карл Лаймон 1947 йили Иллинойс штати (АҚШ)даги Чикаго шаҳрида туғилган. Адабиёт бўйича бакалавр даражасини – Орегон штатидаги Уильяметт университетиди, магистрик даражасини эса – Лос-Анжелесдаги Лойола университетиди олган. Уқитувчи, кутубхоначи, журналист сифатида фаолият юритган. У Ричард Келли, Карл Лаймон, Ли Дэ-

вис Виллогби тахаллуслари остида ҳам асарлар ёзган.

Лаймон кўпроқ даҳшатли асарлар ёзгани учун ҳам уни «Виждонсиз Стивен Кинг», «Уқувчини жirkanч қаҳрамонлар ёрдамида маҳкам ушлаб олиш бўйича Брет Истон Эллисга ҳам сабоқ бера олади» деб таърифлашади. «Flesh» романи 1988 йили «Science Fiction Chronicle» томонидан «Йилнинг энг яхши даҳшатли романи» деб тан олинган. 2001 йили, адабнинг вафотидан кейин унинг «The Traveling Vampire Show» романи «Bram Stoker Awards» мукофотиغا сазовор бўлди.

Лаймон 2001 йили 14 февралда юрак хуружидан вафот этди.

ТЕМИР ХОНИМ

Хамма нарса ўткинчи, хамма нарса ўзгаради, дейишади. Аслида эса буларнинг бари бўлмағур гап. Мен бир умр Виндвиллда яшадим. Жонинг грили ва ковокхонаси эса ўттиз йил аввал қандай бўлган бўлса, хамон ўшандайлигича турибди. Оғир пўлат гриль, пештахта, баланд оёқли айланувчи курсилар хамон ўша-ўша... Факат залнинг энг узок бурчагидаги девор ёнида турган столлар анчагина эскирган, холос... Айтганча, бўлмалардаги ўриндиклар устига янги мато қопланган, аммо Жо илгаригиси сингари кизил винил буюртиргани учун ҳам фарк унчалик сезилмайди.

Лекин одамлар ўзгаришди. Тўғри, эски мижозлар хамон келиб туришади, факат баъзиларини таниб бўлмай қолган. Масалан. Лестер Кихо хотинининг ўлиmidан сўнг тез қариди ва ичкиликка берилди. Темирийўлда стрелкачи бўлиб ишлайдиган Чўлок Сеж эса ногирон бўлиб қолгач, ҳар куни станцияга бориб, жўнаб кетаётган поездларни кўриб келадиган одат чикарди. У бироз вақт платформада туради, кейин физиллаганча биз томон келади, Лестер билан бир-икки қадах отиб олади-да, тақдирдан нолишга тушади.

Жонинг ўзи эса ишларини бутунлай ташлаб қўйди, бу ерга камдан-кам қирадиган, бутун вақтини тоғларда ов қилиш билан ўтказадиган бўлди. Шу сабабли ҳам сўнгги уч йил давомида – йингирма бир ёшга кирганимдан бери ковокхонага ўзим бошчилик қилмоқдаман. Жо шаҳардалигида эрталаблари бу ерга кириб, бир финжон қахва билан ширин кулча еб ўтиришни хуш кўради. Элси Томпсон ташриф буюрган

ўша тонгда эса у ўз одатича кийинклар ортидан кувиб кетганди. Тўғрироғи, қария Жонинг омади келганди, холос!

Қовокхонада Лестер икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Мен идишларни артаётгандим, у пештахта ёнида турганча, бугунги илк қадахини бўшатишни мўлжаллаётганди. Айни шу пайтда эшик ёнига бир машина келиб тўхтади: эски, шалағи чиққан «Форд» худди камида ўнта ҳалокатдан омон чиққан а ўхшарди. Ҳайдовчи моторни ўчирганидан сўнг ҳам улов яна бир дақиқача тариллаб, титраб турди.

Мен қилаётган ишимни ҳам унутганча, уни томоша қила бошладим. Машинадан сакраб тушган паканагина, худди бўғирсокдай дум-думалок, бошдан-оёқ ола-була ҳарбийча рангдаги кийим кийган, сочлари калта, темир гардишли кўзойнак таккан кекса аёлни томоша қилса арзирди. У оғзидаги сакичини худди ёнғок чақаётгандек жон-жаҳди билан қарсиллатиб чайнаб, кўлида эскигина чарм сумка бор эди.

– Анавини бир кўргин-а! – хитоб қилдим мен, аммо Лестер пинагини ҳам бузмади.

Бир маҳал эшик ланг очилиб, ўша аёл чанг босган ҳарбийча бошмоқлари билан худди аскарлардек шахдам кадам ташлаганча пештахта томон яқинлаша бошлади. Унинг жағлари бир неча марта кимираган пайтда кулоғимга «қаҳва» деган сўз чалингандек бўлди.

– Ҳозир тайёрлаб бераман, хоним, бош ирғадим мен.

– Раҳмат, – тўнғиллади кекса хоним, буғи буркираб турган финжонни олар экан. – Энди менга айтинг-чи, йигитча, бу муассаса Жозеф Жеймс Лоурига қарашлими?

– Ҳа, уники, – дедим аёлга тикилиброк караканман.

– Ҳайрият-э! – мамнун илжайди у. – То Жо Лоури ва унинг лаънати ковокхонасини топгунимча Чикагонинг гарбидаги барча майда-чуйда шаҳарчаларни кезиб чиқишга мажбур бўлдим ва уларнинг ҳар бирида албатга кандайдир Жонинг ковокхонасини учратдим-а! Аммо бир кунмас-бир кун унинг маконини топишимни барибир билардим... Биласанми, нега: чунки менинг иродам темирдай мустаҳкам. Ана шунақа!.. У ўзи қай пайтда келади?

– Ҳа-а... У сизга нега керак ўзи?

– У бу ерга келадими ё йўқми?

– Албатта келади.

– Жуда соз! Фақат пештахта ортида ўзи турмаётгани жудаям кизик туюляпти.

– Демак, уни таниркансиз-да?

– Бўлмаса-чи! – Аёлнинг кўзларида ғамгин ифода ярқ этиб кўринди-ю, дарров ғойиб бўлди. – У Чикагода яшаганида, бир-биримизни жуда яхши танирдик.

– Балки унга кўнғирок қилиб, шу ердалигингизни айтиб қўйиш керакдир?

– Ҳожати йўқ, – кекса хоним илжайиб, кавшанганча тиззасидаги эски сумкасини очди ва... каттагина тўппонча чиқарди. Тўғри, бу кинолардаги ковбойлар бир-бирига ўқ узадиган куруллардан эмасди. Аммо энг кўнғилсиз томони, бурнимнинг тагида кўриниши жудаям хунук, мили узун 38-калибрли «смит-вессон» гуарди. Мен уни ҳайратда қолдирмоқчиман. Тўғрироғи, биргаликда ҳайрон қолдираман.

Гарчи кўркувдан тилим калимага келмай қолган бўлса-да, бош ирғашга куч топа олдим.

– Хўш, Жо соат нечада келади?

– Якинда келиб қолади... – мен чукур хўрсиндим.
– Аммо... сиз уни отмассиз, ҳар ҳолда...

– У қачон келади, деб сўраярман?! – менга ўқрайиб қараганча, қайта сўради аёл.

– Менимча... – мен чайнала бошлаган вақтимда, узокдан поезднинг чўзик гудоги эшитилди. Соат 10.55 да Паркервилдан келадиган тезюрар поезд эди бу. – У тез орада келиб қолади.

– Бўпти, уни кутиб ўтираман. Анали нусха ким?

– Қайси? Ҳа-а, у Лестер.

– Ҳой, Лестер! – чакирди кутилмаган «меҳмон» тўппончасини ўйнаганча.

Лестер биз томонга ўгирилиб, курулни кўрди, аммо килт этмади.

– Менга қара, Лестер. – буюрди кеса аёл катъий овозда, – жойингдан кимирламай ўтир. Ўрнингдан турган захотинг қаллангдан дарча очилади!

Лестер миқ этмай бош ирғади, бир хўплашда қадахини бўшатди, кейин аёл мен томонга ўгирилди.

– Сенинг исминг нима?

– Уэс.

– Уэс, Лестернинг қадахи доимо тўла бўлишига кўз-кулок бўлиб тур. Жаҳлимни чиқарадиган иш қила кўрма! Агар бошқа миждларинг келгудек бўлса, ўзингни худди ҳеч нарса бўлмагандек тутгин. Бу тўппончада олтига ўк бор, мен эса хатосиз отаман. Аммо шуни қулоғингга илиб олгинки, ковоқхонангни мурдаларга тўлдириб ташлашим ҳам мумкин. Уқдингни?

– Уқдим, – мен Лестернинг қадахига виски қуйдим ва яна суҳбатдошимнинг ёнига қайтдим. – Бир нарсани сўрасам майлими?

– Сўрайкол.

– Жо Лоурини нима учун ўлдирмоқчисиз?

Кампиршо сакич чайнашдан тўхтаб, хўмрайди.

– Чунки у ҳаётимни барбод қилди. Ўйлашимча, бу бир одамни ўлдириш учун етарли асос бўлса керак. Шундайми?

– Жони ўлдиришнинг ҳожати йўқ.

– Сен шундай деб ўйлайсанми?

– У сизга нима қилганди ўзи?

– Мени ташлаб, Марта Дипсуорти билан қочиб кетган.

– Марта билан?! Ахир у Жоннинг рафикаси-ку! Тўғрироғи, рафикаси эди.

– Нима, у ўлдими?

– Уч йил бўлди.

– Шундайми? – аёл мамнун илжайди ва яна сакич чайнашга тушди. – Кара-я. ўзи-ку аслида арзимаган гап, аммо одамга хуш ёқади-я, курмағур... Жо аслида менга ўйланиши керак эди – ахир ҳали гирикман ва бардамгинаман. Агар унинг ақли жойида бўлганида эди, буни аллақачон тушуниб етган бўларди. Тўғри, уни айнан шу борада бироз Худо қисган-да... Биласанми, у доимо нимани орозу қиларди? Ғарбий соҳилбўйига кўчиб кетишни ва қовокхона очишни! Шунчалик ҳам эсипаст бўладими, одам?! Марта эса буни доимо зўр фикр деб ҳисобларди. Мен унга «Нимаям дердим, унга турмушга чиқа қол. Жо шунчалар тентак бўлиб, ўз ҳаётини аҳмоқона ишларга сарфлашни истаса, унинг менга нима кераги бор?», дегандим. Бу гап ўттиз йил муқаддам бўлганди.

– Агар ўзингиз шундай деган бўлсангиз... – гап бошладим-у, жим бўлиб қолдим: аёллар билан

бахслашишнинг ўзи кийин, айниқса, кўлида тўшпончаси бўлса...

– Нима демокчисан?

Шунчаки ўзим...

У сақичини тили билан лунжига суриб, қахвадан хўплади.

– Нимани билмокчи эдинг?

– Айтмокчийдим-ки... Агар уларга ўзингиз турмуш қуришни таклиф қилган бўлсангиз, энди эътироз билдиришингиз тўғри бўлмайди-да!

Кампиршо финжонни пештахта устига қўйиб, Лестерга назар ташлади – у ҳамон жойида кимирламай ўтирар, аммо энди қадахига эмас, балки унинг тўшпончасига бақраярди.

Мен тез орада ўзимга бошқасини топиб оларман, деб ўйлагандим, – у кўлидаги идишни пештахта устига қўйиб, ғамгин хўрсинди. – Кутдим... кутдим... ва, ниҳоят, менга бошқа ҳеч ким керак эмаслигини тушуниб етдим. Менга фақат Жо керак эди, уни эса кўлдан чиқариб юборгандим. Ана шунда бу ярамас билан орани очиқ қилиш фикри келиб қолди.

Аммо, бу барибир...

– Нима?

– Тентаклик-да!

– Йўк, азизим! У шунга муносиб!

– Балки яна муносабатларингизни тиклаб оларсиз?

Ахир Марта ўлганидан бери у ҳеч кимга карагани йўк. Балки...

– Энди жудаям кеч бўлди.

Кутилмаганда Лестер ўтирган жойидан сакраб турди-ю, эшик томон югурди. Аёл чакқонлик билан ўрнидан туриб, тўшпончасини кўтарди-ю, мўлжалга

олмасданок тепкини босди. Ҳақиқатан ҳам у уста мерган экан. Ўк Лестернинг чап кулоғи солинчоғини қирқиб кетди ва мўйсафид фарёд урганча яна бояги жойи томон югурди.

– Ҳеч ким ҳеч нарсани эшитмади, деб умид қиламиз,
– тўнғиллади кекса аёл.

«Ҳеч ким эшитмайди ҳам», ўйладим ичимда. Қовоқхона шаҳардан ташқарида, катта йўлнинг ёнида жойлашган бўлиб, бизга энг яқин жойлашган бино – бир неча чақирим наридаги ёнилғи қуйиш шохобчаси эди. Бу ўлкаларда овчилар кўплиги учун ҳам бир марта узилган ўк товушига ҳеч ким эътибор ҳам бермайди.

Шунга қарамай, асабийлаша бошладим. Нақ беш дақиқача мик этмай кутдик, кейин кекса хоним худди потерясига ютук чиққандай ўз-ўзидан хириглаб қўйди:

– Омадимиз келди!

– Жонинг эса омади келмади, – дедим мен. – Лестернинг ҳам.

Лестер мик этмай ўтирарди. Бир қўли билан кулоғини ушлаганча, иккинчи қўлида қадахини тез-тез оғзига яқинлаштирарди.

– Қочиш керак эмасди! – аёл тўппонча мили билан пештахтани тарақлатиб урди. – Умуман олганда, эркакларнинг бари шунақа – доимо қаёққадир туёғини шикиллатиб қолишни кўзлашади. Сен ҳам қаёққадир қочишни мўлжалламаётгандирсан, деб умид қиламан...

– Йўғ-э, хоним, нималар деяписиз?!

– Қара, бола! Қочсанг, гумдон қиламан-қўяман, тамом-вассалом! Бугун кимнидир албатта гумдон қиламан. Бугун – Элси Томпсон Жо билан орани очик қиладиган куним!

– Йўқ, хоним, мен ҳеч қайққа қочиб кетмоқчи эмасман. Аммо Жони отишингизга йўл ҳам қўя олмайман. Қандай қилиб бўлмасин, бу ишингизга ҳалақит бераман.

Мен Лестерга яқинлашиб, унга яна виски куйиб бердим.

– Ҳалақит беролмайсан! Сен ҳам, бошқа биров ҳам. Чунки менинг иродам темирдек мустаҳкам, Элси хунук тиржайди. – Бугун мен ўлмоқчиман. Шундай экан, мени ҳеч ким тўхтата олмайди. Буни кулоғингга куйиб ол! Жони гумдон қилган захотим машинаманга минаман-да, бу ердан жуфтакни ростлайман. «Форд»имни етмиш... ҳатто саксон миля тезликда ҳайдайман-да... йўғонрок дарахтни топаман ва...

Мен кулиб юбордим.

– Мени томи кетган деб ўйлаяпсанми? – ўкрайди Элси.

– Йўқ, хоним. Шунчаки, дарахтни танлаганингизга кулгим қистаяпти. Тушунаяпсизми?

– Йўқ.

– Чунки Жо билан қандай ҳодиса юз берганидан хабарингиз йўқ-да! У ҳам шаҳар чеккасидаги қари эман дарахтига урилганди. Ёнида эса Марта бор эди. Хотини ҳалок бўлди, ҳатто доктор Миллз ҳам тирик қолишидан умид узган Жо эса оёққа туриб кетди. Тўғри, энди унинг юзи ганиб бўлмайдиган аҳволда, чап кўзидан айрилгани учун худди қароқчиларники сингари боғич тақиб юради.

– Бас қил!

– Унинг оёғини ҳам кесиб ташлашган!

– Бас қил! Гапларингни эшитгим келмаяпти, деяпман, сенга!

– Ҳа, ҳа, кечирасиз хоним... Шунчаки, дарахт – энг яхши усул эмаслигини айтмоқчийдим, холос.

– Мен бунинг уддасидан чиқаман.

– Тағин Жога ўхшаб колманг: протез оёқларда лўкиллаб юрасиз, кўзингизда боғич, юзингизни ҳатто энг яқин дугонангиз ҳам танимайди...

– Ўчир овозингни! – ўшқирди кекса аёл ва тўппончасини нақ томоғимга такади.

– Факаг, биласизми... – муросасоз оҳангда давом этдим мен. – Шаҳардан бир чакиримча масофада жуда зўр бетон тўсик бор...

– Менга яна қаҳва қуйиб бер ва овозингни ўчириб ўтир!

Мен қаҳва кайнатадиган идишни олиш учун қўл чўздим ва... айни шу пайтда кимдир бошмоқларини оғир-оғир таниллатганча, қовоқхонанинг ён томонидаги ёғоч ёткизилган йўлак бўйлаб айнан биз гомонга келаётганини эшитдим. Элеига кўз киримни ташладим, у хунок тиржайганча, сақичини қарсиллатиб чайнашга тушганди.

Дераза ойнасидан шу томонга келаётган одамнинг таниш оппоқ сочлари ва чап кўзига боғич боғланган чандиқли юзини кўрдим. Қараётганимни сезиб, у ҳам жилмайди ва қўлини силкиб қўйди.

Мен Лестерга қарадим – у бизга эътибор ҳам бермай, қулоғига қоғоз сочиқчани босганча, навбатдаги қадахни бўшатгиш билан овора эди.

– Унинг ни чиқарма! – шивирлади Элеи, тўппончани кўксимга тираб.

Қовоқхона эшиги аста очилди.

– Жо, ерга ёт! – қичқирдим мен.

Кутилмаганбухолатдан қирган одам саросималаниб,

турган жойида котиб колди ва атрофига аланглаи бошлади. Элси эса тантанавор охангда каттик кичкирганча, курсидан сакраб тушди ва унга карата ўк уза кетди. Дастлабки иккита ўк унинг кўкрагига, кейингиси томоғига, яна биттаси – елкасига тегди, бундан унинг танаси бир юз саксон градусга айланиб кетди, окибатда сўнгги ўк думғазасига тегди.

Мен Элси томон отилдим, аммо у чакконлик билан ўгирилди-да, тўппончанинг миля билан бошимга шунақанги туширдик, ерга узала тушдим-кўя колдим. Ўрнимдан туришга уриниб, ерда ғужанак бўлиб ётарканман, кекса хоним чакконлик билан ўликнинг устидан хатлаб ўтди-да, кўчага югуриб чикиб кетди. Мен айни унинг шалдинок араваси орқаси билан юра бошлаганида ташкарига чикдим, филдираклар чийиллади, куйган резина хиди сасиди ва «Форд» кўздан йўколди.

Мен ковокхонага кайтиб кирдим. Лестер курсисини эшик томон ўгирганча, пештахта ёнида ўтирар ва дахшат ила мурдага тикиларди. Мен ўзимни ўриндикка ташладим-да, сигарет тутата бошладим.

Қанча вақт шу тарзда ўтирдик, билмайман. Фақат якинлашаётган сирена товушини эшитибгина, бу карахтликдан ўзимга келдим. Орадан бир неча сония ўтгач, бир тўда сокчилар хамрохлигида шериф машинаси, унинг ортидан эса шовкин-сурон билан «Тез ёрдам» машинаси ўтиб кетди.

– Элси учун кетинияпти, шекилли, – дедим мен.

Лестер елка кисиб кўя колди.

Орадан беш дақиқача ўтгач, яна эшик очилди ва ичкарига мен яхши танийдиган баланд бўйли, алпкомат эркак кириб келди.

– Вой, худойим-сй! – у хайрат ила Лестериковимизга тикилди. Кейин мурдаинг ёнига чўккалади. – Чўлок Сеж! Бечорагина! Афсус, энди унга ёрдам беролмаймиз.

– У қари стрелкачининг елкасига шапатилаб уриб кўйди-да, ўрнидан турди ва шимини кокишга тушди.

– Бу кимнинг иши бўлди?

– Қандайдир эсини еган бир кампир, – минғирладим мен. – Бу ерга келиб, то сиз билан орани очик қилмагунча кетмаслигини айтди... дада!



Лоуренс БЛОК



Лоуренс Блок 1938 йилда таваллуд топган. Таҳсилчилари Пол Кэвенг, Эндрю Шоу, Шелдон Лорд, Жилл Эмерсон.

Блок ёзишни коллежда ўқиётган вақтида бошлаган, аммо ноширлардан шунчалик кўп рад жавобларини олганки, уларни ҳатто гулқозғоз ўрнида хонасининг девор-

ларига ёпиштириб чиққан эди ҳам.

Бугунги кунда Лоуренс Блок 50 дан ортиқ романлар, юздан ошиқ ҳикоя ва мақолалар муаллифи бўлиб, у ҳақли равишда замонавий детектив усталаридан бири саналади. Лоуренс Блок америкалик ёш ёзувчиларнинг энг яхши устозларидан бири бўлиб, энди қўлига қалам олганлар учун 4 та китоб ёзган. У махсус ёзувчилар семинарини ташкил этишида жонбозлик кўрсатади.

Лоуренс Блок уч марта Эдгар По мукофотиغا, тўрт марта «Shamus» совринига, шунингдек, «Ниро Вульф», «Мальта Лочини» ва «Энтони» мукофотларига сазовор бўлган.

АУДИТОРНИНГ ҚАСОСИ

Дастлабки хатжилд сешанба куни унинг столига келиб тушди. Уни кўрган Майрон Хеттингер хатжилдда бир гап борлигини дарров пайкади. Гап шундаки, у сешанба кунлари эрталаб сираям ишга оид хат-хабарларни олмасди. Жума куни жўнатилган мактублар душанба куни етиб келарди. Душанба куни жўнатилганлари эса чоршанба куни, камдан-кам ҳоллардагина сешанба куни кечга томон етиб келарди. Бу хагни эса эрталаб чопар ташлаб кетди.

Хеттингер уни кўлига олди, лекин дарров очмади. Аввал унга назар солди. Унда идорасининг манзили кўрсатилган. Оддий ёзув машинкасида ёзилган. Почта муҳри якшанба куни босилган, лекин қайси манзилдан жўнатилганлиги кўрсатилмаган.

У хатжилдни очди. Ичидан эса хат эмас, ярим яланғоч бир аёл ва бир эркакнинг сурати чикди. Эллик ёшлардан ошиб қолган, тенакал, тўладан келган, узун бурунли, лаблари ингичка бир эркак ва унинг салкам кизи тенги келадиган, ёқимтойгина, табассум қилиб турган малласоч аёл тасвирланганди суратда. Бу эркак Майрон Хеттингернинг ўзи бўлиб, аёл Шейла Бикс эди.

Хеттингер суратга узок тикилиб қолди. Кейин уни столга кўйиб, ўрнидан турди. Эшик олдига борди-да, хонаси эшигини кулфлади. Қайтиб келиб жойига ўтирди, хатжилд ичида суратдан бошқа ҳеч нарса йўқлигига амин бўлгач, суратни ва хатжилдни бир нечта бўлақларга бўлиб кулдонга солди-да, ёқиб юборди.

Бошқа одам бўлганида, суратни ва хатжилдни минг

бўлакка бўлиб, ойнадан отиб юборарди. Лекин Майрон Хеттингер жуда босиқ одам. У фотосурат - таҳдид эмаслигини, факатгина унинг бош оғрикли кунлари бошланаётганидан бир дарак, ёнгин олдидан кўтарилган тутун эканлигини яхши биларди. Шундай экан, ҳали нима гаплигини билмай туриб, подадан олдин чанг чиқаришнинг нима кераги бор?

Хонада нохуш хид таралди. Кулдондаги олов ўчгач, Хеттингер хонани шамоллатди.

* * *

Иккинчи хатжилд икки кундан кейин, пайшанба куни эрталаб келди. Хеттингер бу хатжилднинг келишини ич-ичидан сезар, аммо бундан сираям кўркмаётганди. Худди ўтган сафаргидек бир дунё хатлар ичидан ўша хатжилдни ажратиб олди, лекин бу гал сурат ўрнига арзон қоғозга ёзилган кискагина хат бор эди:

«Қоғоз халтага ўн ва йигирма долларлик пуллардан 1000 доллар солинг ва уларни «Таймс-сквер» бекатидаги саклаш камерасида қолдиринг. Саклаш бўлмасининг калитини хатжилдга солинг ва уни «Слокам» меҳмонхонасининг қайд этиш жойида жаноб Жордан учун қолдиринг. Бу ишларни бугунок бажаринг, акс холда сурат хотинингизнинг қўлига етиб боради. Полицияга хабар берманг, шахсий изкувар ҳам ёлламамг, бирор қилик чиқарсангиз, ўзингизга ёмон бўлади».

Хатнинг эгаси охирида келтириб ўтилган учта огоҳлантирувни ёзиши шарг эмас эди. Огоҳлантиришсиз ҳам Хеттингер полицияга хабар бермоқчи ёки изкувар ёлламоқчи эмас эди. Бирор бир қилик чиқариш эса унинг хаёлига ҳам келмаганди.

Хатжилд ва хат кулдонда ёниб тугагач, кондиционер оркали хонадаги тугунли хавони тозалади. Хеттингер ойна олдида 43-чи Шаркий кўчага бокканча, ўйланиб қолди. Суратдан ҳам кўра хат уни кўпроқ ташвишлантирарди. Бу хат унга таҳдид киларди. Унинг тинч ва сокин ҳаётига хавф таҳдид солаётганди.

Майрон Хеттингер ўз ютуқлари билан фахрланишга тўла ҳақли. Унинг ишлари зўр кетмоқда: у – олий тоифали аудитор, ҳар йили турли жисмоний ва юридик шахсларга соликларнинг миқдорини камайтиришда ёрдамлашиб, мўмайгина даромад килади. Онласи ҳам ҳавас килса арзигулик: ўзидан 2 ёш кичик бўлган рафикаси Элеонор жуда покиза аёл, уйларини саранжом-сариншта тугади, боз устига жуда пазанда ҳам. Майронга рафикасининг энг ёқадиган хусусияти шуки, эрининг шахсий ишларига «бурун сукмайди» ва унинг ўзи асос солган жамғармадан йилига 25 минг доллар пул ўтиб гуради. Бунчалар мукаммал ҳаёт таърифини яқунлаш учун эса беназиру-бенуксон маъшукани ҳам айғиб ўтмаса бўлмас. У ўша – нотаниш кимса жўнатган суратда Майроннинг ёнида турган сохибжамолнинг ўзгинасидир. Шейла Бикс. У билан бирга Майрон ўзини жаннатдагидек ҳис этади. Шейланинг талаблари ҳам ўта камтарона бўлиб, энг зарур нарсалар: уй тўловлари, кундалик харажатлар ва онда-сондагина кийим-кечак учун сал кўпроқ пул сўрашдан иборат эди, холос.

Иши зўр, рафикасининг тенги йўқ, маъшукасининг олдидан эса бутун дунёда и сохибжамоллар ўтаверсин... Анави лаънати шантажчи жаноб Жордан эса Майрон курган биллур қасрни кўтариб турган мана шу учта қояни қулатмоқчи бўляпти. Агар бу лаънати сурат

Хеттингер хонимнинг кўлига тушиб қолса борми, у ўйлаб-нетиб ўтирмай ажрашади. Майрон бунга сираям шубҳа қилмасди. Агар ажрашиш жанжалли бўлса (шундай бўлиши ҳам мумкин!), унинг бизнесига зиён етади. Охир-окибатда эса Шейлани ҳам йўкотади.

Хеттингер на миждозларини, на хотинини, на маъшукасини йўқотишни истамасди. Иши ўзига жуда ёқади, шунингдек, Элеонор ва Шейла ҳам. Аммо унда нима қилсин?

Жавоб, турган гапки, тайин эди. Айни туш пайтида Хеттингер кабинетидан чиқди, банкка йўл олди, ҳисоб рақамидан минг долларни олиб, ўн ва йигирма долларлик қилиб майдалатди, кейин пулларни сигара қутисига жойлади ва уни «Таймс-сквер» бекатидаги сақлаш камерасига олиб борди. Сақлаш бўлмасининг калитини жаноб Жордан номи ёзилган хатжилдга солди, уни елимлади, «Слокам» меҳмонхонасининг эшикбоғасига топширди ва тушлик ҳам қилолмай яна ишхонасига қайтди. Кечкурун эса жаноб Жордан туфайлими ёки тушлик қилмаганиданми, Майрон Хеттингернинг жиғилдони қайнади. Содали сув ичиб, бир амаллаб ўзига келди.

* * *

Учинчи хатжилд иккинчисидан кейин бир hafta ўтгач келди. Кейин эса бунақанги хатжилдлар яна тўрт haftaгача пайшанба кунлари кетма-кет келиб турди. Улардаги хатларнинг фақат икир-чикирларигина фарк қилар, яъни фақат жаноб Жордан учун хатжилд қолдириладиган меҳмонхонанинг номи ўзгарарди, холос.

Майрон Хеттингер мактубдаги кўрсатмаларни аниқ бажарарди: банкка борар, у ёқдан метро бекатига,

кейин кўрсатилган меҳмонхонага борар, шундан сўнгина ишхонасига қайтарди. Ҳар сафар тушликсиз қолар, бунинг оқибатида эса кечқурун жигилдони қайнаганидан қийналар ва содали сув билан даволанишига тўғри келарди.

Бу ишлар энди мунтазамлик касб эта бошлади. Тўғри, Хеттингер бу мунтазамликка қарши эмасди. Мунтазамлик воқеа ёки ҳатти-ҳаракатларнинг бир тартибга тушиб қолганлигини билдирарди, Майрон Хеттингер эса тартибни ҳурмат қилади. У ўзининг шахсий ҳисоб-китоб дафтарида жаноб Жордан учун алоҳида саҳифа очди ва ҳар пайшанбада унга сарфлаган минг долларни ёзиб қўя бошлади. Биринчидан, Хеттингер назарда тутилмаган харажатларга йўл қўя олмасди. Иккинчидан, қалбининг туб-тубида у жаноб Жорданга қилинган харажатларини солиқдан чегириб қолиш йўлини топишига умид қиларди.

Турган гапки, у хотинига шантажчи ҳақида оғиз очгани ҳам йўқ. Бундай ишга ҳағто ўта кетган тентак ҳам жазм қилолмаган бўларди. Бу ҳақда Шейлага ҳам айтгани йўқ. Майрон Хеттингер ўзининг шахсий ишларини ҳеч ким билан муҳокама қилмаслик керак, деган нуқтаи назар тарафдори эди.

Жаноб Жорданнинг олтинчи (агар сурат билан келганини ҳам ҳисоблаганда, еттинчи) хати келганида, Хеттингер хонасининг эшигини қулфлаб олиб, хатни ёкиб юборди ва суянчиғига суянганча, чуқур ўйга ботди. У бир соатча шу алфозда ўтирди. У ўйларди.

Ҳар ҳафтада минг доллардан айрилавериш унга ёқмасди. Бу Майрон Хеттингернинг ҳисоби бўйича жуда катта пул эди. Ҳар ҳафтада шунчадан тўлаб борилса, бир йилда эллик икки минг доллардан

айрилишини ҳисоблаб топиш учун эса аудиторлик дипломи шарт эмас. Бунақанги ортикча харажатларга чек қўйиш вақти етди, деган қарорга келди у.

Бу масалани Хеттингер иккита йўл билан ҳал қила оларди. У шантажчи манави лаънати фотосуратни Хеттингер хонимга жўнатишига йўл қўйиши ёки унинг шантаж қилишига чек қўйиши шарт. Биринчи усулнинг ўта кўнгилсиз асоратлари чиқиб қолиши мумкин. Иккинчиси-чи... аммо уни қандай амалга оширса экан-а?

Хеттингер, турган гапки, жаноб Жорданга мактуб ёзиши ва уни инсофга чақириши мумкин эди. Аммо ич-ичида бундан наф чикмаслигини сезиб турарди. Дарҳақиқат, шантажчида виждон бўлармикан ўзи?

Яна нима қилиш мумкин?

У жаноб Жорданни ўлдириши мумкин.

Афтидан, бу шантажчини тўхтата оладиган ягона йўл бўлса керак. Фақат уни қандай амалга ошириш керак? Майрон Хеттингер хатда кўрсатилган меҳмонхонанинг йўлагиди то жаноб Жордан калитли хатжилдни олгани келгунича кутиб ўтиролмасди: шантажчи уни юзидан танирди. Айни шу сабабга кўра саклаш камералари ёнида лакиллаб юришдан ҳам фойда чикмасди.

Агар инсон билан учрашиш мумкин бўлмаса, уни қандай ўлдириш мумкин экан?

Айни шу пайтда Хеттингернинг хаёлига бир ўй келди. У бсихтиёр жилмайди. Ўта мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини топган одамларгина шундай жилмайишади.

* * *

Ўша кунни Хеттингер туш вақтида кабинетидан

чиқди. У банкка бормади, аммо кимёвий реактивлар дўконига, баққолчилик дўкончасига ва бир нечта дорихоналарга кирди. Ҳар бир жойда у фақат битта-битта нарса сотиб оларди.

Бомбани у жамоатчилик хожатхонасида ясади. Сигара қутисига жойланган бомбанинг асосий таркибий қисми – нитроглицерин бўлиб, бу модда салгина ҳаракатга келтирилса ҳам дарров портлайди. Хеттингер қутининг қопқоғи очилганида, албатта портлаш юзага келадиган қилиб ясаганди. Турган гапки, қутини очиш тугул, ҳатто тушириб юборилса ҳам, портлаб кетарди.

Тайёр бомбани Майрон қоғоз халтага солди ва уни «Таймс-сквер» бекатидаги сақлаш камерасига олиб борди. Жаноб Жорданга аталган калитли хатжилдни «Блэкмор» меҳмонхонасида қолдирди. Яна ўзининг кабинетига қайтиб келди. Бу сафар одатдагидан йигирма дақиқа кўпроқ вақт сарфлабди...

Куннинг иккинчи ярмида унинг иши қовушмади. У бугунги харажатларни жаноб Жордан учун ажратилган саҳифага ёзиб қўйди ва эртага эрталаб барига нукта қўйилиши ва бу ҳисоб рақами ёпилиши ҳақида ўйлаб, жилмайди. Аммо миждозлар учун ишлашга сираям ҳафсаласи келмади. У ишлаёлмай ўтирар ва ўзининг топқирлигидан завқланарди.

Бомба унга панд бермайди. Хеттингер нитроглицеринни аямади. Ўша модда микдори нафақат жаноб Жорданни, балки портлаш марказидан йигирма ярдча радиусдаги барча нарсани парча-парча қилиб ташлашга қодир эди. Турган гапки, бошқа одамлар ҳам ҳалок бўлиши мумкин. Бундай эҳтимол ҳам йўқ эмасди. Айтилик, шантажчи сигара қутисини метрода очса... ёки уни ерга тушириб юборса...

Нима бўлганда ҳам, бунақанги майда-чуйдалар Хеттингерни ташвишлантирмасди, жаноб Жордан ўзи билан бирга канча одамнинг бошига етиши мумкинлигини ўйламасди ҳам. Ўша эркаклар, аёллар, болаларнинг бевакт ўлимини унга сираям дахли йўқ эди. У фақат бир нарсани биларди: жаноб Жорданинг ўлими Майрон Хеттингернинг хаёти эди. Қолган нарсаларнинг эса аҳамияти йўқ.

Соат бешларда Хеттингер ўрнидан турди. Кабинетидан чиқди, настга гушди, ниёдалар йўлагига турди. Уйига боргиси келмасди. Нима бўлганда ҳам, у иложи йўқ нарсанинг ечимини топди. Бундай муваффақият эса нишонланмаса адолатдан бўлмас...

Элеонор билан ўтадиган окшомлар байрамга ўхшамайди. Бунақанги мақсадлар учун кўпроқ Шейла мос келади. Бироқ Хеттингер ўрнатилган тартибни бузгиси келмасди. У Шейланинг уйига душанба ва жума кунлари борарди. Бошка кунлари уйда бўларди.

Тўғри, бугун у ўрнатилган тартибни бир марта бузишга улгурди: пул ўрнига хатжилди а бомба кўйди. Нимаям дердик, чиллаки чиллакни кўриб, чумак уради-да!

У хотинига автомат-телефондан кўнғирок қилди:

– Мен бир печа соат шахарда ушланиб қоламан. Илгарирок кўнғирок қила олмадим. Зарур иш чиқиб қолди.

Элеонор қанақанги зарур иш чиқиб қолгани билан қизикмади ҳам. Яхши рафика сингари уни севишини айтди, афтидан, ҳақиқатдан ҳам шундай эди. У ҳам хотинини севишини айтди. Турган гапки, алдади. Гўшакни осиб кўйди-да, такси ушлаб, хайдовчидан Фарбий 73-чи кўчага элтиб кўйишини сўради.

Шейла тўрт каватли гиштин уйнинг учинчи каватида яшарди. Уйда лифт йўқ эди. Хеттингер унча тик бўлмаган зинадан иккига каватга кўтарилиб, эшикни тақиллатди. Ҳеч қандай товуш чикмади. Шунда у эшик кўнғироғини жиринглатди, илло у камдан-кам холлардагина шундай қиларди.

Агар бундай хол душанба ёки жума куни юз берганида эди, Майрон Хеттингернинг кўнгли оғриб қолган бўларди. Аммо у пайшанба куни, огоҳлантирмасдан келди, шу сабабли ҳам Шейланинг йўқлигидан у қадар жаҳли чикмади ҳам.

Табиийки, унинг калити бор эди. Агар эркак киши маъшуқасининг уйи учун пул тўласа, унинг доимо ўз калити бўлади. Хеттингер эшикни очди ва ичкарига кирди. Шотланд вискисини топиб, қадахга қуйиб олди (душанба ва жума кунлари унга вискини Шейла қуйиб берарди). Қулай оромкурсига ўтирди-да, вискини аста хўнлаганча, Шейланинг келишини кута бошлади.

Хеттингер оромкурсига ўтирганида, йиғирмата кам олти бўлганди. Олтидан йиғирма минут ўтганида эса зинадан қадам товушлари эшитилди, кейин эшик очилди. У «Салом!» деб қичқириб учун оғиз жуфтлади-ю, айни сўнги дақиқада бу фикридан қайтди. Шейлани ажаблантирмокчи бўлди.

Эшик очилди. Шейла Бикс, миттигина корасоч сохибжамол, хонага огилиб кирди. Рақс тушаётгандеки енгил қадам ташлайди, кўзлари чакнайди. Қўллари икки ёнига ёзиб олган. Мувозанатни сақлаш учун шундай қиларди, чунки унинг бошида ихчамгина қоғоз халта бор эди. Қоғоз халтани таниш учун Хеттингерга сониянинг бир улуши старли бўлди. Майронни пайкаш учун ҳам

Шейлага шунча вақт керак бўлди. Ҳақиқий аудитор сифатида Хеттингер оний тезликда ҳамма гапни тушуниб етди. Шейла ҳам бунга муваффақ бўлди, фақат у нотўғри жавоб олганди.

Хеттингер барча ишни бирданига қилишга уринди. Хонадан қочиб чиқиш... Қоғоз халтани турган жойида, яъни Шейланинг бошида ушлаб қолиш... Ва, ниҳоят, қоғоз халтани ерга тушиб улгурмасидан тутиб олиш... Даҳшатга тушган Шейла оргига тисарилган ва қоғоз халта унинг бошидан сирғалиб тушган эди.

Хеттингер сакрашга улгурди. У ақл бовар қилмас тезликда олдинга отилди. Кулаб тушаётган сигара кутисини ушлаб қолиш учун кўлларини олдинга чўзди. Портлаш товуши янгради, аммо Майрон Хеттингер унинг фақат дастлабки гумбурлашинигина эшитди, холос...



Майкл МЭЛЛОРИ



Майкл Мэллори Мичиган штатидаги Порт-Гурон шаҳрида туғилган. Мэллори Мичиган штатидаги Понтиак шаҳрида вояга етди, мактабни битиргач эса нутқ, театр ва суҳандонлик санъатини эгаллаш учун Миссури штатидаги Спрингфильд шаҳрида жойлашган Друри-коллеж (ҳозирги Друри университети) га ўқишга кирди.

Спрингфилд шаҳридаги радиода суҳандон бўлиб ишганидан сўнг, актёрлик мавқеини давом эттириш учун Лос-Анжелесга йўл олади. Мэллори маҳаллий театр саҳнасида кўплаб роллар ижро этди, кинода, реклама роликларида ва саноат фильмларида суратга тушди. 1998 йилларнинг охирида Мэллори Диснейлендда ва бошқа кўнгилочар боғларда ёзувчи сифатида фаолият юритди. У 1998 йили энг яхши «Flash» (ўта қисқа) детектив романи учун Деррингер мукофотига сазовор бўлган ёзувчилардан биридир.

УЗУК

– Жаноб Вимарк? – деган эркак овозини эшитди Ричард телефон гўшагидан. – Сиз 1969 йили Санта-Моникадаги Пирс мактабини битирган ўша Ричард Вимарк-мисиз?

Ха, – эҳтиёткорлик билан жавоб қайтарди Рич.

– Менинг исмим Дуг Келлихер, – деб ўзини таништирди нотаниш одам. Ричард дарров хотирасини кавлаштириб кўрди, аммо мактабдаги эски оғайнилари орасида шунақанги исм-шарифли одам бўлганлигини эслай олмади. – Мен сизнинг мактабда ўқиган пайтда тақиб юрган синф узугингизни топиб олдим. Шу сабабли ҳам қўнғирок қиляман. Бу сиз учун қизиқ бўлса керак, деб ўйловдим.

Орадан бир неча соғия ўтибгина, Ричард Вимаркка бу сўзларнинг маъноси етиб борди, у даст овозда қайта сўради:

Сиз менинг синф узугимни топдингизми?

– Албатта, тасдиқлади Келлихер. – Биласизми, мен хотиним билан сув остида сузиш ишқибозимиз. Яқинда биз Пима-Коув яқинида сузасганимизда, сув тубида ётган металл буюмни топиб олдим. Аввалига уни қадимий танга бўлса керак, деб ўйлагандим, аммо қирғокка олиб чиққач, хотиним икковимиз унинг 1969 йили Пирс мактабини битирганлардан бирининг узуги эканлигини тушундик. Тўғри, у энди тақибга ярамайди, аммо ёзувини тушунса бўлади. Тўғрироғи, бу ёзув эмас, балки эгасининг исми-шарифини бош ҳарфлари: «Р.В.», мактаб номи ва битирган йили эди, холос. Мен суриштириб, ўша йили битирганлар ичида

факат сизнинг исми-шарифингиз «Р.В.» билан бошланишини аниқладим.

Ричарднинг ошхонада куймаланаётган хотини Мария меҳмонхонага кирди.

– Мени қандай қилиб топдингиз? – сўради Вимарк, хотинига эътибор ҳам бермай.

– Интернет орқали. – пикиллаб қулиб қўйди Келлихер. – Менимча, бу «ўргимчак уяси»да ҳамма нарсани топса бўлади... Аризонада анчадан бери яшайсизми?

– Нима?..– дарров тушуна қолмади Ричард ва ўзининг бир зумда терлаб кетган кафтларига қаради. – Ун саккиз йилча бўлди. Биласизми, жаноб Келлихер, бу шунақанги кутилмаган хол бўлди-ки... Очиғини айтсам, мен ўша узук ҳақида бутунлай унутиб юборгандим. Шунча йил ўтиб кетди-ку. ахир...

Бу айни ҳақиқат эди. Тўғри, Ричард Вимарк манави нусхага ўша синф узуги Тинч оксан тубига қандай тушиб кетгани ҳақида сўзлаб ўтирмоқчи эмасди. Қўркув ва ваҳималарга тўлик узоқ йиллардан сўнг, ундан-да кам бўлмаган тинчгина йиллар ўтгач, манави кутилмаган қўнғирок унинг тинчини бузи анди.

– Мени эшитяпсизми? – узоққа чўзилган сукунатни бузди Дуг Келлихер.

Ҳа, – сесканиб кетди Рич. – Узугимни почта орқали жўнатиб юборинг, мен сизнинг харажаглариңизни тўлайман.

– Қандай узук? – қизиксиниб сўради Мария шивирлаб.

– Почта орқали жўнатгим келмаяпти, – рози бўлмади Келлихер. – Гап шундаки, мен сиз билан шахсан ўзим учрашмоқчиман ва уни қўлингизга

топширмоқчиман. Чунки кейинги ҳафтада хотиним билан бирга сиз томонларга бормоқчи эдик. Кейинги ҳафтада вақтингиз қандай? Бўшмисиз?

– Бўш бўлсам керак. – секингина жавоб берди Вимарк.

– Жуда соз. Демак, хотиним билан бирга шаҳрингизга келганимдан сўнг, сизга кўнғирок қиламан. Бўпти, жаноб Висмарк, учрашгунча!

Нариги томонда гўшакни осиб қўйинди.

– Тинчликми, афтингдан худди ўлимга ҳукм килинган одамга ўхшаб қолдинг. – гап котди Мария. эрига тикилиб қараркан. – Қандай узук ҳақида гаплашдинглар?

– Анави Келлихер мен коллежга кириш олдиан йўқотиб қўйган синф узугимни топиб олибди, – зўрма-зўраки илжайиб деди Ричард. – Энди уни олиб келиб бермоқчи.

– Уни қандай килиб йўқотгандинг, ўзи? – сўради Мария кулиб.

– Қандай йўқотгандим?.. Эсимда ҳам йўқ, ахир орадан ўттиз йил ўтди-ку! Океанда сузаётганимда бармоғимдан сирғалиб тушиб кетганди, шекилли... Биласанми, ҳозир эсимга тушди, менинг зудлик билан бажарадиган бир ишим бор эди.

Хотинига узок қолиб кетмасликни ваъда қилгач, Вимарк ўзининг кабинетига кириб кетди.

«Ўзингни бос! – буюрди Вимарк ўзига-ўзи. – Ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди! Ҳеч ким билолмайди, ахир қанча йиллар ўтиб кетди-ку!» У ўз-ўзини худди кичкина болақайни аврагандек кўндиришга ҳаракат қиларди, аммо қалбининг туб-тубини ҳамон шубҳа кемирарди. Агар Келлихер океан тубидан узукдан

бошка нарсани ҳам топган бўлса-чи? Балки шу туфайли ҳам шахсан ўзи келиб учрашишни истаётгандир?..

Уша май ойининг сокингина тунида сув худди янги соғилган сутдек иликкина эди. Имтиҳонлардан сўнг Ричард Карага кутилмаган совға қилмоқчи бўлди. У битирув окшомидан сўнг мактабга кизил «мустанг»да келди ва Карани Санта-Моникадан қирк беш миляча масофада жойлашган Пима-Коувга олиб кетди.

– Юр, чўмиламиз, таклиф қилди Рич машинани ой нурига чўмган кимсасиз қирқокда тўхтатиб. Аммо Кара чўмилиш кийимини олиб келмаи анлигини айтди. – Биламан, – илжайиб, бош ирғади у.

Ричарднинг синф узуги Каранинг бўйнидаги занжирчага осиллик турарди. Ингит тирнамаслиги учун узукни кизини бўйни томонга суриб қўйди-да, уни маҳкам бағрига босди.

– Тағин узукни йўқотиб қўймагин, – бўғиқ овозда шивирлади Ричард.

– Мен эса узукдан анчагина кимматрок нарсани йўқотиб қўйишдан чўцияпман. – хўрсинди киз. – Ричард, юр, уйга кета қолайлик.

Улар белигача сув ичида туришарди. «Ҳозир ёки ҳеч қачон», деган қарорга келди Ричард Винмарк ва шартта чўмилиш кийимини ечиб, сувга ташлади-ю. кизнинг қўйлагини ечиш учун қўл чўзди.

– Рич, мен ҳазиллашмаяпман, – қатъий товушда деди Кара. – «Йўк», дедим-ку, сенга! Қўлингни торт!

– Хўп деякол, – ўтинди йигит. – Нима, унутдингми? Ахир яқинда коллежга кетишим керак-ку! Ким билсин, яна қачон учрашиш насиб қиларкин...

– Бас қил! – хитоб қилди Кара унинг сўзини бўлиб ва ўзидан нари итариб юборди.

Рич Карани яна кучишга уринганида, киз унга каршилик кўрсата бошлади. Аввалига у шунчаки шапалок солмокчи бўлганди. аммо жаҳл устида кучини ҳисобга ололмади. Шапалок зарби шунчалар кучли ва залворли эдики, йигит аввалига ўзининг жағи синиб кетдимикин деб кўркиб ҳам кетди. Каранинг чап кўли йигитнинг кўкси бўйлаб қонли из қолдирганча сирғалиб ўтди.

– Жин урсин сени! ўшқирди Ричард Вимарк жазаби кайнаб ва кизнинг сочларидан чангаллаб олди...

Кейин нима бўлганини Рич эслаёлмасди. Эс-хуши ўзига келганида эса у ўнг қўлида ўзининг узуги осиглик гурган занжирнинг бўлагини сиқимлаб олганини, сув остида Каранинг сочлари ёйилиб ётганини кўрди.

– Вой, худойим-ей! – минғирлади Вимарк.

У занжир бўлагини отиб юборди-да, кизни тенага тортиб чиқарди. Унинг юраги урмаётганини эшитиб, дахшат ичра танани ташлаб юборди.

Орадан бир неча дақика ўтгач. Рич ўзини қўлга олди ва яна Каранинг танасини сувдан тортиб чиқаришга уриниб кўрди, аммо... уни гопа олмади. «Балки, уни оқим окизиб кетгандир», деб ўйлади у ва тезгина кирғок томон йўналди. Қирғок кимсасиз эканлигига ишонч ҳосил қилгач, тезгина кийинди, кийимларини йиғди. «мустанг»ига ўтирди ва физиллаб уйига кетди.

Орадан бир ярим соатча ўтгач, Ричард Вимарк кўркувдан дағ-дағ титраганча, оқшомда нималар бўлгани ҳақида ўйлаб ўтирарди. Ўзларини кирғокда ҳеч ким кўрмаганлиги учун ҳам у алдашга қарор қилди.

Ричард Вимарк Каранинг рақс кечасидан чиқишини

бир ярим соатча пойлаб, охири бир ўзи кинога кетганига ишонмасликка полициянинг ҳеч қандай асоси йўқ эди. Ҳамма унга ишонди, фақатгина Каранинг синглиси Эмилигина бундан истисно эди, холос. Илгари ҳам бу йиғишга унчалик рўйхушлик бермаган Эми, энди – Кара йўқолганидан сўнг, ҳар сафар уни кўрганида, таънаомуз қараб кўядиган бўлди.

Кейинги ҳафта мобайнида Вимарк юрак ховучлаганча ҳар дақиқада полиция кириб келишини кутди. Ҳафталар, ойлар ўтди ҳамки, Кара Остиннинг танаси топилмади. Охири дом-дараксиз йўқолган деб ҳисоблаб, кидирув ишлари тўхтатилди. Рич коллежга ўқишга кетди. У таътилда уйига келганида, онаси ундан узуги ҳақида сўради.

Иўкотиб кўйдим! – тўнғиллади у ва онаси кўркувини сезмаслиги учун дарров хонадан чиқиб кетди.

Ричард узук топилса, полицияни тўппа-тўғри ўзига бошлаб келишини биларди, шу сабабли ҳам кўркуви тобора кучайиб борарди. То тинчланиб, Карани тушида кўрмайдиган бўлгунига қадар неча йиллар ўтиб кетди...

Дуг Келлихер, ваъда қилганидек, кейинги ҳафтада хотини Сью билан бирга келди. Келлихер ҳам Ричарднинг тенгдоши бўлиб, фақат бироз новчарок, озғинроқ ва бакуватроқ экан. Ричард унинг Марияга ёққанини дарров пайқади. Қора сочли хушрўйгина Сью оғзига мум солиб олгандек, мик этмай ўтирарди.

Одоб юзасидан Келлихерлар билан ярим соатча суҳбатлашгач ва қаҳва билан сийлагач, Вимарк узукни олди ва мулойимгина хайрлашди. Келлихерлар акваланг билан сузиш ўзларининг хоббиси эканлигини айтиб, пул олишни исташмади.

Келлихерлар кетганидан сўнг Ричарднинг юраги ўйнай бошлади, агар Дуг узукни топган бўлса, бошқа биров Каранинг мурдасини топган бўлиши ҳам мумкинлиги хақида ўйлай бошлади. У Дуг ва Сьюдан хавфсирамасди, чунки эр-хотин бир-икки кундан сўнг Гавай ороллари гама молгани кетишларини айтишганди. Аммо уларнинг ўрнида бошқа биронта сув остида сузиш ишқибози бўлиши ҳам мумкин эди-да! Агар Пима-Коувда мурдани топилса ва детективлар узук топилганидан хабардор бўлишса, унда Ричарднинг шўри курнйди...

Вимарк бир неча кунгача ухлай олмади, иштаҳаси йўқолди. озиб, сўррайиб қолди. Ниҳоят, бир ҳафта ўтгач, у тинчгина ухлаш ўрнига Калифорнияга бориб келишга ва акваланг билан ўзи Пима-Коувни текшириб кўришга қарор қилди...

Лос-Анжелесга сафари узок ва толиктирарли бўлди. У вақтни ўтказиш учун хаёлан режасини қайта-қайта текшириб кўрарди. Санта-Моникага Ричард пайшанба кунни кечқурун етиб келди. Меҳмонхонага жойлашгач, у хотинига кўнғирок қилди, уни хизмат сафари чиқиб қолганига ишонтирди. видеомангнитофонга акваланг билан сувга шўнғишни ўргатувчи ўқув курси ёзилган кассетани ўрнатди ва уни диккат билан уч марта кўриб чиқди.

Эртаси кунни эрталаб Ричард ижарага акваланг олди ва кеч тушишини кута бошлади.

Аввалига Вимарк қирғоқдаги ўша жойни аниқ эслай олмаслигидан чўчиганди. Аммо унинг кўркуви беҳуда бўлиб чиқди ва бу воқеа ўттиз йил олдин эмас, худди кеча юз бергандек аниқ-тиник хотирасида турганлигини кўриб даҳшатга тушди ҳам.

Аквалангчилар кийимини тезгина кийиб олган Ричард кўрфазга кирди, муздек лойка сувга шўнғиди ва кучли сувости фонарини ёкиб, сув тубини каричма-карич текшира бошлади. Орадан бир соатча ўтгач, у чарчади ва эндигина кидиришдан айнимокчи бўлганди ҳамки, кутилмаганда қоя ёнида нимадир хира ялтираганини сезиб қолди.

Вимарк унга яқинроқ сузиб борди-ю, жигарранг кум устида... тишлар ётганини кўрди. Бир зум у даҳшатдан қотиб қолди, кейин эса ўзини яқинроқ сузиб боришга мажбурлади ва кум орасидан жағ суягини чиқариб олди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, Ричард яна бир нечта умуртка суякларини ва кичкина суякчаларни топди ўттиз йилдан сўнг Қарадан қолган нарсалар шуларини эди, холос.

Ричард Вимарк яна кирғок томон қайтишга ҳозирланганди ҳамки, тўсатдан кўзи тушган нарсадан кўркиб, қўлидаги фонари ҳам ерга тушиб кетди.

– Бу яна қандай бало бўлди! – даҳшат ичра қичқирди Рич, сув ютиб юбораркан. У фонарни олиб, тепага кўтарди ва хирагина мис узукни ёритди.

Ричард кўрқув ичра сув юзасига интилди ва юзидаги никобни шаҳд билан счиб ташлади. Унинг узуги кўрфаз тубида ётарди. Аммо унда...

Шу пайт у кирғокдаги чироқларнинг шуъласини пайкади. Кўрқувдан юраги товонига тушиб кетгандек бўлди.

– Жаноб Вимарк? – қичқирди нотаниш кимса овоз кучайтиргич асбоб ёрдамида. – Полиция! Қимирламанг, сиз қуршовдасиз!

Кучли прожектор нурлари кўзини камаштирди ва у кирғокдан ўзига қурол ўқталиб турган қора қалпоқли

ва ўк ўтмайдиган нимча кийган мерганларни дархол кўрмади ҳам. Бир неча дақиқа ўтгач, унинг шундоққина боши тепасида Санта-Моника полицияси белгиси туширилган вертолёт пайдо бўлди. Уч нафар полиция ғаввослари Ричард Вимаркни кирғоққа кузатиб кўйишди. Кирғоққа боргачгина у халигача кўлида Каранинг бош суягини чангаллаб турганини пайқади.

Ричард оломон орасида турган Келлихерларни дарров таниди.

– Жин урсин сени! – деб кичкирди Сью Келлихер, унинг кўлидагини кўргач. Уни сен ўлдиргансан! Уни сен ўлдирганлигингни мен доим билардим! – Вимарк унинг юзига узок тикилди ва орадан бир неча дақиқа ўтгачгина, у Каранинг синглиси Эми эканлигини таниди. Кара ҳеч қачон кетмаганлигини билардим! У менга рақс кечасидан кейин сен билан бирга Пима-Коувга чўмилишга боришини айтган, бу ҳақда ота-онамизга айтмаслигимни ўтинганди. Ахир у кечаси чўмилишга бориши учун ҳеч қачон руҳсат бермасликларини биларди-да! Эҳ, қанчалар аҳмоқ эканман-а! Агар мен Карага кулок солмаганимда эди, у ҳозир тирик бўларди. Тўғри, мен бу ҳақда полицияга айтиб бергандим, аммо ўн икки ёшли бақалок кизчага қим ҳам ишонарди! Шунча йилдан бери қотил сен эканлигингга шубҳа қилмагандим-а! Мен буни билардим!..

Дуг Келлихер хотинини тинчлантиргунича, полициячилар Вимаркка қўлкишанлар тақишди ва унга ўз ҳуқуқларини тушунтира бошлашди.

– Мен сув тубидаги узукни кўрдим, – деди Рич, сержантнинг уқдиришларига кулок ҳам солмай. – У ерда узук нима қиляпти?

– Үттиз йилдан бери қандай ётган бўлса, шундай тинчгина сув остида ётибди, – елка қисди Келлихер. – Эми кўп йиллар муқаддам сендан шубҳаланишини айтганди. Аммо сенинг қаердалигингни билмасди. Энг муҳими, унинг исботи йўқ эди. Кара йўқолган гундан бери ўттиз йил ўтди, аммо у опасини сираям унутолмасди. Унинг қайғуси борган сари кучайиб борарди. Бир неча ой муқаддам эса мен агар бир иложини топмасам, фалокаг юз беришини тушуниб етдим. Мен уни барча икир-чикирлар хақида сўзлаб беришга мажбур қилдим ва Кара сенинг узугингни бўйнига осиб юришини ҳам билиб олдим. Мен ўша узукнинг аниқ нусхасини ясаёттирдим ва уни худди сув остида ўттиз йил ётгандек қилиб эскирттирдим. Кейин сенига кўнғирок қилиб, узукни бердим-да, кўрқиб кетишингдан ва оқибатда бизни Кара ўлдирилган жойга етаклаб боришингдан умид қилиб, сени кузата бошладим. Вимарк, агар билсанг, Калифорниядан чиқиб кетганингдан бери сени бир зум ҳам назардан кочириганим йўқ.

Тузоғингизга қойилман, жаноб Келлихер, – хоргин бош чайқади кутилмаганда вужудини ғалати бефарқлик камраб олган Ричард Вимарк. – Табриклайман!

– Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да! – кичкирди Эми. – Ахир у профессионал-ку! Менинг эрим – хусусий изкувар, билдингми, қотил! Ва, биз ҳеч қанақанги Келлихерлар ҳам эмасмиз!

Келлихер хотинини олиб кетганидан кенин, Ричард Вимаркни полиция машинасига ўтказишди ва Санта-Моникага олиб кетишди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, кутилмаганда у каттиқ хахолаб кула бошлади.

– Нега куляпсан? – норози оҳангда тўнғиллади унинг ёнида ўтирган сержант.

– Ўша семиз қизчани эсладим, – кула-кула бош чайқади Рич. – У доимо менга ёқмасди. Эми бир куни шифокорга турмушга чиқишини айтганди.

– Бунинг нимаси кизик экан?

– Афсус, шифокорга турмушга чиқмагани чаток бўлибди-да...



Ричард МАТЕСОН



1926 йили 20 февралда Элендейл (Нью-Жерси)да таваллуд топди, Брук-линда катта бўлди.

Матесон болалигиданоқ ёзиб, асарлари чоп этила бошлади. Иккинчи жаҳон урушида қатнашди, урушдан қайтгач Миссури университетининг журналистика факультетини

тамомлади.

Унинг машҳур «Мен афсонаман» (1954) романи бўйича уч марта фильм суратга олинган. Иккинчи романи – «Сиқилаётган одам» учун адиб обрўли адабий мукофот – «Хьюго»га муносиб топилди.

60-йиллар бошидан бошлаб, Матесон кино ва теле-санъат соҳасида фаол ишлай бошлади, ўнлаб фильмлар учун сценарийлар ёзди. Матесоннинг асарлари мўмтоз даҳшатлар прозасига айланди. Унинг кўплаб мукофотлари орасида энг яхши сценарий учун «Хьюго» мукофотини, Бутўндунё фэнтези мукофотлари (1976, 1990) ва «Бутун ҳаёти давомида эришган ютуқлари учун» (1984) мукофотларини таъкидлаб ўтиши жоиз.

КУТИЛМАГАН СОВҒА

Қария жаноб Хокинс доимо тахта девор ёнида турар ва мактабдан қайтаётган болакаиларни ёнига чакирарди.

Болалар! деб кичкирарди у. - Болалар, бу ёкка келинглар!

Болаларнинг кўпчилиги унинг тахта девори ёнидан ўтишга кўркишар, шу туфайли ҳам ҳаҳолаб кулганча, қарияни мазахлашарди. Аммо кулишиб олп андан сўнг болалар бу ердан узокрокка кочишар ва ўзининг жасурлиги ҳақида узок вақт мақтаниб юришарди. Шундай бўлса-да, баъзан болакайлارнинг биронтаси жаноб Хокинснинг ёнига боришга журъат қилар ва қария тентакона илтимосини қайтарарди.

Унинг илтимоси ҳақида болалар хатто кўшик ҳам тўкишганди. Мана у:

Ўра кавла, деди бобо,

Пирпиради кўзлари.

Кавлайверсанг, чиқар, деди.

Жуда катта совғаси.

Бу кўшикни болалар қачондан бери қуйлаб юришганини ҳеч ким билмасди. Баъзан ота-оналар бу кўшикни ўзининг болалигида эшитганини таъкидлашарди. Жудаям кичкина бир болакай йўлда кичкинагина куракчаси билан ўра кавлай бошлади, аммо тез орада бу иш жонига тегди ва катта совғани кавлаб олиш истагидан қайтди. Шундан сўнг бошқа ҳеч кимнинг бу кўшикка амал қилгиси келмай қолди, аммо...

Қунлардан бир куни Эрни Виллакер иккита ўртоғи

билан мактабдан қайтиб келаётганди. Улар кўчанинг нариги юзасидан юриб, айна Хокинснинг уйи рўнарасига етиб келишганида, кутилмаганда қария ўзининг ифлос ва эски-тускиларга тўла ховлисида пайдо бўлди.

– Болажонлар! – кутилмаганда чакириб колди у. – Бу ёкка келинглар!

– У сени чакиряпти, Эрни! – деб мазахлади болалардан бири Виллакерни.

– Кўйсан -чи! – деди Эрни бош чайқаб.

Айни шу пайгда жаноб Хокинс ўзининг кийшиқ бармоғини Эрнига ўқталди.

– Ҳой бола, бу ёкка кел! – мингирлади у.

Эрни ғижиниб, агрофига аланглади.

– Бор, боравер, нега анкайиб турибсан? – деди ўртоқларидан бири. – Нимадан кўрқяпсан?

– Ким кўрқяпти? – жавоб берди Эрни. – Ҳечам кўрқаётганим йўқ. Шунчаки, ойим дарсдан сўнг дарҳол уйга боришимни айтгандилар.

– Алдама! – деди болалардан бири. – Сен шунчаки қария Хокинсдан кўрқаяпсан.

– Ундан ким кўрқаркан?

Агар кўркмасанг, ёнига бор!

– Бола-акай! – деб чакирди яна жаноб Хокинс. – Болакай, меннинг олдимга келақол!

– Майли, – деди Эрни иккиланиброк. – Фақат шу ерда туринлар, кетиб қолманлар!

– Бўпти, бўпти, кетиб қолмаймиз, хотиржам бўлавер!

– Кетдим, – деди Эрни ўзини тетиклантириш учун, жасур ва мағрур кўриниш учун қаддини ғоз тутганча кўчани кесиб ўтди. У китобларни чап қўлига олди ва

ўнг кўли билан пешонаси устидаги сочини тўғрилади.
«Чукур кавла, деди бобо...» ўтди хаёлидан.

Эрни тахталари чириб кетган девор ёнига яқинлашди.

– Лаббаи, сэр? сўради у.

– Яқинрок кел, – деди чол ва куюк кошлари остидан кора кўзлари чакнаб кетди.

Эрни яна бир кадам олға босди.

– Нима, қария Хокинсдан кўрқяпсанми? – кўзини чақчайтириб сўради қария.

– Йўк, сэр, – жавоб берди Эрни.

– Ҳа, бу ишинг яхши, – ғижирлаган товушда деди Хокинс. – Энди менга кулок сол, болакай, диққат билан эшит. Каттакон кутилмаган совғани хоҳлайсанми?

Эрни елкаси оша оркага аланглади. Ўртоқлари ҳамон ўша жойда туришарди. Бола тантанавор оҳангда илжайди. Аммо шу пайт кутилмаганда вужудини камраб олган даҳшатдан боланинг нафаси қайтиб кетаёзди: ажин босган коксуяк кўл унинг елкасини чангаллаб олганди.

– Бу ёкка келинлар! – кичкирди Эрни.

– Қўркма, болагинам, – шивирлади Хокинс. – Сени ҳеч ким ўлдирмокчи эмас.

Эрнититрабкетди. Қария унгаянадаяқинлашганида эса кўзларидан тиркираб ёш қуйилди. Эрни кўз кири билан иккала ўртоғи ҳам кўча бўйлаб тиракайлаб кочиб боришаётганини илғади.

– Бу-у ёкка келинлар, – минғирлади Эрни.

– Ҳикиялама, – деди қария. – Хўш, қалай, каттакон кутилмаган совғани истайсанми?

– Йў-ўк, раҳмат, сэр.

– Албатта, истаяпсан! – таъкидлади жаноб Хокинс.

Кариянинг сассиқ нафаси боланинг ёнокларига урилди ва Эрни яна кочиб қолишга уринди, аммо жаноб Хокинсининг темирдек кўллари уни маҳкам ушлаб турарди.

– Жаноб Миллернинг даласи қаердалигини биласанми? ваҳшат ила сўради жаноб Хокинс.

– Ҳа-а.

– Ўша даладаги каттакон эман дарахтини ҳам биласанми?

– Ҳа-а, биламан.

Ўша далага борасан, эман дарахтининг тагида юзингни черков томони а ўгириб турасан. Тушундингми?

– Ҳа-а-а!

Кария уни ўзига яқинроқ торғди.

– Ўша ерда турасан, кейин ўн кадам ўлчайсан. Тушундингми? Ўн кадам.

– Ҳа-а.

– Ўн кадам юрасан ва чуқурлиги ўн фут бўлган ўра кавлайсан. Неча фут дедим? – у коксеуяк бармоғини боланинг кўксига такади.

Ў-ўн фут, – қайтарди Эрни.

– Шундай бўлсин, – тўниллади кария. – Юзингни черковга каратиб турасан, ўн кадам юрасан ва ўн футлик ўра кавлайсан ва каттакон кутилмаган совгани топасан, – у Эрнига кўз қисди. – Айтганимдек қиласанми, болакай?

– Менми? Ҳа, албатта, сэр. Албатта.

Жаноб Хокинс уни қўйиб юборди. Эрни бир сапчиб тушди ва ўқлек учганча кўча бўйлаб югуриб кетди. Унинг қўли бутунлай қарахт бўлиб қолганди.

– Айтганларимни унутма! – кичкирди унинг орти-

дан қария. Эрни янада тезрок югура кетди ва тез орада ўзини муюлишда кутиб турган ўртоқларини кўрди.

– У сени кийнаб ўлдирмокчи бўлдимми? – сўради шивирлаб болаларнинг бири.

– Йўғ-э, – деди Эрни беписандгина. – У мендан унчалик кўп нарсани талаб килгани йўқ.

– Нимани талаб килди?

– У сенга нима деди ўзи?

Болалар кўшиқ куйлаганча, кўча бўйлаб кега бошлашди:

– Ўра кавла, деди бобо,

Пирпиради кўзлари.

Кавлайверсанг, чиқар, деди,

Жуда катта совғаси.

Ҳар куни тушдан кейин улар жаноб Миллернинг даласига келишар ва қари эман остида ўтиришарди.

– Сенинча, у ерда, ер остида ҳақиқатан ҳам бирон нарса яширилганмикин?

– Йўғ-э.

– Унда нима бор бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсан?

– Нима?

– Олтиндир-да, бошқа нимаям бўларди?

Улар ҳар куни шу ҳақда суҳбатлашишар, ҳар куни юзини черковга қаратганча туришар ва ўн кадам босишар ва бошмоғининг учи билан ерни кавлаганча туриб колишарди.

– У сенга бу ерда олтин бор, деганмиди?

– Нега энди у бизга бу ҳақда гапириши керак экан?

– Нега унда ўзи ўра кавлаб қўя қолмайди?

– Чунки у қари ва заиф, шуниям тушунмайсанми, тентак!

– Ҳа-а? Агар бу ерда ростдан ҳам тилла бор бўлса, унда учаламиз тенг бўлиб оламиз.

Олтин хақидаги фикр уларнинг бутун фикри-зикрини банд этиб ола бошлади. Ҳатто тушларига ҳам олтин гангалар тоғдек уюлган хазиналар кирар, улар ўзининг мактабдаги дафтарларига «олтин» сўзини ёзишар, ўша олтинга нималарни сотиб олишлари хақида тинмай ўйлашарди. Улар жаноб Хокинс яна чакириб колармикин деган умидда унинг уйи атрофида ўйнай бошлашди, шунда ҳақиқатан ҳам ўша далада олтин кўмилганми ёки йўқлигини аниқ сўраб олиш мумкин бўларди-да... Аммо қария бутунлай кўринмас ва уларни чакирмасди.

Бир куни улар мактабдан қайгаётиб, кутилмаганда ўзининг тахта девори ёнида бегона болақай билан гаплашаётган қария Хокинсни кўриб қолишди.

– У ахир ўша олтинларни биз олишимиз кераклигини айтганди-ку! – хитоб қилди Эрни.

Ҳа! – хитоб қилишди ўртоқлари. Кетдик ўша ёкка!

Аввалига улар Эрнининг уйи томон югуришди. Эрни ертўлага тушиб, белкуракларни олиб чиқди. Дўстлар ҳеч қаякка қарамай, кўчалар, экинзорлардан югуриб кетишди ва тез орада жаноб Миллернинг даласига етиб боришди. Улар эман остида туришди ва ўн қадам ўлчашди.

– Қани, кавладик, – деди Эрни.

Белкураклар қора тупроққа юмшоққина ботди. Улар пишиллаб ва лунжларини шиширганча индамай кавлашарди. Уранинг чуқурлиги уч футга етганида, улар дам олгани тўхташди.

– Демак, бу ерда аниқ олтин бор деб ўйляяпсанми?

– Билмадим, аммо бу жойни бошқа болалардан олдинроқ кавлашимиз керак.

– Тўғри!

– Менга каранглар, агар ўранинг чуқурлиги ўн фут бўлса, у ердан қандай чикиб оламиз? сўради болаларнинг бири.

– Арконга осилиб чиқамиз, – деди Эрни.

Улар яна кавлай бошлашди. Бир соатча тинмай тепага иликкина нам тупрокни чиқариб, ўранинг атрофига тоғдек уюб кўйишди. Болаларнинг кийими, юзлари ва кўллари тупрокка беланди.

Ўранинг чеккаси уларнинг боши билан тенг бўлгач, болалардан бири тепага чикиб, челак ва аркон олиб келгани югуриб кетди. Эрни ва бошқа бола кавлашда давом этишди. Ёмғир томчилай бошлади ва тез орада болаларнинг боши хўл бўлиб кетди, шунда улар дам олгани тўхташди. Улар чарчаб, юмшоқкина хўл тупрок устига ўтиришди ва аркон билан челак олиб келгани кетган ўртоғини кута бошлашди. Болаларнинг кўллари елкасигача тупрокка беланган эди.

– Вой-бў, чуқурлигини кара! – хайратланди болаларнинг бири.

– Олти фут! – деди Эрни нигоҳи билан чамалаб. Улар яна қайта ишга уннашганидагина, учинчи бола қайтиб келди. Улар яна бели ва кўллари зиркираб оғрий бошлагунича кавлайверишди.

– Чуқурлигини кара-я! – деди тепада туриб, челакда тупрокни тортиб олаётган бола. – Менимча, бу ерда ҳеч нарса йўк!

– У ўн фут казишимизни айтганди-ку! – эслатди Эрни.

– Уф, умуман кучим қолмади! – деди тепадаги бола.

– Унда бу ердан корангни ўчир, тўнка! – гижиниб ўшқирди Эрни.

Мен шунчаки чарчаб кетдим, – кичқирди анчагина узокка етиб қолган бола югуриб кетаётиб.

Эрни ўра ичидаги ўртоғига ўгирилди:

– Унда сен тупрокни тепага тортиб олакол, – деди у.

– Бўпти, – тўнғиллади ўртоғи. Эрни кавлашда давом этди. У бошини кўтариб, тепага караганида эса ўраннинг чеккалари қулаб, ўзини босиб қоладигандек туюлди. У кутилмаганда нимадандир кўрқиб кетди.

– Бўлди, тепага чика қол! – кичқирди охири челакни тортиб олаётган ўртоғи. – Жонга тегди, барибир бу ердан ҳеч нарса топа олмаймиз. Аллақачон ўн фут кавлаб ташладик.

– Ҳали ўн фут бўлмади, эътироз билдирди Эрни.

Бола қаддини ростлаб, лабига ёпишган тупрокни артди. Тепадан ўрага илик тупрок шувиллаб тушди. Ўра деворидан семиз чувалчанг ўрмалаб чикди-да, Эрнинг оёғи ёнида биланглай бошлади.

– Бўпти, мен кетдим, – кичқирди тепадаги бола. – Агар кечки овкатга кеч қолсам, онам адабимни берадилар.

– Эҳ, кўрқок! жаҳл билан кичқирди Эрни.

Жудаям чарчадим-да! – деди тепадаги ўртоғи.

Эрни елкаларини ростламоқчи бўлганди, умуртқалари зирқираб кетди.

– Унда ҳамма олтин ўзимники бўлади! – кичқирди у.

– Бу ерда ҳеч канаканги олтин йўқ! – деди тепадаги бола.

Арконни бирон нарсага боғлаб кетгин, кейин ўзим олтинларимни олиб тепага чиқарман, – деди Эрни унга жавобан.

Тенадаги бола атрофига аланглаб, арконни бутага боғлади, иккинчи учини пастга ташлади. Эрни осмонга каради ва аллақачон қош қорая бошлаганини пайқади. Тенадан ўрага мўралаётган ўртоғининг юзи кўринди.

Балки мен билан бирга кетарсан, деди у.

– Мен ҳеч қаяққа кетмайман, Эрни жаҳл билан бошини пастга эгди ва белкуракни тупрокка санчди. Аммо орқа ўгириб турса-да, ўртоғининг нигоҳини пайқади.

– Сен кўркмайсанми? – деди у.

– Нимадан? – сўради Эрни, бошини кўтармай.

– Билмадим. – каловланиб деди ўртоғи. Эрни нидамай кавлашда давом этди.

– Бўпти, деди тенадаги бола, – унда мен кетдим.

Эрни турган жойида қотиб қолди. У ўртоғининг қадам товушлари тина бошлаганини пайқади. У атрофига аланглади ва совукдан тишлари тараклай бошлади. Шилта хўл ўранинг ичи жудаям совук эди.

– Жуда соз, мен қоламан, – тўнғиллади у.

Энди олтининг ҳаммаси уники бўлади. У ўзининг хазинасини бошқаларга ташлаб кетадиган аҳмоқ эмас. У жон-жаҳди билан кавлар, тупрокни ўранинг бошқа тарафига тўқарди. Бутунлай қоронғи тушди.

– Яна озгина қолди, – шивирлади у. – Яна озгина кавласам, уйга бир сандик тилла олиб бораман.

У оёғида зўрға турар, атроф жим-жит эди. Эрни гоҳ-гоҳида елкаларида титрок тураётганини сезарди. У ўзини янада тезроқ кавлашга мажбур қиларди. «Мен ҳали уларнинг устидан бошлаб қоламан, – ўйларди у. Ҳаммаларининг устидан бошлаб қолмасамми... Мана, қандайдир узун, каттақон қутининг қопқоғи кўринди. Бола тўхтади, тигроғини босолмай, тахталарга тикилиб

колди. «Каттакон кутилмаган совғани топасан...» У тўлкинланиб, кутининг устига чиқди ва бир-икки тегиб кўрди. Эски тахталар бўғик дўпирлади. Эрни белкурак билан тезгина ёғочнинг устини тозалай бошлади. Аммо тупрокнинг ҳаммасини тозалай олмади – кути жудаям узун эди. Эрни кутининг копкоғи иккига қисмдан иборатлигини ва ҳар бир қисми кичкина занг-лаган қулфча билан қулфланганлигини пайқади.

Бола белкуракнинг учи билан копқокнинг бир қисмини уриб очди. Кути копқоғининг ярми ланг очилиб кетди.

Эрни даҳшатдан кичкириб юборди. У орқасини ўра деворига тираганча, чексиз даҳшат ила қаршисидаги ёғоч кути ичида ўтирган кимсага тикиларди.

Кутилмаган совға! – тиржайди жаноб Хокинс.



Роберт АРТУР



Роберт Жей Артур – америкалик машҳур ёзувчи, журналист, сценарийлар муаллифи. Унинг адабий тахаллуслари: Эндриу Бенедикт, Эндриу Фалл, А.А.Флеминг, Роберт Форбес, Эндриу Маккаллен, Энтони Мортон, Зе

Майстериус Травел, Жей Норман, Эндриу Саксон, Полина С. Смит, Эндриу Вест, Жон Вест, Марк Уильямс.

Роберт Артур 1909 йили 10 ноябрда Филиппинда туғилган, Уильямсбург (Виржиния штати)даги Уильям ва Мария коллежида, кейин Мичиган университетида ўқиди. Нью-Йоркка кўчиб ўтгач, журналлар учун хикоялар ёза бошлади. 1944 йилдан 1953 йилгача Дэвид Коган билан бирга «Сирли йўловчи» номли радиопостановкани олиб борди. «Сирли йўловчи» 1952 йилда Эдгар Аллан По номли мукофотга сазовор бўлди.

Роберт Артурнинг икки фарзанди бор: Роберт Эндриу Артур ва Элизабет Энн Артур. Адиб 1969 йили 2 майда Филадельфия шаҳрида (Пенсильвания штати), эллик тўққиз ёшида оламдан ўтди.

БАССЕЙН

Жорж Раймонд бассейннинг кошнланган деворига маҳкамлаб кўйилган пўлат зинанинг болтларини шошиб бурарди. Бассейн жуда чуқур бўлса-да, сув жуда камайганлигидан узунлиги икки футча келадиган калтагина зинанинг энг пастдаги поғоналари кўриниб гуарди. Бассейннинг нариги тарафидаги иккинчи зинани Жорж аллақачон чиқариб олиб, гаражга элтиб кўйганди.

– Бу йнгитлар ҳақиқий ёввойиларнинг ўзгинаси, – деди у Бетга. – Кўлига тушган нарсани ўзлаштиришади ёки синдириб, вайрон қилишади. Буни шунчаки, кўнгил ёзиш учунгина қилишади. Шунинг учун ҳам камрок тер тўкишсин, деяпман...

– Улар уйга кира олишмайди, деб ўйлайсанми? – сўради Бет. – Масалан, манави катта деразалардан...

– Таваккал қилишимизга тўғри келади, – хўрсинди Жорж. – Бет, агар бошқа чўмилмасанг, манави зинани суғуриб олиб қўяман.

– Озгина шошмай тур, азизим, яна бир марта сузиб олай. Шундай ажойиб бассейнимдан кўнгил узгим келмаяпти.

– Яхши, Бет. Ҳозирча зинани қолдираман. Нарсаларни жойлаб бўлганимиздан сўнг яна бир марта шўнғиб оларсан.

– Энди ҳеч қачон бунақанги ажойиб бассейним бўлмайди, – деди Бет маъюсгина ва жилмайишга уринди. – Узоқ вақтга кетяпмизми, Жорж?

– Билмадим. Ҳар ҳолда, бу ерга қайтиб келмаймиз. Буниси аниқ... Юр, нарсаларни тезроқ жойлайлик.

У хотинининг тирсагидан аста ушлади ва улар тоғ дарасининг ичкарасида кулайгина жойлашган мўъжазгина уйлари томон кетишди...

Бет Раймонд иккинчи жомадонни бир амаллаб ёпди-да, қўшни хонадаги эрига кичкирди:

– Жорж, буюмларни тайёрлаб бўлдим.

– Яхши килибсан, – жавоб кайгарди Жорж. – Яна бир соатча вақтимиз бор. Балки ул-бул ичиб олармиз?

– Ҳозир коктейль тайёрлайман.

Бет меҳмонхонага кириб кетди. У хонанинг ўртасига етганидагина, оромкурсида ялпайиб ўтирганча кўлидаги брендини хўплаётган кизил юзли хўшасемиз эркакни кўрди.

– Хайрли кун, Раймонд хоним! – тавозе билан саломлашди эркак. – Бирон нарса ичасизми?

– Кимсиз? Бу ерда нима киялпсиз? – кўркмай сўради Бет Раймонд. – Ҳозирок бу ердан корангизни ўчиринг, аке холда, полицияни чакираман. Улар сизга ўхшаган нусхалар билан ортикча пачакилашиб ўтиришни хуш кўришмайди.

– Мени Маке деб чакиришингиз мумкин, – пинагини бузмай, гапида давом этди бакалок. – Полицияга келсак, уларни ўрнидан қўзғатиш ақлли иш бўлишига бироз шубҳам бор-да...

Бет унинг сўзларига эътибор бермай, полиция рақамини тера бошлади. Шу вақт кучли қўллар ўзини кучоклаганини сизди. Димоғига қўланса тер хиди урилди ва каршилиқ кўрсатиш бефойда эканлигини тушунган Бет у билан курашишни бас қилди.

Аёл камин ёнида турганича, Бетнинг олимпиадаларда тушган суратларини берилиб томоша килаётган ўрта бўйли ёшгина малласоч йигитни пайкамаган экан.

– Қоматинг жуда кетворган экан-ку, ойимтилла, – деб шивирлади йигит аёлнинг қулоғига. – Қойил, Профессорнинг диди чакки эмас.

– Уни қўйиб юбор, Жо, – деди Макс. – Келибок, дархол уй соҳибаси билан жанжаллашишдан фойда йўқ. Бунга истаган пайтимизга улгурамиз.

– Тўғри айгасан, Макс, – таъкидлади йигит ва Бетга караб деди. – Ҳали сен билан яқиндан танишиб оламиз.

У Бетни қўйиб юборди. Аёл танасини камраб олган титрокни босишга уринганча, ортига ўгирилди. Йигит сурбетларча тиржайганча уни бошдан-оёқ кўздан кечирарди. Унинг бу қилиғи Бетга тахкирлагандек оғир ботди.

– Бу нима қилик, яна?! – хитоб қилди Бет овозига иложи борица катъийроқ оҳанг беришга тиришиб. – Эсингизда бўлсин, маҳаллий полиция хусусий мулкка даҳл қилганларни аяб ўтирмайди.

– Балки шундайдир, – сурбетларча тиржайди Макс, – фақат эрингиз полицияга қўнғироқ қилишингизни асло истамаса керак. Тўғримн, Профессор?

Бет ортига ўгирилди. Жорж унга яқин келиб, кўлидан тутди:

– У ҳақ, Бет. Биз полицияга қўнғироқ қилмаймиз.

Сен... сен бу одамларни танийсанми?

– Мен Максни танийман. Биз у билан бир вақтлар... бирга яшаганмиз... Бет, мен сenga қачондан бери шу ҳақда айтмоқчи бўлиб юргандим. Биз Макс билан бирга Нью-Йоркдаги камокхонада бирга ўтирганмиз. Саккиз йил мукаддам мен у ердан кочганман.

– Хафа бўлманг, Раймонд хоним, – аёлга далда беришга шошилди Макс. – Эрингиз ҳеч қандай ёмон иш қилмаган. У ёнилғи қуйиш шохобчасини ўмармоқчи

бўлган икки йнгитча билан бир машинада ўтирганди, холос. Фалокат босиб, шохобчанинг эгаси ҳалок бўлди. Жоржнинг бу котилликка сираям алоқаси йўқ эди, аммо илгари ҳам бир марта судланганлиги туфайли, ундан шубҳаланиб, йнгирма йилни бўйнига илиб кўйишди.

– Кечир, Бет, – хўрсинди Жорж Раймонд.

– Ҳечқиси йўқ, – бош силкиди аёл. – Мен сени яхши биламан. Сен кўй оғзидан чўп ололмаслигингни ҳам биламан.

– Раҳмат, Бет, – маъюс илжайди Раймонд. – Макс, сен мени қандай топдинг?

– Меники сингари алоқалари бор одам учун бу муаммо эканми? Биласанми, Жорж, мен тасодифан сенинг сўнгги китобчангни ўқиб қолдим ва бир вақтлари 413-камерада ўтирганимизда сенга айтиб берган нарсаларимни таниб қолдим. Агар билсанг, қизиқишдан юрагим тарс ёрилай деди. Озодликка чиққач эса ўша китобчанинг муаллифи билан танишгим келди, аммо чучварани хом санаганимни тушундим: ўта машхур ёзувчи бўлган Жорж Раймонд жуда сирли шахс бўлиб чиқди. У ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, фотосуратлари ҳам босилмайди, манзилини ҳам еруқўкдан топиб бўлмайди. Кўпчилик ўқувчилар буни қизиқтиришнинг бир йўли бўлса керак деб тушунишади. Аммо мен дарҳол ҳаммасини тушуниб етдим. Жорж Раймонд ўша ўзим билган Жорж Райе, яъни эски кадрдоним Профессор эканлигини тушундим. Шунда Жо билан боғландим. Жо аёллар билан гаплашишни қийиб ташлайди. У сенинг адабий агентингнинг котибаси билан танишди ва ундан манзилнингни билиб олди. Шу тариқа биз тўппа-тўғри

уйинига келавердик. Сен билан кўришгим, даври-даврон сурган пайтларимизни эслаб, бир отамлашгим келанди...

– Ҳа, тушунарли, — куруккина килиб деди Раймонд.
– Хўш, сенга нима керак? Пулми?

– Пул, дейсанми? — хаҳолаб юборди Макс. — Нималар деясан?! Биз Жо билан ёмон пул топмаймиз! Шунчаки Жо шаркий томонда озгина ишқал чиқариб қўйди. То хаммасини босди-босди қилгуниimizга қадар бизга бошпана керак эди. Шунда тўсатдан сеникида бироз яшаб турсак қалай бўларкин, деган ҳаёлга бордим. Биз сен билан даври-давронларимизни эслаб отамлашамиз, хотинчанг эса Жо билан бироз кўнгил ёзиб олади. Ишонавер, бу унга жудаям ёқади. Жо асли мусикачи бўлган. То осон пул топиш фойдалироқ эканлигини тушуниб етмагунича тунги клубларда ишлаган. Энди эса, у ёлланма котил... Жорж, биз бир кеча-кундуз машинадан тушмадик. Шунчалик қирланиб, терлаб кетдикки, хатто ўзимнинг ҳам димоғим тарс ёрилай деяпти. Тушлик олдидан бир чўмилиб олсак, қаршилиқ қилмайсанми?

– Қарши эмасман, — хўрсинди Жорж. Чўмилиш кийимлари меҳмонларга аталган хонада. Жавоннинг энг теша ғаладонида турибди.

– Юр, Жо, кийиниб олайлик, — деди бакалок шеригига. — Профессор хотиянга баъзи нарсаларни айтиб олсин.

– Жорж, менга ўз ўтмишинг ҳақида очик айтиб бер, — илтимос қилди Бет кутилмаган меҳмонлар чиқиб кетишганидан сўнг. — Фақат ростини сўзла.

– Бу сенга ёкмаса керак, деб қўрқаман... Мен кўчада катта бўлдим, ёмон хулқли йигитлар даврасига

кўшилиб колдим, ўғирлик қила бошладим. Ҳали ўн иккига кирмасимданок турмага тушдим. Ўша ерда ўқидим. Озодликка чиққач, яна эски хунаримни бошладим. Макс айтиб берган ўша ўғирлик вақтида ҳақиқатан ҳам мен машинада ўтирганман, аммо илгари судланиб чиққаним учун ҳам йиғирма йилга «кесиб» юборишди. Ушанда йиғирма тўрт ёшда эдим. Бўш вақтимни кутубхонада ўтказардим. Шунинг учун ҳам бўлса керак, «Профессор» деган лақаб орттирдим. Кейин ўзим таниган одамлар ҳақида хикоялар ёза бошладим. Бизнинг хузуримизга шифокорлар делегацияси келганида улар билан бирга қочишга муваффақ бўлдим. Калифорнияга келдим, кичикрок уйни ижарага олдим-да, ёза бошладим. Сен билан учрашганимизда бу воқеалар тарихга айланганди ва энди мени ҳеч ким танимаса керак, деб ўйлагандим.

– Энди нима бўлади? – деб сўради Бет.

– Энди тақдирим Макснинг кўлида. Агар у полицияга кўнғироқ қилса борми, шу захотиёқ ўзимни панжара ортида кўраман...

Орадан беш дақиқа ўтгач, чўмилиш кийимидаги Макс билан Жо меҳмонхонага кириб келишди.

– Менга сузишни ўргатиб кўйинг, Бет, – табассум ила илтимос қилди малласоч йиғит.

– Хотиннинг жуда ажойиб экан-да, Профессор, хандон отиб деди Макс. – Мусикага ўқиган, олимпиада ўйинларида баландликдан сакраб, сузиш бўйича бронза медали олган...

– Сенга нима керак ўзи? – шартта сўради Раймон.
– Бу ерда қанча вақт яшамокчисан ўзи?

– Кўрамиз, кўрамиз... Бу ҳақда кейинрок гаплашармиз. Ана, хотиннинг қайғиб келяпти.

Назаримда, Жо унга ёкиб тушганга ўхшайди. Шундай экан, илтимос, ундан рашк килиб юрма, тагин!

Йўк, Макс, бунакаси кетмайди! – кайнаб кетди Жорж. – Мен рашк килмайман, аммо полицияга ўзим бораман!

Бакалок Раймонднинг кўлидан тутиб, орқасига кайирди.

– Жо! – кискагина чакирди у.

Малласоч дарров етиб келди-ю, Раймонднинг корнига икки марта тепди, учинчи зарбани нягига кўйди. Макс беҳуш Жоржни бассейн ёнидаги кошинга чўзилтириб кўйди...

– Жорж! – Бет эрининг ёнига югуриб келиб, чўккалади. – Унга нима килдинглар?

Ҳеч нарса килганимиз йўк, – тиржайди Жо. – Кичкинагина сабоқ бердик, холос. Ярим соатчадан кейин ўзига келади-ю, мулламушукдек бўлади-колади.

– У полицияга чакиб бермокчи эди, – изох берди Макс. – Ўзига келганидан сўнг у билан гаплашинг. Агар Жорж ниятидан кайтмаса, икковимиздан биримизда хакикий кўнгилсизликлар юз бермасайди, деб кўркаман.

– Менга ҳам шўнғишни ўргат, гўзалим, – сохта хушмуомалалик билан гап қотди Жо Бетга қараб.

Бет оғир хўрсинди-да, минорача тепасига чикди ва чиройли ҳаракат билан сувга калла ташлади.

– Кўряпсизми, бу сираям кийин эмас, – дели у шўнғиб чиқаркан. – Фақат эҳтиёт бўлиш керак. Бассейн тўқкиз фут баландликдаги сувга мўлжалланган, аммо ундаги сувнинг баландлиги ҳозир олти футча келади.

Малласоч ҳам минорачадан калла ташлади. Бу

хаваскор учун унчалик ёмон кўрсаткич эмасди.

– Макс, тезроқ сувга туш! – кичкирди у ховликиб.
– Нимани кутяпсан? Мана буни хаёт деса бўлади!

Макс бассейн четига ўтирди-да, уч футча пастдаги сувга оёқларини осилтириб, аста сирғаниб тушди.

Ҳозир сизларга мураккаброк сакрашни кўрсатаман. – деди Бет.

Бет бассейн четидаги нарвонгача сузиб бориб, сувдан чикди. Кейин нарвонни бассейн четига маҳкамлаб турувчи, боягина Жорж бўшагиб кўйган болтларни сугурди ва кескин ҳаракат билан нарвонни тепага кўтариб олди.

– Ҳозир сизлар нарвони йўқ ва сув сатҳидан деворининг тепасигача уч фут бўлган чуқур бассейндан қандай чиқиб олишни менга кўрсатиб берасизлар! – ғазаб билан кичкирди Бет.

– Жо, у нарвонни олиб кўйди-ку! – ваҳима аралаш чинкирди Макс. – Қара, деворлар қандай баланд-а! Энди қандай чиқиб оламиз?

Кўряпман, манави жонон биз билан ўйнашмоқчи, шекилли, – ғазабидан овози титраб кетди Жонинг. – Жуда яхши. У билан бироз ўйнашга тайёрман.

У бассейн деворигача сузиб келди, сувга шўнғиди ва иложи борича тепага сакради. Бармоқлари бассейннинг юмалоқ шаклга келтирилган кирғоғига етди ва аста қўлларида тепага тортила бошлади.

Унинг боши девор четига етганида, Бет ёғоч тагли шиппакларининг бирини ечди-да, худди болға билан ураётгандек аввал Жонинг ўнг кўли бармоқларига, кейин чап кўл бармоқларига яхшилаб солди.

Жо бакирганча сувга қулади.

– Ҳа, яхши, ойимтилла! – пўписа килди у. – Ҳали

бу ердан чикиб олай, бу қилмишинг учун қон йиғлатмасамми?!

– Шунақа деб ўйлайсанми, Жо? – мазахлаб сўради Бет. – Кўп йиллар муқаддам мен ҳам сизларнинг хозирги аҳволингизга туш андим. Ушанда то куткариб олгунларига қадар роппа-роса уч соат тинмай сузишимга тўғри келган. Жо, сен уч соат тинмай суза оласанми? Ёки уч кун? Ҳар сафар бу ердан чикмоқчи бўлганингда, бармоқларингга тахта билан уриб турсам...

– Жо! – даҳшатдан Макснинг кўзлари олайиб кетди. – Мен дарҳол сувдан чикмасам бўлмайди. Мен бўғиляпман. Аҳволим чаток, бу аҳволда узок бардош бера олмайман.

– Тўнка, чалқанча ётиб ол-да, кўп ҳовликаверма! Чалқанчасига узок вақт сузиш мумкин. Унгача мен бир иложини топаман.

Жо кутилмаганда шахд билан карама-қарши томондаги девор томон сузиб кетди ва яна бассейндан чиқишга уриниб кўрди. Аммо Бет шошилмайгина бассейнни айланиб ўтди ва унинг тепасига энгашди.

Яна бир кичиккина сабоқ берайми, Жо? – кизикди у, кейин аста эгилди ва кучи борича Жонинг бармоқларига урди.

Жо кичқириб сўкинганча сувга кулаб гушди. У кучини саклаш учун жим бўлди ва бошка томондаги девор томон сузди, аммо бу ерда уни яна Бет кутиб турарди. Бу сафар Жо сувдан чиқишга уринмади. Фақат аёлга нафрат тўла нигоҳлари билан ўкрайди-да, яна бассейннинг ўртаси томон сузиб кетди.

– Сен эримнинг жонини оғритдинг, – қаҳр билан деди Бет. – Сен кўпгина одамларнинг жонини

оғритгансан. Сен кўп одамларнинг бошига етгансан. Аммо ҳеч қачон, ҳеч ким сенинг жонингни оғритмаган эди.

– Кўлингдан ҳеч нарса келмайди, шаллаки! – хириллади Жо. – Кимдир келади ва ўшанда кунинг битади.

– Сенинг калланг ишламайди, Жо. Ўзинг кўрдинг-ку, кадам етмас уйимиз овлок жойда. Бизникига ҳеч ким таклифсиз келмайди. Шундай экан, йигитлар, тамом бўлдик, деяверинглар.

– Менга қаранг, Раймонд хоним, – ялпичоқ оҳангда деди Макс, – нахотки сиз буларнинг бари ҳазил жапчилигини тушунмаган бўлсангиз? Биз сизларникида яшамоқчи эмасдик ҳам. Илтимос, нарвонни жойига қўйинг. Биз бассейндан чиқамиз-у, тинчгина ўз йўлимизга кетамиз. Онт ичаман, биз қайтиб Профессорни сира безовта қилмаймиз.

– Йўк, Макс, – бош чайқади Бет. – Сизлар бу ерда қолиш учун келгансизлар ва қоласизлар ҳам. Бассейнда қоласизлар.

– Макс, – секингина деди Жо, – иккаламиз икки томонга сузамиз. У иккаламизга бараварига халакит беролмайди.

Сувда чалқанча ётган Макс шубҳа аралаш бассейн деворларига қараб қўйди.

– Йўғ-э, бундан иш чиқмайди, Жо. Менинг бўйим паст, қўлларим ҳам кучли эмас. Мен бир ўзим чиқолмайман.

– Барибир, полиция етиб келади, – деди Жо Бетга. – Улар сенинг эринг Профессор эканлигидан хабар топишади, шунда икковингизнинг ҳам кунингиз битади!

Қоронги тушганида танангизни машинага солиб, ўнгиз-қирк чақирим наридаги гоғларга элтиб ташлаймиз, – жилмайди Бет. – У ерда жарликлар кўп ва бир кун келиб, сизларни кимдир топиб олишига кўзим етмайди.

Жо, мен чарчадим, ингради бакалок. – Чалқанча хам сузолмаяман. Тезроқ бирон чорасини топ, илгимос!

Топдим! – ҳайкирди малласоч. – Менинг бўйим олти фуг келади. Агар сен менинг елкамга чиксанг, дарров бассейндан чиқиб оласан.

Яшавор! – Макснинг кўзлари гаҳлидди чакнади. – Аनावи манжалақини тутиб оламиз-у, кунини кўрсатамиз.

Сени нима кутаётганини ўзинг биласан, Макс. оғохлантирди Бет шиппагининг ёғоч тагини кўрсатиб.

– Ҳечқиси йўқ! – илжайди бакалок. – Мен фақат сенинг оёқчанг ёки қўлларингдан ушлаб олсам, кифоя... Бармоқларига бир-икки марта уришанидан ҳеч ким ўлан эмас, ҳозирча.

Бет гараж томон югурди ва у ердан эри бассейн атрофидаги кошинларни ювадиган резина ичакни тортиб чиқди. У қайтганида, елкасига Максни чиқариб олган Жо қаддини ростлаётганди. Бет шошилмайгина резина ичакнинг бир учини сув қувурига улади. Макснинг боши бассейн четидан кўрингани хамони Бет резина ичакнинг учидаги очкич тусуради ва кучли сув оқими бақалокнинг юзига тўғрилади. Сув оқими йиқитган бакалок бассейнга қулаётиб, оғзини енишга улгурмагани учун анча сув ютиб юборди.

– Макс! – бўкирди тепада нималар бўлаётганини кўрмаётган Жо. – Ушла уни!

Макс йиқилаётиб Жонинг бўйнига ёнишди, уни ҳам тортиб кетди ва икковлари сув тагига кириб кетишди.

– Макс, тентак, қўйиб юбор мени! – кичкирди Жо, сув юзасига қалкиб чикиб, оғзини каппа-каппа очиб нафас оларкан. – Икковимизни ҳам чўктириб юборасанку!

Аммо Макс кўркувдан буткул эсини йўкотаёзганди. Улар яна сув остига кириб кетишди, йиғирма сониядан сўнг калкиб чикишди ва шу заҳоти яна чўкиб кетишди. Учинчи шўнғишдан кейин улар сув юзига қайтиб чикишмади...

Жоржнинг инграганини эшитган Бет эри томон отилди.

– Аҳволинг калай? – зўрма-зўраки илжайиб сўради у.

– Назаримда ҳаммаси жойида, шекилли.

Бет эрининг туришига кўмаклашди, шундагина Раймонд бассейнда ҳеч ким йўклигини кўрди.

– Улар қани? – сўради у хотинидан. – Уйдами?

– Йўк, – бош чайқади Бет. – Бассейн икковимиз уларнинг адабини бердик, Жорж. Ахир мен ўз бахтимни химоя қилишим лозим эди-да...



Стивен КИНГ



Стивен Кинг америкалик ёзувчи, даҳшатлар, триллер, фантастика, мистика жанрида ижод қилади. «Даҳшатлар қироли» сифатида таълиф қилган. Ўз исми-шарифидан ташқари, Ричард Бахман, Жон Свифен тахаллуслари остида ҳам

ижод қилади.

Стивен Кинг 1947 йили 21 сентябрда АҚШдаги Портленд шаҳрида туғилган. Ўзининг ижодий фаолиятини эндигина бошлаган чоғларида, кетма-кет омадсизликка учрайверганидан шунчалик тушкунликка тушганки, ҳатто барча ёзганларини оловга ташламоқчи бўлган, ammo хотини бу ишни қилмасликка зўрга кўндирган. У ўзининг 304 саҳифалик «Югураётган одам» романини 10 кунда ёзиб тугаллаган.

Стивен Кингга 1988 йили «Қайрағочзор кўчасидаги қотиллик–5» фильмига сценарий ёзиши ва мустақил равишда фильм олишини таклиф этишган. Кинг қўл телефонидан фойдаланмайди. Бунинг сабабини унинг «Қўл телефони» (2002) романидан билиб олиш мумкин. Мэн штатида унинг учта радиостанцияси бор.

ГУ.ЛАРНИ СЕВГАН ЙИГИТ

1963 йилнинг май ойи эди. Учинчи Авеню кўчаси бўйлаб ўнг кўлини чўнташига солиб олган йигит дадил одимлаб борарди. Ҳаво жуда ёқимли, ложувард ранг осмон шишадай тиник бўлиб, юракларни тўлқинлантириб юборувчи ажиб кайфият уйғотарди. Тамаддихоналар, кимевий гозалаш корхонаси ва ресторанчаларнинг олдида турган одамларнинг юзида табассум сирғалади. Шалогичиккан болалар аравачасида бакколлик буюмларини олиб кетаётган кампиршо йигитга қараб, жилмайди ва боши иргали: «Ҳа, ўктам йигит!» Йигит жилмайди ва саломлангансимон кўл силкиб кўйди. Кампиршо йўлида давом этаркан, ўзинча «Севиб қолибди-да, бу ўктам йигит!» деб ўйлади.

Ҳақиқатан ҳам бу йигит худди ошикларга ўхшарди. Устида енгил кулранг костюм, бўйинбоғи бироз бўшатилган, кўйлагининг ека тугмаси ечилган. Тим қора сочлари қалта қирқтирилган. Қомати келишган, кўзлари сачрагқиннинг гулига ўхшайди... Эя қатори йигит, аммо 1963 йилнинг илик баҳор окшомида у жудаям ажойиб кўринарди.

У билан гаплашган кампиршо қутилмаганда узок ёшлигини соғиниб кетди, шунақанги гўзал баҳор окшомида севган кизи билан учрашувга шошилаётган, у билан тамадди қилиб олиб, кейин бирга ракета тушишни орзикиб кутаётган ҳар қандай одам ажойиб кўриниши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кетди. Баҳор шундай ажойиб фаслки, бу пайтда ҳатто соғинч ҳам юракни эзмайди. Аёл бу йигитча билан гаплашганидан, у ҳам ширин сўзларига

жавобан қўл силкиб, хушомад қилиб қўйганидан хурсанд эди...

Йигит ҳамон енгил одимлаганча, юзидаги ёқимли табассумини йўқотмай, 63-чи кўчани кесиб ўтди. Йўлда у кўк тусли эски аравача олдида турган эркакни учратди. Аравачадаги гуллар асосан сарик тусли наргис ва зафарлардан иборат бўлиб, бир печта донагина сарик ва ок атиргуллар бор эди. Эркак қотган нон қавшаганча аравачанинг четига ўрнатилган каттакон транзисторли радиодан берилаётган янгиликларга қулоқ тутарди.

РадIODан берилаётган янгиликлар унчалик ёқимли эмасди: болғачали қотил ҳамон қўлга тушгани йўқ; Жи Эф Кей Вьетнам деб ағалувчи (сухандон нима учундир уни «Вайтнам» тарзида талаффуз этди) мамлакатдаги вазият ҳар тарафлама баҳоланишини эълон қилди; Ист-Ривердан қимлиги номаълум бўлган аёл танаси топилди; героин тарқатувчиларга қарши навбатдаги кураш кампаниясида биронта кимсага айблов қўйишнинг иложи бўлмади; руслар ядро бомбасини портлатишди... Буларнинг бари майда-чуйда, ахамиятсиз нарсалардек туюларди...

Ҳаво тиник ва майин эди. Новвойхона ёнида иккита бақалок эркак ҳазиллашиб, хандон отиб кулишарди.

Йигит гулчининг ёнидан ўтиб кетди, янгиликлар овози аста-секин пасая бошлади. Йигит ўйчан ҳолда ортига ўтирилди. Бармоқлари чўнтагидаги ниманидир қисимлади. Юзида катъиятсизлик, ёлғизлик ва ҳатто қандайдир кўрқув аке эди. Аммо қўлини чўнтагидан чиқаргани ҳамони юзида яна аввалги ифода аке эди.

Йигит жилмайиб, гуллар солинган аравачага қаради. У севган кизини қувонтириш учун гуллар олиб боради. Йигит бой эмасди, фақат камтарона сови алари ағина қурби

етарди, аммо у олиб кели ан бир ховуч ширинликлар, бир неча дона апельсин ёки оддийгина билагузукни кўрибок, кизнинг шахло кўзлари чараклаб очилиб кетганди.

Гул сотувчиси етмиш ёшларга кирган, чукур ажинлар кесиб ўтган юзи сирли мамлакатнинг харитасига ўхшар, кўзининг ости с лекиб, осилиб кетганди. Бармоклари орасида сигарет тутайди. Аммо қария ҳам кутилмаганда бунақанги ёкимли баҳор окшомида ёш ва ошиқ бўлиш ҳар қандай истагига етишиш дегани эканлигини эслаб қолди. Одатда ковоғини солиб, хўмрайиб ўтирадиган қария ҳам кутилмаганда бояги кампиршо сингари майин жилмайди.

- Гулларингиз қанчадан? - сўради йигит.

- Бир долларга сизга ажойиб гулдаста ясаб бераман. Атиргуллар иссиқхонада етиштирилган, шу сабабли улар қимматроқ – бир донаси етмиш цент, аммо уларнинг олтитасини уч ярим долларга бера оламан.

- Қимматроқ экан, – деди йигит.

- Оғайничалиш, ҳеч нарса текинга келмайди. Нахотки онажонингиз бу ҳақда айтмаган бўлса?

Йигит жилмайди:

- Ҳа, назаримда шунга ўхшаган нарсаларни айтгандилар.

- Албагга, айтган-да! Мен сизга олтита – иккита қизил, иккита сарик, иккита оқ атиргул бераман. Озгина аспарагус ҳам кўшиб юбораман – уларга бу ёқади, – ва бир-иккита қирккулок шохчаси билан ўраб бераман. Жуда зўр бўлади! Ёки бир долларлик гулдастани олмоқчимисиз?

- «Уларга» дейсизми? – қайта сўради йигит.

- Ошнагинам, – деди гулчи сигарет қолдиғини бир чертиб, ариқчага улоқтираркан ва гапида давом этди, –

май ойида ҳеч ким ўзи учун гул сотиб олмайди. Нимага шаъма қилаётганимни тушунгандирсиз?

Йигит Норманинг бахтиёр, қувончдан ял-ял ёнаётган юзини кўз олдига келтириб жилмайди ва бош ирғади.

– Бўпти, розиман.

– Албага, рози бўласиз-да! Танловингиз қандай бўлди?

– Узингиз нима дейсиз?

– Маслаҳат учун пул олишмайди, тўғрими, оғайничалиш?

– Ҳа, ҳозирча шундай, – гап котди йигит жилмайиб.

– Тўғри. Агар онангизга олаётган бўлсангиз, унда гулдаста яхшироқ. Бир нечта наргислар, озгина зафар, бир-иккита нилуфарлар етади. Шунда онангиз «Вой, ўғлим, мен гулларни жудаям яхши кўраман, аммо улар жудаям қиммат бўлса керак-а? Қачон пулларни ҳавога со-
зуришни бас қиласан?», деб кайфиятингизни бузмайди.

Йигит елкасини қисиб, кулди.

– Агар гулларни севган кизингизга олаётган бўлсангиз, – гапида давом этди сотувчи, – бу бутунлай бошқа гап, ўғлим. Бунинг сабабини эса биласиз, чунки севган кизингиз сиз ҳадя этган атиргулларнинг пулини ҳисоблаб ўтирмайди. Йўқ. У сизни маҳкам кучади-ю..

– Атиргулларни оламан, – унинг гапини бўлди йигитча шоша-пиша ва энди гулчи қария кулиб юборди.

Новвойхона ёнида гап сотаётган эркаклар улар томонга ўгирилиб қарашди.

– Ҳой, йигит, – қичкирди уларнинг бири. – Менинг никоҳ узугимни сотиб олсанг-чи! Жуда жонимга тегди-да, ўзиям!

Йигит кип-қизариб кетди. Гулчи олтига атиргул олди, новдаларини бироз кесди, гулбаргларига сув пуркади ва каттакон ялтироқ қоғозга ўради.

эслаб, ўйчан холда ортидан қараб қолишганини ҳам, ёшгина йўл назоратчиси кескин хуштак чалиб, Учинчи Авеню ва 63-чи кўчадан келаётган барча машиналарни тўхтатганини ва уша йўл бўшатганини ҳам сезмади. Ёшгина йўл назоратчиси гул кўтариб кетаётган одамнинг юзида ўзи кўпинча соқолини олаётиб, кўзи уда илғаб қоладиган ифода мавжудлигини пайкагани.

73-чи кўчада у чап томонга қайрилди. Бу ер бироз қоронғирок эди. Бу ердан сал нарида, тўп ўйини кетаётганди. Йигит яқинроқдаги тор кўча томон юрди.

Осмонда юлдузлар кўз қисншар, аҳлаг идишлари ғира-шира қорайиб турган тор кўча ғалаги соялар билан гўлган. Йигит бу ерда бир ўзи эди. Йўқ, бу унчалик тўғри эмас. Ғира-шира зулмат аро қулоқни қоматга келтирувчи чинкирик янгради ва йигитча сесканиб тушди. Бу мушукларнинг севги кўшиғи эди.

Йигит кадамини секинлатди ва соатига қаради. Саккиздан ўн беш дақиқа ўтганди ва Норма бу вақтда... У ховлидан чиқиб келаётган кизни кўрди. Тўқ зангори жинси шим ва ошпоқ ҳарир кофта кийган кизнинг қомати юрагини титроққа солди. Ҳар сафар йигит кизни кўрганида, бу ёқимли совға бўларди – у жудаям ёш кўринарди. Йигитнинг юзи табассумдан ёришиб кетди ва у кадамини тезлатди.

– Норма! – деб чақирди у.

Киз бошини кўтарди ва жилмайди, аммо яқинроқ келганида, унинг табассуми ғойиб бўлди. Йигитнинг юзидаги табассум титради ва у бироз безовталиқни сезди. Унинг юзи худди туманга айланиб қолгандек хилпираб кетди. Қош қорайиб қолган... балки у янглишгандир? Йўқ, албатта, бу ахир Норма-ку!

Мен сенга гул келтирдим, – деди у енгил тортиб ва

гулдастани кизга тутказди. Киз гулларга караб жилмайди ва гулдастани кайгиб берди.

– Раҳмат, аммо сиз янглишяписиз. Менинг исмим...

– Норма, шивирлади у ва чўнтагидан калтагина ёғоч дастали болғачани чикарди. – Бу гуллар сен учун, Норма... доим сен учун... бари сен учун...

Киз гандираклаб кетди. юзи янада хиралашиб оппок доғга айланди, кўркувдан лаблари думалок шаклга кирди. Ҳа, бу Норма эмас. Норма ўлган. Ун йил мукаддам ўлган. Аммо бунинг аҳамияти йўқ, чунки киз кичкиришга чоғланаётганди ва у... кичкирикни тўхтатиш учун болғасини силкитди. У кўлни силкитганида гулдаста ҳам ерга тушиб, гуллар ерга сочилди. Қизил, оқ ва сарик атиргуллар пачакланган, занглаган ахлат идишлари орасида изғиб юрган мушукларнинг устига сочилиб кетди...

Йигит болғачасини силкитди ва киз кичкириб юборди. Йўқ, у кичкиргани йўқ, чунки у Норма эмасди. Уларнинг ҳеч бири Норма эмасди ва у болғачасини силкигаверди, силкитаверди... Бу қиз Норма эмасди. шу туфайли ҳам у болғачасини силкитди ва буни беш марта такрорлади.

Орадан биров вақт ўтиб, йигит болғачасини чўнтагига солди ва тош ётқизилган қоронғи кўчадан тез-тез юрганча, ахлат идишлари орасига ёйилган гуллардан нари кета бошлади. Қоронғи тушган. Тўп ўйнаётганлар аллақачон уйларига тарқалиб кетишган. Агар унинг кийинида қон юки қолган бўлса ҳам, қоронғида кўринмайди.

Йигит ўша қизнинг исмини билмасди. Аммо у ўзининг исмини биларди. Унинг исми... исми... СЕВГИ эди.

Унинг исми Севги эди ва ва у қоронғи кўчадан кетиб

борарди, чунки уни Норма кутаётганди. Ва, йигит уни албатта топади. Яқинда топади.

У яна жилмайди. 73-чи кўчага чикканида яна аввалгидек енгил одимлай бошлади. Ўз уйлари ёнида ўтирган ўрта ёшлардаги эр-хотин нималарнидир ўйлаганча жилмайиб ўтиб кетаётган йигитни унсизгина кузатишарди.

Йигит ўтиб кетганидан сўнг, аёл эридан сўради:

– Нега сен унга ўхшамайсан-а?

– Нима? – қайта сўради эри.

– Йўк, ўзим, шунчаки, – деди аёл кўзлари билан кулранг костюмли йигит тун ғира-шираси орасида кўздан ғойиб бўлишини кузатиб коларкан. Ва, «Агар дунёда бахордан ҳам ажойиброқ нарса мавжуд бўлса, у – Севгидир» деб ўйлади...



Эдгар УОЛЛЕС



Йигирманчи аср бошларида «Эдгар Уоллес» номи билан ижод қилган машҳур адиб Эдгар Ричард Горацио Уоллес ёзувчи, драматург, киносценарист ва журналист сифатида танилган. У 1875 йили 1 апрель куни Гринвичда, актёрлар оиласида дунёга келган. У отаси Ричард (Валтер Уоллес) Мерриотни ҳеч қачон кўрмаган, то улгайғунига

қадар Фриманлар оиласида тарбияланган. Ричард Фриман сифатида танилган Эдгарнинг болалигини бахтли кечган, дейилса, муболага бўлмайди. Тутинган онаси Клара Фриман Ричардга том маънода иккинчи она бўлган, Жорж Фриман эса меҳрибон ва обрўли одам бўлиб, Ричарднинг яхши маълумот олиши учун барча имкониятларни яратиб берганди.

1920-чи йилларда у энг кўп нашр этиладиган инглиз ёзувчисига айланди (чоп этилаётган ҳар тўрт китобнинг биттаси уники бўларди). Уоллес 173 та роман, 23 та пьеса, 1000 дан ошиқ ҳикоя ёзган. Уоллес асарлари бўйича 170 та фильм суратга олинган!

Адиб 1932 йили 10 февралда, Голливудда машҳур «Кинг-Конг» фильми учун сценарий ёзаётган вақтида оламдан кўз юмади. 1969 йили унинг қизи Пенелопа халқаро Уоллес жамғармасини ташкил этади.

ЎҒИРЛАНГАН СУРАТ

Скотланд-Ярднинг бош терговчиси Питер Дауэс ўз лавозими учун жудаям ёш эди. Гарчи шу вақтгача ўзи бошлаган ишларнинг ечимини топмай қолмаган бўлса-да, Питер ўз қахрамонликлари ҳақида сўзлашни ёқтирмасди.

Агар уни бирон нарса қизиқтирадиган бўлса, у ҳам – биронта чигал жиноятнинг ечимини топиш эди. Барча ғалати, ғайриоддий ва сирли воқеалар унда жуда кучли қизиқиш уйғотар ва у Жейн Тўрт Квадрат амалга оширган қўплаб жиноятларнинг биронтаси билан ҳам шуғуллана олмаганлигидан жудаям афсусланди.

Аммо Клейторпнинг уйда юз берган ўғирликдан сўнг Питер Дауэсга бу жиноятчи қизни топиш вазифаси юклатилди. Лорд Клейторпнинг уйда содир этилган сирли ишни ўрганиб бўлгач, Питер Скотланд-Ярдга қайтиб, бўлим бошлиғига ҳисобот берди:

Бу қизнинг фаоллиги бир йилча муқаддам бошланган. У оддий одамларни эмас, балки ўта бой ва, тушунишимча, тоғсаноатидаги турлитовламачиликлар орқали бойлик ортирганларни тунайди.

– У пулларини нимага сарфлар экан-а? – қизиксинди бўлим бошлиғи

– Бу ишнинг энг қизик жиҳати ҳам шунда-да, – жавоб берди Дауэс. – У турли хайрия ташкилотларига катта миқдорда пул беради. Айтайлик, Льюинштейнни тунаганидан сўнг, Лондоннинг Ист-Энд ҳудудидаги болалар боғчалари номаълум саховатпешадан тўрт минг фунт олишган. Айни вақтда яна тўрт минг фунт

Вест-Энд касалхоналарига жўнатилган. Тальботни «шилиб» кетишганидан сўнг номаълум кимса Вест-Энд туғрукхонасига тўрт минг фунт, яъни карийб ўғирланган микдордаги пулни хайрия қилган. Ўйлашимча, Дон-Кихотга хос бўлган бундай саховатли ишлар ортида бойлар ҳисобидан камбағалларга ёрдам бериш истаги ётибди. Охир-окибатда, ўғри қиз бу касалхоналардаги аҳволни яхши биладиган бўлиб чиқса ажаб эмас.

– Қойилмаком ишлабсиз, деди бошлик куруккина. – Бирок бизни мактовга сазоворишлари кизиктирмайди. Биз учун у – ўғри қиз, холос.

– Оддийгина ўғри қиз эмас, – секингина лукма ташлади Питер. – У мен Скотланд-Ярдда ишлаётганимдан бери учратган жиноятчилар ичида энг ақллисидир. Шу пайтгача мен учратишдан кўркан бир нарса бор, у ҳам бўлса – мияси жойида бўлган жиноятчидир.

– Сиз бирон марта бу ўғри қизни кўрганмисиз?

– Йўқ десам ҳам бўлади, ҳа десам ҳам, – деб жавоб берди Питер Дауэс. – Бу жуда сирли жаранглайди, аммо аслини олганда, ҳаммаси жудаям оддий. Уни кўрган одамларнинг бари иккинчи марта кўрганда танишмайди. Льюинштейн уни кўрган, Клейторп ҳам кўрган, аммо унинг юзини доим тўр парда тўсиб турган. Энг қийини – унинг навбатдаги қурбони ким бўлиши номаълумлигидир. Ҳатто у энг бой кимсаларни тунаса-да, танлаш имконияти жуда катта, ахир бундайлар нақ қирқ минг нафарни ташкил этади. Ҳаммани эса ҳимоялай олмаймиз... – у тўсатдан жим бўлиб қолди.

– Хўш? – сўради бошлиғи.

– Унинг усулларини синчиклаб ўрганиб чикиб, – давом этди Дауэс, – кейинги ўғирлик учун номзодни аниқлашга муяссар бўлдим. Уша одам ўта бой, бу ҳам етмагандек, ўз мол-давлатини кўз-кўзловчи кимса бўлиши керак. Натижада, тўрт номзодни танладим: Грегори Смит, Карл Свейсс, жаноб Томас Скотт ва Жон Трессер. Мен ўғри қиз Трессерни овламоқчи, деган хулосага келдим. Биласизми, Трессер ўзининг ҳал-ҳисобсиз мол-давлатини унчалик ҳалол бўлмаган йўллар билан топган, боз устига, қулай фурсат туғилгани ҳамони ўз бойлиги билан мактанишга уринади. Граф Хаслемернинг уйи ва суратлар тўпламини ҳам у сотиб олган... Бу эсингизда бўлса керак, ахир ҳамма газеталар шов-шув кўтаришганди-ку?

Бошлиғи тасдиқлагансимон бош ирғади.

– Улар орасида Ромнининг ажойиб сурати ҳам бор эди, шекилли?

– Ҳа, афтидан, айти ўша ўғирланса керак, – деб жавоб берди Дауэс. – Трессерга, турган гапки, барибир – сураг нима-ю, газ ўчоғи нима! У факат бошкалар айтишгани учунгина Ромнининг суратини бебаҳо деб билади. Бундан ташқари, у кўпинча журналистларга ўзининг хайрия борасидаги нуқтаи назари ҳақида очик сўзлаб беради: жамоатчилик ташкилотларига бирор чакка ҳам сарфламаган, агар шунча пул қайтиб келишига кўзи етмаса, ҳеч кимга бир цент ҳам бермаган. Бу эса Жейннинг асабини қайраши тайин. Боз устига, бу суратнинг бадний киймати ва нархи ҳақида шунақанги кўп ёзишадикки, уни қўлга киритишга уринмаслиги сираям мумкин эмас.

Жаноб Трессер билан учрашиш ва гаплашиш

жудаям кийин эди. Лондон Ситисида иши кўплигидан, у эрта тонгдан ярим тунгача тиним билмай ишларди. Ниҳоят, Питер бойваччани тушлик қилаётган вақтида – Ритц-Карлтон ресторанининг алоҳида хонасида тутишга муваффақ бўлди. Мультимиллионер малласоч, соколларини хафсала билан қиртишлаган, мовий кўзлари совук бокадиган миқтидан келган одам эди. Скотланд-Ярд гувоҳномасининг сеҳрли кучи Питер Дауэснинг бойвачча овқатланаётган хоначага киришига имкон берди.

– Ўтиринг, ўтиринг, – шоша-пиша мулозамат қилишга тушди жаноб Трессер. – Нима гап, тинчликми?

Питер қандай иш юзасидан келганини тушунтиришга тушди, суҳбатдоши эса унга худди оддий иш юзасидан таклифларни тинглаётгандек хотиржамгина кулок тутарди.

– Ўша Жейн ҳақида кўп эшитганман, хушчақчақлик билан гап қотди жаноб Трессер. – Аммо, ишонаверинг, унинг менга тиши ўтмайди.

– Адашмасам, таширифчиларга ўз коллекциянгизни кўриш учун рухсат берар экансиз.

– Тўғри, – деди жаноб Трессер. – аммо суратлар яхши кўрикланади, уларни кўришни истаган ҳар бир кимса таширифчилар дафтарига ёзилиши лозим.

– Сурат тунда қаерда туради – девордами? – сўради Питер, жаноб Трессер эса кулиб юборди.

– Нима, сиз мени жинни деб ўйлаяпсизми? – деди у кула-кула. – Йўқ, тунда уни махсус сейф хонасига олиб кириб кўйишади.

Питер Дауэс суҳбатдошининг кулфлар ва тамбаларнинг самарадорлиги ҳақидаги гапларига кулок солиб ҳам ўтирмади. У Жейн Тўрт Квадрат акл

ва топқирлик борасида ажралиб туришини биларди, шу туфайли Беркли-Сквердан унча узок бўлмаган граф Хасдемернинг уйи томон йўл олди. Ичкарига кириш учун рухсат олган Питер ташрифчилар дафтарига ёзилди, афтидан изкуварлиги аниқ кўриниб турган посбонга ўз гувоҳномасини кўрсатди ва галереянинг узун залига кирди. Деворда Ромни қаламига мансуб бўлган ажойиб сурат осиглик турарди.

Галереяда Питернинг ёлғиз ўзи эди. Очиқ суратлар уни қизиқтирмасди. У хонани тезгина ва пухта кўздан кечирди. Бу хона узун ва тор бўлиб, унга фақат биттагина эшик орқали кирилар, хона охиридаги дераза панжаралари эса қуюқ симли тўр тутилган пўлат панжаралар билан тўсилганди. Улар орқали хонага кириш ёки чиқишнинг сираям иложи йўқ эди. Деразаларда жиноятчини яшириши мумкин бўлган пардалар йўқ. Суратларни кундузи қуёш нурларидан химоялаш учун тенадан пардалар тушириларди.

Питер залдан чиқиб, ўзини диққат билан кузатаётган кўрикчиларнинг ёнидан ўтди. У Жейн Тўрт Квад-рат жаноб Трессерни тунамоқчи бўлса ҳам, буни осонгина амалга оширолмаслигини тушунди. У Скотланд-Ярдга қайтиб, олатий ишлар билан шуғулланди, кейин овкатлангани кетди. Питер соат учларда ишхонага қайтди ва Жейн Тўрт Квад-рагни калласидан чиқариб ташлаганди ҳамки, телефон жиринглаб қолди.

– Ҳозир хузуримга кира оласизми? – сўради гўшакдаги овоз ва Дауэс йўлак охиридаги бошликнинг хонаси томон ғизиллаб кетди.

– Қойил, Дауэс, узок кутмадингиз! – хитоб қилди у томдан тараша тушгандай кутилмаганда.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Қимматбахо суратни ўғирлашибди, – деди бошлиғи. Питернинг фақат қўлларини кенг ёзишдан бошқа иложи қолмади.

– Бу қачон содир бўлибди?

– Ярим соатча муқаддам. Яхшиси, ўзингиз Беркли-скверга бориб, ҳаммасини жойида ҳал қилганингиз маъқул.

Икки дақиқадан сўнг Питернинг икки ўринли митти машинаси Лондоннинг иланг-биланг кўчалари бўйлаб ғизиллаб кетарди. Яна ўн дақиқадан сўнг эса қасрга етиб келди ва ҳаяжонга тушган ходимларни сўроққа тутушга тушди. Аммо билиб олиш мумкин бўлган гаплар жудаям кам эди.

Соат ўн бештакам тўртда қасрда оғир пўстинининг ёқасини бурнигача кўтариб олган қария пайдо бўлибди ва суратлар галереясини кўришига руҳсат беришларини сўрабди. У ўзини Томас Смит деб атабди.

У Ромни ижодининг билимдоли эди ва бу ҳақда ким биландир жудаям гаплашгиси келарди. У ходимларнинг ҳаммаси билан гаплашиб, ўзининг санъат оламидаги узок умри ва санъатшунослик борасида эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб беришга уринади. Қисқаси, бу одатда галереяларда санъиб юрадиган одатдаги миждов санъатшуносларнинг биттаси эди, холос. Ходимлар чолнинг вайсашларига кулоқ ҳам тутиб ўтирмай, уни дарҳол суратлар галереясига олиб киришган.

– У залда ёлғиз қолдимиз? – сўради Питер.

– Ҳа, сэр.

– У билан бирга бирон кимса кирмадимиз?

– Йўқ, сэр.

Питер бош ирғади.

– Турган гапки, унинг вайсакилиги атайлаб, ходимларни хуркитиш учун кўлланган чора, холос.

– Кейин нима бўлди?

– Чол залга кирди ва одамлар у Ромни сурати қаршисида, худди сеҳрлангандек махлиё бўлиб қолганини кўришди.

Буни кўрган ходимларнинг бари ўша вақтда Ромни жойида осигликтури аинини кўриши аинини таъкидлашди. Ходимлар залга караганлари ҳамони қария мусаввирнинг махорати хақида ўз-ўзига вайсаганча залдан чиқиб кетган. У залдан чиқаётганида кўчадан бир кизча кирган ва галереяни кўришга рухсат сўраган. У гашрифчилар дафтарида Элен Коль сифатида ёзилган.

– Унинг кўриниши қандай эди? – сўради Питер.

– Э, у бутунлай ёш бола эди! – бироз иккиланиброк хитоб қилди ходим. – Ёшгина кизалок, холос.

Кизча қария залдан чиқиб кетаётган вақтда кирганди. Қария ўгирилиб, кизчага қаради, кейин чиқиш эшиги гомон йўналди. Аммо эшикка етиб бормасиданок чўнтагидан дастрўмолчасини чиқарди ва чўнтагидан ўн-ўн бешта кумуш тангалар ерга тушиб, мрамар пол узра ғилдираб кетди. Ходимлар тангаларни йиғишга кўмаклаша бошлашди. Қария жағи гапдан тинмаган ҳолда (афтидан, ҳамон сураг таассуротларидан маст эди, шексизли) уларга раҳмат айтади ва, ниҳоят, жўнаб қолади. У қасрни тарк этгани ҳамони кизча галереядан чиқади ва сўрайди:

– Ромнининг сурати қаерда?

– Залнинг ўртасида, шундоққина эшикнинг тўғрисида, – дейишади унга

– Аммо у ерда сурат йўк-ку? – сўрайди кизча. – У ерда факат бўм-бўш ром ва тўрт квадратли кора коғоз ёпиштирилган.

Ходимлар оёғини кўлига олиб зал ичкарисига югуришти – тўғри, сурат ғойиб бўлибди! Унинг ўрнида, тўғрироғи, суратнинг роми орқасидаги деворда Жейн Тўрт Квадратнинг белгиси турарди. Аммо ходимлар ўзини йўқотиб кўйишмади. Уларнинг бири дархол телефонга югурди ва яқиндаги полиция бўлимига кўнғирок килди, бошқаси эса қарияни излашга отилди. Аммо қанча изласалар-да, қарияни топа олишмади. Беркли-Сквер муўолишидаги назорат постиди турган полициячи унинг таксига ўтириб кетганини кўрган, аммо машинанинг рақамларини эслаб қолмаганди.

– Қизча-чи? – сўради Питер.

– Э, қизча кетиб қолди, – деди ходим. – У бироз вақт шу ерда ўралашиб юрди, кейин кетиб қолди. Унинг манзили ташрифчилар дафтарида ёзилган. Унинг суратни олиб чиқиш имконияти ҳам йўк эди! – шахд билан таъкидлади ходим. – Қизчанинг эғнида калтагина ёзғи костюмча бор эди, унинг тагига шундай катта суратни сиғдириш сираям мумкин эмас!

Питер суратнинг ромини кўздан кечирди. У атрофни кўздан кечириб, шундоққина ром остиди тушиб ётган каттакон кора кистирғичдан бошқа нарсани топмади. Одатда бунаканги кистирғичлар билан банкларда коғоз пуллар кистириб кўйилади. Шу, холос.

Жаноб Трессер бу йўқотишга нисбатан хотиржам муносабатда бўлди. Факат юз берган воқеанинг батафсил тасвирини газеталардан ўқиб чиқибгина, у

йўқотган нарсасининг кийматини тушунди ва суратни тошиб берган одам учун мукофот эълон қилди. Йўқолган сурат жамоатчиликдаги гап-сўзларнинг асосий мавзусига айланди. Газеталар ўта иктидорли хаваскор изкуварларнинг ақлли лол колдирувчи тахминларини баён қилишарди. Жиноятни очиш соҳасининг барча мутахассислари воқеа юз берган жойга тўпланишиб, ақлли ўқувчиларни кизиктириши мумкин бўлган назарияларни ўйлаб топишарди.

Ташрифчилар дафтаридан қария ва кизалокнинг манзилларини топган Питер ярим кун вақтини излашга беҳуда сарфлади – на беозор кизалокнинг, на ўта маълумотли жаноб Смитнинг кўрсатилган манзилида бундай кимсалар яшамас экан. Питер бошлиғига ҳисобот тайёрлаб қирган чоғида эса, бу жиноят қандай содир этилганлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиб бўлганди.

– Қария шунчаки чалғитиб турган, – деди у. – У ходимларда шубҳа уйғотиш ва уларнинг кўзини шамғалат қилиш учун юборилган. У ўзидан узокрок бўлишлари учун ўз вайсашлари билан ҳамманинг жонига теккан. У залга қирганида рўдапо кийим-бошлари ходимларда шубҳа уйғотишини ва уни кузатишларини билган. Кейин у залдан чиқиб кетган – чиқиш вақти айни кизча кириб келадиган вақтга мўлжалланган. Бу ажойиб режа эди. Барча ходимларнинг диққатини ўзига жалб этиш учун пуллар сочилиб кетишидан-да кўра ажойиброк усулни ўйлаб топиш кийин! Айни барча ходимлар қариянинг пулларини теришга тушиб кетишган вақтда сурат ромидан қирқиб олинган ва яширилган. У қаерга беркитилган ёки қандай олиб чиқилган, буниси ҳозирча жумбок. Хо-

димлар кизча бу суратни кийими остига яшира олмас-лигига мутлако аминлар. Менинг калин бўз мато ёрда-мида ўтказган тажрибаларим ҳам бундай қилиш асло мумкин эмаслигини тасдиқлади.

– Ўша кизча ўзи ким экан?

– Жейн Тўрт Квадрат! – қисқа деди Питер.

Бўлиши мумкин эмас!

Питер жилмайди.

– Ёшгина кизнинг янада ёшроқ кўрина олиши кийин эмас. Калта кўйлак кийиб, сочини ўриб олса, та-мом-вассалом. Аммо Жейн Тўрт Квадратнинг аклига койил қолмай иложингиз йўқ.

– Тўхтаг-чи, – деди бўлим бошлиғи, – у суратни деразадан бериб юбора олмайдами?

Питер бош чайкади.

Мен ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрдим. – деди у. – Аммо деразаларнинг бари ёпик, ташқаридан пўлат панжаралар тортилган. Шундай экан, уларни бу усулда гумдон қилишнинг сираям иложи йўқ. Йўқ, у қандайдир бир йўл билан ходимларнинг шундоқкина бурни остидан олиб чиқиб кетишнинг иложини топган. Кейин ташқарига чиқиб, соддадиллик билан Ромнининг суратини топа олмаётганини айтган. Турган гапки, ҳамма галерея томон югурган. Уч дақиқагача ҳеч ким бу «болакай»га эътибор бермаган.

– Нима деб ўйлайсиз, ходимлар орасида ўғрининг шериги бўлиши мумкинми??

– Мумкин, – деди Питер. – Аммо ходимларнинг ҳар бири яхши обрў-эътиборга эга одамлар. Бари уйланган, бола-чакали, илгари сираям номига доғ тушмаган.

– У суратни нима қиларкин, ахир уни йўқотиб юбора олмайди-ку?

– У мукофотни олмоқчи, – жилмайиб деди Питер.
– Мен бу ҳақда роса бош қотирдим. Айтишим мумкинки, Жейн менинг кўлимда, бу сафар уни кўлдан чиқариб юбормайман.

– Мукофот, дейсизми? – қайтарди бўлим бошлиғи.
– Ҳа, тузуккина пул ваъда қилинган. У суратни қайтариб бергач, мукофот сизга тегиши аниқ.

– Асло, – деди Питер ва чўнтагидан шошилиночномани чиқариб, уни бошлиқ каршисига кўйди. Унда шундай деб ёзилганди:

«Агар жаноб Трессер Грейт Пэнтон-Стритдаги болалар касалхонасига беш минг фунт маблағ ўтказиб берса, Ромни сурати қайтариб берилади. Жаноб Трессер ушбу тўловни ўтказган онда сурат ўз жойига қайтади. Жейн».

– Трессернинг ўзи нима деяпти?

– Трессер рози, – жавоб берди Питер. – Бу ҳақда аллақачон Грейт Пэнтон-Стрит касалхонаси котибига хабар берилган. Кўнгида газеталар эрталабдан бери шу ҳақда ёзишяпти.

Уша куниёк, тушдан кейинги соат учларда бу сафар Питер Дауэсга йўлланган бошқа шошилиночнома келди. У бундан ташвишга тушди: жиноятчи қиз бу ишни ким олиб бораётганидан жуда яхши хабардор эди.

«Суратни бугун кечкурун, соат саккизларда қайтариб бераман. Суратлар галереясида бўлинг ва барча эҳтиёт чораларини кўриб қўйинг. Акс ҳолда яна кўлдан чиқариб юборасиз.

Жейн Тўрт Квадрат».

Шошилиночнома бош почта идорасидан жўнатилганди.

Гарчи ўғри кизни топиш учун заррача умид пўк бўлса-да, Питер имкони борича ҳамма чораларни кўришга ҳаракат килди. Агар Жейн Тўрт Квадрат панжара ортига ўтказилмаса ҳам, энди бу Дауэсининг айби билан бўлмасди. Жаноб Трессернинг уйида бир гуруҳ одамлар: Дауэс ва унинг икки нафар ёрдамчилари изкуварлар, жаноб Трессернинг ўзи (у йўғон сигарани оғзидан қўймас ва, афтидан, ҳаммадан кўра камрок ташвишлаларди), уч нафар галерея хизматчилари ва Грейт Пэнтон-Стрит касалхонаси вакили йиғилишди.

– У бу ерга шахсан ўзи таширф буюрармикин? сўради жаноб Трессер. Очиги, ўша Жейнни бир кўриб қўйишга қарини эмасман. Гарчи у мени бошлаб лақиллатган бўлса-да, аммо унга сираям ёмонликни раво кўрмайман.

– Менинг тасарруфимда алоҳида полиция отряди бор. – деди Питер. – Изкуварлар кўчада теварак-атрофни кузатиб туришибди, аммо сизга мактанишга арзигулик ҳеч нарсани ваъда килолмайман. Бу ўғри кизни қўлга тушириш жудаям кийин.

Кўшни ибодатхонадаги соат саккизга бонг урди. Аммо Жейн Тўрт Квадрат пайдо бўлмади. Орадан беш дақиқа ўтгач, қўнғирок жиринглади ва Питер Дауэс эшикни очгани шошилди. Почтачи шошилинона келтирганди. Питер хатжилдни очиб, номани диққат билан ўқиб чиқди-ю... завқини яширолмай, хандон отиб кулиб юборди.

– Қойил, урдасидан чиқибди-я! – деди у кула-кула

– Бу билан нима демоқчисиз? – жиддий сўради жаноб Трессер.

– Қани, юринглар-чи, – деди Питер.

У шерикларини суратлар галереяси томон бошлади.

Деворда каттақон бўш ром оснғлик турар, унинг ортида эса Жейн Тўрт Квадратнинг ярми юлиб ташланган белгиси қорайиб кўринарди. Питер зал охиридаги деразалардан бирининг олдиға ўтди.

Сурат шу ерда, – деди у, суратни залдан олиб чиқиб кетишмаган.

У кўлини кўтариб, тизимчани тортди ва йиғилган парда аста-секин настига туша бошлади. Йиғилганлар хайрат ила хитоб қилишди. Парда билан бирға унга тўгнаб қўйилган Ромни сурати ҳам очилди.

– Мен кистирғични кўргандаёқ бу ҳақда ўйлашим керак эди. – таассуф билан деди Питер. – У жуда тез ҳаракат қилишиға тўғри келган. У суратни кесиб уни зал охириға олиб борган, пардани туширган, суратнинг тепа учини пардаға кистириб қўйган ва яна уни йиғиб қўйган. Манави лаънати пардани тушириб кўриш эса ҳеч кимнинг хаёлиға ҳам келмаганини қаранг!



Стюарт МЕЛВИН КАМИНСКИ



Стюарт Мелвин Камински америкалик ёзувчи, асосан «Стюарт М. Камински» ва «Стюарт Камински» таҳаллуслари остида ижод қилган.

Стюарт Мелвин Камински 1934 йили 29 сентябрь куни Чикагода дунёга келган. Унинг бобоси ва

бувиси Россиядан келган поляк мухожирлари эди. Камински 1957 йили журналистика бўйича бакалаврлик даражасини эгаллади, магистрлик даражасини эса Иллинойс университетида олди. Стюарт Камински 1959 йили Мерла Гордонга уйланган бўлиб, уларнинг Тоби, Петер ва Лизи исмли фарзандлари бор. Айни вақтда улар Сарасота (Флорида)да яшашади.

Стюарт Камински 50 дан ортиқ романлар, ўнлаб ҳикоялар, беш нафар таниқли шахслар (Гарри Купер, Клинт Иствуд ва бошқалар)нинг биографик китоблари, бир нечта сценарийларни ёзган. «Аёзги алвонранг тонглр» романи учун Эдгар По мукофотини олган, Франциянинг «Энг яхши саргузашт роман учун» мукофотиغا сазовор бўлган. Америка детектив ёзувчилар ассоциациясининг президенти қилиб сайланган.

КИТОБДОРНИНГ ЎЛИМИ

Мен китоб дўконига кирганимда, Мартин Кифер ёғоч пештахта ортида турарди. Сийрақкина сочлари тепакалини зўр-базўр яшириб турарди. Шимини гортиб гурган тасмалари, мовий ранг иш кийими, дўппайиб турган қоринчаси – хуллас, ҳақиқий америкалик китобдорнинг ўзгинаси, ҳар қандай ҳолат учун ҳам таниқли ёзувчиларнинг китобларидан олинган мос цитаталарни ҳамлаб юрадиганлардан бири.

Бир неча дақиқа аввал соат тўққиз бўлган, муассасани ёпиш вақти етган, аммо Кифер ҳар доим соат ўнгача ишлайверарди. Мен Кифер ҳақида кўп нарса билардим, илло унинг эски чарм ва саргайган саҳифаларнинг оғир хидига тўлган чанг босган дўкончасида анча-мунча вақтимни ўтказгандим.

У ўзи ўқиётган шеърлар тўпламидан кўзини узиб, кўзойнаклари узра менга энеси қотибгина назар ташлади. Унинг киёфасида ўзига хос бўли ан ҳиссиётлар: шубҳагўйлик, бадбинлик, тажангликнинг бари акс этди. Мен ичкарига кириб, эшикни ёпгач эса Кифер факат бош чайкаб қўя қолди ва яна китобга мукка тушди. Эшик кулфи шикирлаганини эшитгач, у хафсаласи пир бўлиб, тўнғиллади:

Онангнинг айтишича, сенга Акрон саҳнасида қандайдир роль беришганмиш.

– Детройтда, – дедим мен, – аммо ҳозирча бу аниқ эмас. Беришни мўлжаллашяпти.

– Бугун оғир кун бўлди, Бертон. Шунинг учун ҳам, сенинг-мендан-қандай-қарзинг-борлиги ёки сен-Луизага-қандай муносабатда эканлигинг ҳақидаги гап-сўзларга хушим йўқ.

Кифер кўзойнагини ечди, яна бурни устига кўндирди ва кўзини қайта кўтарганида менинг

кўлимдаги тўппончани кўрди. У китобни четга қўйиб, иш столи устига эгилди ва сарғайган қоғоз варағига ниманидир ёза бошлади.

– Кўлимда тўппонча бор, огоҳлантирдим мен.

– Кўряпман, – у ёзишда давом этди. – Мен аллақачон қахва қайнатгични ўчирдим, аммо унда бирор финжон қахва қолган бўлиши керак. Ўзингга қахва қуйиб олгин ва бу ердан қорангни ўчир.

– Мен нега келганимни биласизми?

Кифер илжайди.

– Жуда бўлмаса бир сонягагина менинг у эканлигимни тасаввур қила оласизми?

– У, дейсанми? – қайта сўради Кифер оғир хўрсиниб, бу эса мен унинг нақадар жонига текканимни кўрсатарди.

– Китоб сотувчиларнинг котили, – аниқлаштирдим мен унга яқинлашиб.

– Йўқ, тасаввур қила олмайман. Ҳатто бир соняга бўлса-да...

У ёзишни тугатди ва менга қаради.

– Мўъжазгина китоб дўконларининг эгаси бўлган икки нафар китоб сотувчилар, ўтган ҳафтала ўққа учишганди.

– Уларни мен ўлдирганман.

Вилински ва Томасни-я? – Кифер нуридийдасининг болаларча хом хаёллари ҳатто ҳазилга ҳам арзимаслигига шаъма қилгандек илжайибгина қўя қолди.

– Вилински бир юз йигирма фунтдан ошиқ эмас экан. Уни биттагина ўқ билан гумдон қилиш учун яқингинасига боришимга тўғри келди, – мен олдинга яна бир қадам босдим. – «Трибьюн»да уни саксон икки ёшда деб ёзишибди. Аммо у саксон ёшдан ошганга ўхшамасди. Томас эса йирикроқ нишон экан. Уни овқатланаётган, тўғрироғи, «буррито» таомини пок-

покиза тушираётган вақтида кўлга туширдим. Агар унинг ёнига яқин борганимда эди, у менга қайнатиб пиширилган ловияларни сачратиб юборган бўларди.

– Ҳазилинг ҳам ўзингга ўхшаган совук, – тўнғиллади Кифер. – Тушунишимча, қаҳва ичгинг келмаяпти. Шундай экан, чирокни ўчир ва эшикни ёпиб, чикиб кет!

Энди мен Кифердан бир неча кадам нарида, ундан кўзимни узмай гулардим. Икковимизни ёнма-ён кўрган одамлар бизни албатта ота-бола деб ўйлаган бўлишарди. Аммо бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди, албатта. Кифер ҳақиқатан ҳам менинг марҳум отамга ўхшарди ва оғим, яъни Луиза шу сабабли ҳам унга турмушга чиққанига сираям шубҳам йўқ эди.

Менинг ўзимга яраша гартиб-қоидаларим бор, – дедим мен. – Вилински эрталаб ўлди, Томас тушда жонидан айрилди, сизнинг навбатингиз эса кечкурун келади. Ҳар сафар бошқа-бошқа курулдан фойдаланаман. Кейинги курбон ярим тунда жонидан айрилади. Мен Френсис Фонсекани кўз остимга олиб кўйганман. Бунга нима дейсиз?

Кифер иш столи олдидан нари кетди ва илгакдан ёғимланган кулранг пиджагини ва эскириб кетган кенг соябонли шляпасини олди. Ўзининг айтишича, ўз вақтида бу илгак Вильям Дин Хоуэллга қарашли бўлган экан.

– Аёл кишини-я? – қайта сўради у. – Ўз қонданги бузмоқчимисан?

– Қизиғи ҳам шунда-да! – дедим мен у пиджагини кийишини кузатарканман. – Тизимнинг вариантлари шундай тузилган.

– Хўш, бу билан нимани қойиллатмоқчисан?

– Ҳеч нарсани. Шунчаки шу охиргиси бўлади. Уларни ўлдирганимнинг сабаби шундаки, сизни ўлдирганимдан сўнг шубҳадан холи бўламан.

Кифер тошдек қотиб қолди ва киприк қокмай менга тикилди – бу сафар унинг нигоҳида нафратдан асар ҳам йўқ эди.

– Детектив адабиётда шунақанги вазиятлар учрайди: Эд Макбейн, Уильям Байер, Ардис...

– Адабиётда шундай! – энсамни қотириб қўйдим.
– Аммо ҳаётда бутунлай бошқача!

– Уйга кет, Бертон. Бошқа гаплашадиган гапимиз қолмади.

Кифер иш столини айланиб ўтди ва менинг оркамдаги эшикка кўз ташлади. Савдо майдончаси бўм-бўш эди.

– Мен гаплашиш учун келганим йўқ. Сизни ўлдириш учун келдим, – мен тўппончамни чиқариб, унинг эшик томон йўлини тўсдим. – Вактни тўхтатолмаганингиздек, бундан ҳам қочиб қутула олмайсиз. Мен ё сизни ўлдираман, ёки бир умр камситилишлардан азоб чекиб ўтаман.

– Бу, ахир... – у ортига тисарилди. – Йўқол бу ердан! Ҳозирок!

– Кеч бўлди!

Кифер ўзининг чап тарафида турган саватдаги китоблардан бир дастасини қўлига олди, уларни кўксига босди. Мен пухта мўлжалга олдим – у кимираммай турган ҳолда беихтиёр менга ёрдам берди, – ва ўқ уздим. Кифер юзтубан йиқилди: шляпаси бир чеккага учиб кетди, Роберт Форстер эса «Саёк оймомо»нинг устидан қўним топди. Мен эшик томон юрдим ва чирокни ўчирдим. Савдо майдонидаги фонусларнинг нури деразалардан ичкарига тушиб турарди. Кифер худди мультфильмдаги Даффи Дак лакабли ўрдакники сингари кулқуллаган овоз чиқарди. Мен унинг ёнига яқинлашиб, чўкка тушдим ва у қўлида маҳкам қисиб олган китобларни олдим.

Унинг жонсиз танасига яна битта ўқ қадашни жуда-

жуда истардим, аммо ортикча шовқин кўтаришни ва хатти-ҳаракатлар тартибини бузишим келмади. Тушун-яписми, ахир мен на Вилинскини, на Томасни ўлдирмаганман, аммо уларнинг ўлдирилиши менга илҳом бағишлади. Агар уларни ўлдирган кимса яқин орада ўзидан дарак бермаса, унда Френсис Фонсекани ҳам ўлдиришимга гўғри келади.

Мен то Кифер бутунлай ўлганига ишонч ҳосил қилганимга қадар унинг ёнида чўккалаб ўтирдим. Уни нариги дунёга равона қилиш шунчалар осон кечганлиги энг хайратланарлиси бўлди. Ҳамма иш худди репетициядагидек, худди олдиндан белгилаб қўйилгандек юз берди, фақатгина сўнги дақиқада баъзи ўзгаришлар киритишга гўғри келди. Мен ўз хатти-ҳаракатларимни режалаштирдим, уларни репетиция қилдим, тайёрландим, шу тарика барини удаладим.

Ўттиз йил мобайнида Мартин Кифер онамни тахқирлади, кўлидан келганча унинг устидан кулди ва пулларини ўмарди. Онам унга турмушга чиққанида кўлида ўн ёшли ўғли бор ёшгина бева эди ва дунёдан безиб қолган ёлғиз мавжудотга айланди. Отам онамга яхшигина мол-давлат қолдирганди ва мен ўзим севган касб билан шуғуллана олишимга шубҳа қилмасдим, пойабзал сотиш билан шуғулланиш эса етти ухлаб тушимга ҳам қирмаганди. Аммо йиллар ўтгани сари Кифернинг коллекцияси катталашар, онамнинг ҳисоб рақамидаги пуллари ва қатъияти камаяр, менинг қобилиятим эса ўсиб-ривожланиб борарди.

«Сен билан ҳисоблашганимдан хурсандман, Жонни оғайни», деб шивирладим Кифернинг жасади узра энгашганча, Марлон Брандога таклидан. Мен ахир актёрман-ку...

Чўнтагимдан пластик халтачани чиқариб, унга тўртта китоб билан тўппончани солдим ва ўрнимдан

турдим. Дастлабки сахна охирламоқда.

Парда. Қарсақлар. Қизикувчанлик. Танаффус пайтидаги қахва ва сигаретлар. «Нахотки манави йигитча Бертон Тайлер тахсинга сазовор бўлмаса? Худди ёш Жеймс Стюартнинг ўзгинаси-я!»

«Ёшим ҳам анча ўтиб қолди, – деб ўйладим мен. Анчагина сувлар оқиб кетди».

Мен Кифернинг жасадини иш столининг ортига судраб олиб ўтиб кўйдим ва телефон узра эгилдим. Ёруғлик етишмаганидан Луизанинг ракамини тараётиб, бурним билан унга урилаёздим. Онам учинчи қақрикдан кейингиша гўшакни кўтарди.

– Алло?! – унинг товушида симнинг нариги учиди ҳеч ким йўқ бўлишини истаётганлиги яққол сезилиб турарди.

– Салом, Луиза, – дедим мен қувнок овозда. – Бу мен, Бертонман.

– Ўғлим Бертонмисан?

Худди ўзгинаси-да! Эрталаб Детройтдан йўлга чиқаман.

– Жуда соз. Машина бошқараётганда эҳтиёт бўлгин.

– Келганимдан сўнг сиз ва Кифер билан гаплашмоқчи эдим.

– Бу яхши фикр эмас, менимча.

Мен ўзимни жуда яхши тутаман. Мен боришим ҳақида уни огоҳлантириб кўйинг. Хайрли тун. Луиза.

Нимаям дердим, бундан баттар бўлиши ҳам мумкин эди. Детройтга етиб олгунимча туннинг ярми ўтиб кетади, ухлаш учун бир-икки соатгина вақтим қолади. Меҳмонхонада ухлаб оламан ва Кифернинг ёрдамчиси Кари унинг жасадини топиб олган вақтда қайтиб келаман... Кўйлагимнинг этаги билан телефон гўшагини артдим ва айни вақтда «Ох, бечорагина дадамиз...» номли спектаклдаги кўғирчоқни эслатаётган Киферга қараб кўйдим. Бу спектакль 1981 йили

Кеношда кўйилган эди.

У эшик ортида гуриб, ичкарига = ойна ортидаги зулматга тикиларди. Мени кўргач, эшикни тақиллатди.

– Ёпик, – дедим мен Кифернинг хирилдоқ овозига таклидан.

– Жудаям мухим, = деди эркак мени яхшироқ кўришга уринаркан.

Дўкондан факат шу эшик орқалигина чиқиш мумкин эди. Ва мен уни бу ердан кетишга мажбур қилишим керак эди.

– Эртага келинг, – дедим мен.

– Бир дақиқагина, ўтинди у. – Бир нарсани сўрамоқчийдим!

– Сўрай қолинг.

Сиз Мартин Кифермисиз?

– Ҳа.

– Кеч бўлиб қолди. Эшик ортидан кичкира олмайман. Менга бир дақиқагина вақт ажратинг.

Эҳ, лаънати, келган вақтини кара-я!.. Майли, бўлар иш бўлди. Сен актёрсан. Қобилиятингни ишга сол!

Мен энгашиб, Кифернинг шляпасини олдим, уни бошимга қўндириб, кўзойнагини бурнимга яқинроқ сурдим. Мен Мартин Киферни ўттиз йил кузатганман, шу туфайли унинг родини қотириб ўйнай оламан. Китоблар солинган халтани қўлга олиб, букчайганча эшик томон юрдим.

– Узр, кеч қолдим, – деди у эшикдан кирар экан.

– Жуда кеч келдингиз, – хорнинг оҳангда дедим мен.
– Эрталаб келақолинг.

– Мен бор-йўғи бир нечтагина китоб олмоқчийдим. Нақд пул тўлайман. Эрталаб сираям кела олмайман.

У тахминан мен билан тенг, балки бир-икки ёш кичикроқ ҳамдир, башанг костюм кийган ва қўлида папка тутгани.

– Менга қаранг, – дедим мен Киферга ўхшашга

тиришиб, – бугун жудаям оғир кун бўлди. Аукционда Кларенс Мулддорфнинг бутун бошли тўпламини қўлдан чиқардим, «Рухоний ўлими ҳақидаги иш»ни шундоқкина бурнимнинг тагидан илиб кетишди. Сиз қўнғирок қилганингизни ёки китоб сўраганингизни сираям эслай олмайман...

– Сиз муаллифнинг дастхати қўйилган китоблар борлигини айтган эдингиз, – тушунтирди у. – Бугун онамнинг туғилган куни, шунга совға олмокчи эдим.

– Жойингиздан кимирламанг, – дедим мен унга бармоғимни никтаб. Ким билсин, тагин иш столининг ортига ўтиб қолиши ҳам мумкин-да...

У бош ирғаб, менга тикилиб қолди. Мен Кифернинг жасади устидан хатлаб ўтиб, қиммат китоблар терилган кулфланган жавон томонга ўтдим. Мен чўккалаб ўтирганча, Кифернинг чўнтақларини титкиладим ва калитлар шодасини олдим. Фақат биргина калит кулфга тушарди. Мен жавон кулфини пайпаслаб, очдим.

– Жудаям эътиборли экансиз, – деди у.

Мен минғирлаганча, бир нечта китобларни суғуриб олдим.

– Чирокни ёқсам бўладими...

– Йўқ, – чирокни ёкиш учун кетаётган жойида уни тўхтатдим. – Мен бошка мижозларнинг ҳам келиб қолишини истамайман ва ўз молларимни ёддан биламан.

Қўлимга илинган дастлабки китобни олиб, кўзларимни қисганча, номини ўқий бошладим:

– «Дўстлар орттириш ва одамларга таъсир этиш». «Сигрид учун. Дейл Карнеги» деб ёзилган экан.

– Йўқ, – деди у.

«Пингвинлар ороли», Анатолий Франс... «Рожер Акرويدнинг ўлдирилиши», Агата Кристи...

– Жуда соз.

– Оласизми?

– Йўк. Олдин яна нималар борлигини билиб олай, кейин бир қарорга келаман.

Мен унга Филипп Уайлини, Анита Лоосни, Фил Риццутони, Эдна Бестни ва Уилл Каппини айтдим, ниҳоят Грейс Металлиуснинг «Пейтон-плейс» асарига сгиб келдим.

– Қандай имзо қўйилган экан?

– «Жоржеттага Грейсдан», – ўқиб бердим мен.

– Оламан, – деди у, иш столига яқинлашаркан. – Қанча?

– Бир юз қирк доллар.

Агар у бир икки дюйм баландрок ва эътиборлирок бўлганида эди, Кифернинг жасадини кўрган бўларди.

– «Мастеркард» карталарини қабул қиласизми?

– Йўк.

– Вигринада ёзиб қўйилган-ку...

– Қабул ускунаси бузилиб қолган.

Майли, бунинг ахамияти йўк, – деди эркак. – Бир-икки дақиқадан сўнг у сизни безовта қилмай қўяди.

У папкасидан жуда катта іўппонча олди ва менга ўқталди.

Мен газна ускунаси ортига ўзимни отдим. Кифернинг айтишича, бу ускуна бир вақтлари О'Генрига тегишли бўлган экан. Боскинчи титрар, тўппонча мили эса нақ юрагимни нишонга олиб турарди.

– У ердан чиқинг.

– Пуллар...

– Менинг пулларим етарли, – гапимни бўлди у. – Менинг кимлигимни биласизми?

– Йўк.

– Мен Жек Жионеттиман.

У ўзининг исми-шарифини айтганлиги машъум белгидек эди.

– Мен исмларни яхши эслаб кололмайман, – дедим мен.

– Жин урсин! Сиз хато қияпсиз. Мен Мартин Кифер эмасман, – бошимдаги шляпани ечдим. – Қаранг. Мен Кифер эмасман. Кифер қари-ку! Мен сизни алдагандим.

– Бунинг менга даҳли йўк. Сиз китоб сотасиз. Мен китобларни ва уларни сотувчиларни ёмон кўраман. Бу ёкка ўтинг! – овозининг бориचा ўшқирди у. – Бўлинг тез!

– Тўхтанг. Мен ҳам китобларни ёмон кўраман. Қаранг... Манави халтада... Мен сизга кўрсатаман. Мана.

Бир қўлим билан «Юракларим ёш ва кувнок эди» номли китобни ушладим, иккинчиси билан халтадаги тўппонча дастасини чангалладим. Эркак эҳтиётлик билан менадан китобни олди ва яхшироқ кўриш учун уни тепага кўтарди.

– Сиз китобларни отасизми?

– Уларни кўргани кўзим йўк, – дедим мен, яна иккита қаттиқ муковали китобни олиб.

Мен унинг иш столи ортига ўтишига йўл бўшатдим ва Жионетти тўппончани туширмаган ҳолда олдинга бир кадам босди. Мен пластик халтани иш столининг устига қўйиб, четрок сурилдим, у эса энгашиб, Кифернинг жасадига тикилди.

– Мана шу Кифер бўлади.

– Уни сиз отдингизми?

– Ҳа, китобларини ҳам.

– Нима учун?

Бу яхши савол эди.

– Баъзи ҳиссиётлар ва туйғулар ўта шахсий бўлади, – тушунтирдим мен.

Дўконнинг орқа тарафидаги кичкинагина хонада кўнғироқли соат жиринглади.

– Икковимиз ҳам айти бир жойда бўлиб қолганимизни қаранг... – шубҳа ила лукма гашлади Жионетти.

– Шаҳарда эски китоблар сотиладиган дўконлар унчалик кўп эмас.

– Манавини ҳисобга олмаганда, яна учта бор.

– Маклиннинг муассасасида эски эмас, балки сотилмай қолган китоблар бўлади. Каттакон ёруғ дўкон. Оилавий бизнес.

– Демак, иккита қолибди-да... Мен сизга ишонаман, шунга қарамай, барибир ўлдиришимга тўғри келади. Сизнинг томингиз кетиб қолган, бундан ташқари, исмини ҳам биласиз. Агар сизни тутиб олишсамин?... У қасрда?

– Нима?

– Уни отган тўппончангиз-да!

– Ҳа, мана у, – дедим мен тўппончамни халтадан чиқариб, унга тўғриларканман.

Шу билан бизнинг «сухбатимиз» тугади. Агар у жуфтақни ростлаб қолганида-ку, хурсанд бўлардим-а, аммо... Мен Кифернинг устидан хатлаб ўтиб, ўнг томонга юрганим ҳамони Жионетти ўқ узди. Назаримда кўкрагимга темир лом билан урилгандек бўлиб туюлди. Кифернинг ёнига узала тушаётиб, ўқ узишга улгурдим. Дераза ойналари чил-чил бўлди. Жек Жионетти жавоб ўқи узди, аммо мен қоронғиликка қулаб тушаётгандим. Унинг ўқи Киферга тегди ва жасад худди ажаблангандек қимирлаб кетганини кўрдим. Ҳамон қоронғиликка йиқиларканман, кетмакет тепкини босардим...

Орадан икки кеча-кундуз ўтгачгина шифохонада ўзимга келдим. Кўкрагимда ҳамон суғуриб олинмаган лом тургандек туюларди. Мен нафас олишга урилиб кўрдим.

– Бемалол чуқур нафас олаверинг, – нотаниш

аёлнинг овози эшитилди.

Мен унинг айтганини қилдим. Зулмат аста тарқала бошлади ва ниҳоят кўзимни очдим. Ёнимдаги стулда кўксига атиргул кадалган кизил кўйлак кийган онам ўтирар, тепамда эса думалок юзлари ёкимтойгина малласоч ҳамшира киз энгашиб турарди. Унинг ортида бир эркак деворга суяниб турарди. Унинг жигарранг костюми дазмолга мухтож, бўйинбоғини алмаштириш зарурати сезилиб турарди. У тирнокларини тишмай кемираркан, ўз меҳнатининг натижасини текшириб кўрди, кейин бефарқ бир киёфада менга тикилди. У полициячи эди. Мен кўзимни юмдим.

– Мартин ўлди, ўғилгинам, – кувонч билан хабар қилди онам.

– Жуда соз, – дедим мен, аммо тезгина ўзимни ўнглаб, минғирладим. – Чаток бўлибди, демоқчи эдим.

Мен яна кўзимни очганимда, онам ва ҳамшира йўк, полициячи девор ёнидаги стулда ўтирарди.

– Сиз котилсиз, – деди у. – «Зулматдаги ўк». Ўтган йили шундай спектакль қўйилганди. Сиз унда котил ролини ижро этгансиз.

У ўрнидан туриб, менга ичига найча солинган идишдаги суюкликни олиб узатди. Мен бир култум симириб ичдим.

– Оғрияпти, – инградим мен. – Мен ўлдирганим йўк.

У идишни столчага қўйди. Палатада спирт хиди анқиди.

– Пьесада, – хирилладим мен, – мен эшик оғаси ролини ижро этганман, котилни эмас.

– Менинг шарифим Берман. Сиз кўкрагингиздан яралангансиз. Ўпкангизни ўк тешиб ўтган. Омадингиз келибди.

– Жионетти...

– У ўлган. Унинг исми-шарифини билармидингиз?

– Ўзи менга айтди

– Менинг акам бор, ёши элликка кирган, аммо актёр бўлишни ўлгудек истайди. Яхшигина бизнеси бор: Ўн олтинчи кўчада ахлат йиғувчи машиналарни ижарага беради. Иши яхши кетяпти, аммо калласига бир нарса келиб қолдими, демак қилишим шарт деб ўйлайди. Ёзувчи, актёр, ҳаво акробати бўлишни истаб қолганингизда, қандай бўлишини биласиз-ку!

Мен бош ирғадим.

– У срда нима бўлганини айтиб берасизми?

У ўгай отамнинг дўконига кирди, – секингина гап бошладим худди эндигина ўзига келаятган беморни ифодаламоқчидек. – Исми-шарифини ва икки нафар одамни ўлдирганини айтди. Ота бошлади. Ўгай отам яқиндагина тўппонча сотиб олганди... Бошқа икки нафар китобдорларнинг ўлдирилганлигини билиб, кўркиб қоландир... У айни тўппончани менга кўрсатаётганди. Мен тўппончани ола солиб, Жионеттига қараб отдим... Шу, холос.

Берман чўптагидан диктофон чиқарди:

– Қарши эмасмисиз?

Мен бош силкидим ва у диктофонни ёқди.

– У Жионетти эмас. У сизни алдаган. Фақат негалигини сўраб ўтирманг. Унинг исми-шарифи Кларк Симонсон. Уйда унинг бутун бошли ўкотар қурооллар коллекцияси бор, улардан биттасида икки нафар бошқа китоб сотувчиларини ўлдирган ҳам. Фарзандлари йўқ, хотини ўлган. Кливлендда китоб дўкони ҳам бор эди. Бир йил муқаддам номаълум сабабларга кўра унинг томи кетиб қолган.

– Қизик, – дедим мен.

– Мен бундан ҳам қизикроқ нарсаларни эшигганман. Онангизнинг айтишича, Симонсон сиз ва Киферга ўқушидан бир соатча муқаддам унга Детройтдан кўнғирок қилган экансиз.

– Унга дўкандан кўнғирок қилганман.

– Сиз Детройтдаги меҳмонхонада тўхтагансиз ва эртагача у ердан кетмоқчи эмасдингиз. Калитлар эса чўнтагингизда бўлган.

– Ўгай отам Мартин кўнғирок килиб қолди. Луиза, яъни онам ҳақида гаплашмоқчи эканлигини айтди. Илтимос, сув беринг.

У менинг илтимосимни қондирди. Сув илиқроқ эди.

У жудаям шошинч иш деган эди, – давом этдим мен. – Мен онам билан гаплашиб, Детройтга қайтмоқчи эдим. Менга у ерда роль ваъда қилишганди.

– Кифернинг жасадидан иккита ўк топилган. Бири Симонсоннинг тўппончасидан отилган. Иккинчиси сизникидан...

Меникидан эмас. Мартиннинг тўппончасидан. Балки, коронғида Симонсонга отиш ўрнига Мартинга теккизиб юборгандирман. Дахшат!

– Коронернинг айтишича, Кифер сизнинг тўппончангиздан ўлдирилган экан. Симонсон унга ўк узганида, у ўлик бўлган. Ҳар ҳолда, ўк кўлга теккан ва ўлдирадиган даражада эмасди.

Мен қафтим билан кўзларимни юмдим ва аламли инградим:

– Эй, худойим-ей, мен Мартинни ўлдирибман...

– Менинг назаримда ҳам шундай туюляпти, кўшилди Берман.

– Балки у ўлмаган бўларди, агар Жионетти...

– Симонсон, – тўғрилади Берман.

– Ахир илгарни мен сираям тўппончадан отмаганман, – пикиллаб йиғлай бошладим мен.

– Китоблар... Кимдир тўртта китобни ҳам отган. Улар иш столи устида ётганди. Уларнинг биридан Кифернинг қони топилган.

Мен ажабланиб унга тикилдим.

– Луизанинг айтишича, сиз Кифер билан келишолмас экансиз. Нега энди унинг олдига келдингиз, ахир кўнғирок килсангиз ҳам бўларди-ку?

– Онам туфайли. У «Бу иш жуда шошилишч, Луиза хақида гаплашиб олиш керак», деганди.

Кифернинг қурол саклаш учун рухсатномаси йўқ. Нега у поконуний тарзда қурол сотиб олди экан?

– Билмадим. У кўрккан бўлса керак.

– Берт, – деди Берман ва хўрсиниб, ўрнидан турди.

– Битга маслаҳат бермокчи эдим. Сизнинг воқсангиз жудаям чигал. Яхши адвокат топишингиз керак.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, рози бўлдим мен.

Диктофонни чўнтакка солганча, у эшик томон йўналди, аммо ярим йўлда тўхтади.

– Яна бир саволим бор. Тўғри, бу ишга дахлдор эмас.

– Сўрайверинг.

– Менинг акам сизга ўхшаб кетади. Де гройтда сизга кандай роль беришмокчи эди?



МУНДАРИЖА

Агата Кристи	3
Актриса	4
Эдит Паргетер	16
Қасдан қилинган қотиллик	17
Эллери Куин	26
Ўйинчок шаҳзода	27
Айзек Азимов	39
Самовий қотил	40
Билл Пронзини	51
Маҳорат	52
Бретт Холлидэй	62
Исталмаган миғоз	63
Генри Слезар	76
Ҳисоб қоғози	77
Дональд Уэстлейк	85
Кўза кунда синади	86
Жеймс Холдинг	96
Аждаҳо Алекснинг қилмиши	97
Жек Ричи	109
Чақирилмаган меҳмонлар	110
Жим Томпсон	121
Абадиятга элтувчи йўл	122
Ричард Лаймон	132
Темир хоним	133
Лоуренс Блок	144
Аудиторнинг қасоси	145
Майкл Мэллори	155
Узук	156

Ричард Матесон.....	167
Кутилмаган совга.....	168
Роберт Артур.....	178
Бассейн.....	179
Стивен Кинг.....	191
Гулларни севган йигит.....	192
Эдгар Уэллес.....	200
Үгирланган сурат.....	201
Стюарт Мелвин Камински.....	214
Китобдорнинг ўлими.....	215

УДК:76.06
ББК: 82.4-8
С76

Самовий қотил: жаҳон детективи дурдоналари /
тўпловчи ва таржимон М. Йўлдошева. - Тошкент:
«Адабиёт учкунлари», 2017. - 232 б.

1. Йўлдошева, Муҳаббат \тўпловчи ва тарж.

УДК:76.06
ББК: 82.4-8

ISBN 978-9943-987-59-3

САМОВИЙ ҚОТИЛ

Жаҳон детективи дурдоналари

Мухаррир: Д. Қўзиева
Техник муҳаррир: Ш. Абдурахмонов
Саҳифаловчи-дизайнер: Г. Тожибоева

Нашриёт лицензияси:

41 № 239 2013 йил 4 июль

Босишга рухсат этилди: 10.04.2017й. Бичими 60x84^{1/16}

Офсет босма усулида урилди. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи 14,5. Нашр. ҳисоб табағи 15.

Адади 5000 нусхада. Буюртма № 74

Нашриёт манзили:

«Адабиёт учкунлари» нашриёти, 100027,

Тошкент шаҳри, Ўкчи кўчаси, 29-уй.

Босмаҳона манзили:

«GOOD GROUP MEDIA» МЧЖ-да чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Чилонзор-14, 32-уй.



13000



ISBN 978-9943-987-59-3



9 789943 987593